01(092)
М-37.

МАҲОРАТ МАРОМЛАРИ

Шукурулло Қўлдошевич Мардонов

70 ёшда

01(092)
M-37

-3593-

МАҲОРАТ МАРОМЛАРИ

Шукурулло Қўлдошевич Мардонов

70 ёшда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 01(092)
КБК: 91

Маҳорат Маромлари. – Тошкент: «HISTORY AND PAGE», 2022. – 192 бет.

Ушбу рисолада педагогика фанлари доктори, профессор, устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан унинг устозлари, ҳамкасблари, шогирдлари, дўстлари ҳамда оила аъзоларининг дил сўзлари, устоз ҳақидаги эслашлар, эзгу тилаклар, устоз сийрати ва сиймосига чизгилар ёритилган. Китоб юбилярга таваллуд куни ва ижодий равнақи муносабати билан шогирдлари ва ҳамкасбларининг камтарона туҳфасидир. Китоб устознинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан яқиндан танишишни ҳохлаган кенг педагогик жамоатчилик, талабалар, магистрлар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:
МУХАМЕДОВ ГОФУРДЖАН ИСРОИЛОВИЧ, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, профессор;
ИБРАГИМОВ ҲОЛБОЙ ИБРАГИМОВИЧ, педагогика фанлари доктори, профессор.

ТАҚРИЗЧИЛАР:
Сапа Муродович Матчанов, п.ф.д., профессор;
Хол Джумаевич Худойқулов, п.ф.д., профессор.
Нашрга тайёрловчилар:
Хурвалиева Тармиза Латиповна
Педагогика фанлари доктори (DSc), Мактабгача таълим кафедраси доценти;
Абдуллаев Абдуқаюм Абдулҳаевич
Доцент, болалар спорти кафедраси мудири;
Жабборова Онахон Маннаповна
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири;

ISBN 978-9943-8120-1-7

МУНДАРИЖА

Сўз боши		6
	1-МОДУЛ. ЭҲТИРОМ	
Ибраимов Х. И.	Шогирдлар муваффақияти Устоз фахри!	8
Джураев Р.Ҳ.	Самимийлик, камтаринлик, изланувчан-ижодкорлик инсонийлик зийнати	10
Сафарова Р.Г.	Азизу мукаррам инсон	13
Куронов М.	Ўзбек педагогикасининг ёрқин намояндаси	15
Ҳайдаров И.Қ.	Ёшлар устози	18
Зиядуллаев О.Э.	Илм олими	20
Ҳусанов Б.Э.	Шукурулло домланинг фазилатлари	23
Ортиқов О.А.	Ҳамкасб устозимиз	25
Эшчанов Б.Х.	Устоз ва меҳрибон инсон	27
Матчонов С.М.	Ўзгармайдиган одам	29
Худойқулов Х.Ж.	Умрини меҳнат илмига сарфлаб камол топган олим	31
Абдуллаев Б.С.	Устозга таъзим	37
Пирназаров У.	Олим, меҳрибон устоз, ҳақиқий дўст	38
Махкамов У.И.	Бағрикенг устоз хусусиятлари	40
Джумаев М.И.	Илм сўқмоқлари учун яралган камтарин инсон	42
Рахматуллаева М.	“Ҳикмат излаганга ҳикмат бу дунё” таълим фидойиси, камтарин олим, вафоли дўст	45
Усаров Ж.Э.	Устоз сифатида фақат дарс берганларни эмас, сиздан илмлироқ инсонларни ҳам қадрлашади	47
Тилегенов А.Т.	Оққўнгил, олийжаноб инсон!	51
Нурманов А.Т.	Миллий педагогиканинг асосчиларидан бири	53
Мелиев Х.А.	Жамиятда ҳикмат топган олим	55

Пўлатов Ш.	Маърифатпарвар, иқтидорли олим ва жонкуяр устоз	58
Мусурманов Р	Ўзлигини топган инсон	60
Каримжонов А.	Юксак мақсадлар ва орзулар осмонида парвоз	64
Эрназарова Г.О.	Илмий-педагогик фаолиятда фидойи инсон	68
Ибадуллаев К.М.	Ҳаёт абадий, аммо у ёш авлод билан барҳаёт	70
	2- МОДУЛ МУНОСАБАТ	
Юлдашева Н.А.	Салоҳиятли фан дарғаси – меҳрли қалб эгаси	72
Қодирова Ф.У.	Маданиятга суғорилган сукут ила ёшларни тарбиялаган устоз!	75
Қосимов У.	Жўшқин ҳаёт ва сермаҳсул ижод сабоқлари	77
Жумаев Ш.	Сермазмун, серфайз умр соҳиби	82
Пўлатов Ш.Н.	Устозга таъзим	85
Ботирова Ш.И.	Дадажоним тафтин соғиниб ...	89
Кенжаев А.Л.	Эъзозга лойиқ устоз	91
Абдуллаева Ш.А.	Илмга чанқоқ қалб эгаси	93
Жуманова Ф.У.	Олимлик сари қўйилган қадам	96
Умаралиева М.	Ҳар биримиз учун устоз керак	98
Сатторов А.Э.	Эл юрт хизматига камарбаста инсон	100
Хурвалиева Т.Л.	Камтаринлик ва самимийлик сиймоси	103
Роббимова Ф.	Педагоглар устози	105
Кушвактов Н.	Устозга эхтиром	109
Усмонов А.Н.	Педагоглар устози	111
Шерматова У.С.	Камтаринликни касб қилган устоз	113
Абдуллаев А.А.	Заҳматкаш олим ва камтарин устоз	115
Куттибекова Г. Т.	Эъзозимдасиз, Устоз!	118
Жабборова О.М.	Эътирофга лойиқ устоз	121
Абдукаримов Н.А.	Отамдайин улуғим	123

Ахмадалиев Б.С.	Раҳбарлик масъулияти... ёхуд устознинг ўгитлари	124
Абдужалилова Ш.	Беназир устоз	126
Умарова З.А.	Меҳрибон устоз	128
Ходжиметова Д.Д.	Шукурулло Кулдашевич Мардонов – талантливый ученый	130
Атабеков Ф.О.	Бағрикенг олим ва устоз	131
Фармонов Ў.Н.	Юксак маънавият эгаси ва ташкилотчи раҳбар	133
Мирзаев А.М.	Буюк юртнинг буюк фарзанди	135
Исмоилова Д.М.	Устоз инсонийлик, меҳрибонлилик ва фаоллик намунаси	137
Шонасирова З.Ю.	Серқирра олим устоз	139
Санақулова А.	Қадри баланд устоз	140
Тешабоева З. С.	Адолатли бошқарувчи	141
Абдуллаева М.Д.	Қалб боғининг боғбони	142
Гимазутдинов Р.Г.	Илм хазинасидан шогирдларни насибадор қилган олим	144
Жўрабоев А.Б.	Устозим – фахрим мени	147
Наримбаева Л.К.	Зукко олим, фидойи раҳбар	149
Холматова С.Қ.	Устозим – қалбим қуёши	150
Каримжонова Д.	Меҳри дарё устоз	151
Рашидова Г. Ғ.	Ардоқларга лойиқ, Устоз!	153
Мардонов Ф.Ш.	Дуогўйим отажоним	155
	3 МОДУЛ. ИЛМИЙ ХИЗМАТ	
Дарслик, ўқув қўлланма, монография, халқаро ва республика миқёсида чоп этилган илмий ишлар		156
Профессор Ш.Қ.Мардоновнинг илмий раҳбарлик фаолияти		183
Масъул муҳаррирлик		184
Расмий оппонентлик		187
Якуний сўз		190

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистонда таълим-тарбия ҳамда педагогика фанининг муаммолари бўйича илмий, назарий, методологик ва амалий фаолият олиб бораётган олимлар халқимизнинг эҳтироми ва эътирофига сазовор бўлган. Ана шундай инсонлардан бири педагогика фанлари доктори, профессор, кўп шогирдларнинг меҳрибон устози Шукурулло Қўлдошевич Мардоновдир.

Шукурулло Мардонов ёшлигидан илмга меҳр қўйган бўлиб, дастлаб олий маълумотни Саратов давлат университетида олган. У киши бугунги кунда ўнлаб шогирдларнинг Устози, ҳамкасбларнинг дўсти ва илмий тадқиқотчиларнинг маслаҳатгўйи сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бугун ҳамкасбимиз Шукурулло Мардоновнинг 70 йиллик юбилейини нишонлаб турибмиз. Шу муносабат билан унинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти тўғрисида мазкур китоб тайёрланди.

Китобни тайёрлаш жараёнида ҳамкасбимиз Шукурулло Мардоновнинг инсоний сифатлари, ижодий фазилатлари ва фаолиятдаги амалий самарали масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шуни

таъкидлаш жоизки, муаллифлар Устоз олимнинг кўп жиҳатларини эътироф этган ҳолда, унинг илмий фаолияти ва инсоний фазилатларига алоҳида урғу беришган. Бундай эҳтиром ва эътирофга сазовор бўлиш ҳар бир илм кишисининг орзуси эканлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Шукурулло Мардонов педагогик илмий тадқиқотчиликда ўзининг индивидуал мактабига эга бўлган олимлардан бири. Шу сабабли кўпчилик ёшлар у кишининг бевосита илмий раҳбарлигида тадқиқотлар олиб боришни исташади. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай олимларнинг амалий фаолияти илмий тадқиқотчилигимизга муносиб ҳисса қўшиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Шукурулло Мардоновнинг инсоний фазилатлари кўпчилик томонидан эътироф этилишини таъкидлаш жоиз. Шу сабабли мазкур китобда имкон қадар мурожаат қилган муаллифларнинг дил сўзларини киритишга ҳаракат қилдик.

Биз педагогик жамоамиз ва у кишини биладиган, танийдиган кенг жамоатчилик номидан Шукурулло Мардоновга, ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақият ва фаолиятда самарадорлик тилаб қоламиз. Ҳар биримизга мана шундай юбилейларни нишонлаш насиб этаверсин!

Мухамедов Гофурджан Исраилович,
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, профессор,
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори

1-МОДУЛ. ЭҲТИРОМ

Ҳурматли Шукурулло Қўлдошевич!

Сиздек табиатан қувноқ, ижобий фазилатли инсонни таваллуд айёмингиз билан қутлаш жамоамиз аъзоларида катта қувонч ва фахр туйғусини уйғотади. Чунки сизнинг таълим ва педагогика соҳасида ҳалол ва покиза хизмат қилиб, нафақат институтимиз илмий жамоатчилиги, балки кўп сонли республика халқ таълими ходимларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган иқтидорли олим, етук ташкилотчи ва раҳбарсиз.

*Сизнинг 2006 йилда Т.Н.Қори ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий кенгашда докторлик диссертациясини – "**Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари**" – муваффақиятли ҳимоя қилганингиз Устоз сифатида менга фахр бахш этади.*

Ўтган йиллар мобайнида Сиз томонингиздан илмий қўллаб-қувватлаш натижаси сифатида 14 нафар шогирдларнинг тайёрлани-

ши юртимизда педагогика соҳасини ривожлантириш учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Улар мени ҳам невара шогирдларим саналади.

Бугунги кунга қадар Ш.Мардоновнинг 4 та ўқув қўлланма, 10 та монография, 24 та ўқув-методик қўлланма, 300 дан зиёд илмий мақолалар, 28 та илмий-оммабоп мақолалар чоп этилгани, шунингдек, 38 та илмий монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилганингизни ўзиёқ сизнинг бардавом меҳнатингиз натижаси деб ҳисобласак бўлади.

***Ҳурматли Шогирд**! Ҳозирги кунгача эришган барча ютуқларингиз ва муваффақиятларингизда мени ҳам Устоз сифатида ҳиссам борлигидан ғурурланаман!*

Донишмандлар айтганидек, муборак ёшларга етганлар бор, етмаганлар бор. Яна бир ошган катта довонингиз билан табриклайман!

Ҳурмат билан Устозингиз
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ
директори, п.ф.д., профессор Х.И. Ибраимов

САМИМИЙЛИК, КАМТАРИНЛИК, ИЗЛАНУВЧАН-ИЖОДКОРЛИК – ИНСОНИЙЛИК ЗИЙНАТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, академик, педагогика фанлари доктори, профессор Р.Ҳ. Джураев

Таълим-тарбия соҳасидаги узоқ йиллик тажрибам самараси ўлароқ, Республикамизнинг педагогик таълим йўналиши илмий жамоатчилигини яхши танийман. Улар орасида ўзининг зукколиги, моҳир ташкилотчилиги, талабчан устозлиги, ҳамиша янгилик ва яратувчиликка мойиллиги билан Шукурулло Қўлдошевич алоҳида ажралиб туради.

Шукуруллони Жиззах вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини бошқарган даврларидан бошлаб яхши биламан. Республика халқ таълими вазири лавозимида фаолият кўрсатганим боис бир неча марта мулоқот қилиш, хизмат юзасидан суҳбатлашишдан бошланган танишувимиз, охир-оқибат Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ҳамкорликда фаолият олиб боришга тўғри келган. Педагогика фанлари номзоди илмий даражаси билан ишга келган бу зукко инсон қисқа вақтда – педагогика фанлари доктори, профессор даражасига эришди.

Шукурулло Қўлдошевич 2005-2007 йилларда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Педагогика-психология бўлими бошлиғи, 2007-2010 йилларда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бош илмий ходими, 2011-2014 йилларда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, шунингдек, “Узлуксиз таълим” журнали масъул котиби, “Халқ таълими” илмий-методик журналлари бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида зўр иштиёқ ва изланувчанлик билан фаолият юритгани, илмий жамоатчилик орасида катта обрў ва эътиборга эга бўлганлиги кечагидек эсимда.

Ҳамкорликдаги фаолиятимиз жуда дўстона ва самимиятга йўғрилган эди. Бунинг боиси Шукурулло Қўлдошевичнинг ишчанлиги, уддабуронлиги, ижодий изланувчанлиги, одамохунлигидан эди.

Берилган ҳар қандай топшириқни бекаму-кўст ўз муддатида сифатли ва саводхонлик билан ёндашуви унинг нақадар илмий салоҳиятидан дарак эди. У махсус ихтисослашган илмий кенгашнинг котиби сифатида ҳам каминага яқин кўмакдош ва маслаҳатдош бўлганлигини жуда қадрлагим келади. Шукурулло Қўлдошевичнинг шонли ва ардоққа арзигулик меҳнат зафарларига тўла мазмунли ҳаёт йўлидан дадил бораётган бир табаррук инсон сифатида биламан ва қадрлайман.

Ш.Қ.Мардонов илмий фаолияти давомида кўплаб ёш тадқиқотчиларга устозлик қилиб, ёш педагог олимларни кашф этишдек шарафга ҳам муяссар бўлган забардаст олимдир.

Бир сўз билан айганда Шукурулло Қўлдошевич бугунга қадар 15 нафар номзодлик ва докторлик диссертацияларига бевосита раҳбарлик қилгани ва улар муваффақиятли ҳимоя қилганлиги таҳсинга сазавор. Унинг 4 та ўқув қўлланмаси, 10 та монографияси, 24 та ўқув-методик қўлланмаси, 300 дан зиёд илмий, 28 та илмий-оммабоп мақолалари чоп этилганлиги, шунингдек, у 38 та илмий монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилгани Республикамиз илмий педагогик жамоатчилигига яхши маълум ва унинг нақадар сермаҳсуллигидан нишонадир.

У билан Устоз-шогирд сифатидаги сермаҳсул фаолиятимизнинг самараси педагогика фанлари доктори Шукурулло Қўлдошевичнинг намунали ҳаёт йўли педагогика фанига ҳисса қўшиш иштиёқида бўлганлиги, бу йўлда юксак марраларни кўзлаган, ғайрат камарини маҳкам боғлаб, илм-фан ва жамият манфаати учун ҳалол ва фидокорона тер тўкишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай ёш олим учун ҳаёт мактаби бўла олади.

Ҳа, бугун забардаст олим, дўстимиз Шукурулло Мардонов 70 ёшга тўлди. Аммо у ҳали бақувват, ишчан кайфияти, изланувчанлик қобилияти ва шижоати гуркираб турган бир паллада унга мустаҳкам соғлик, умрбоқийлик, энг муҳими фарзандлари ва невараларининг камолини кўриб, бахтли кексалик нашидаси насиб этишини Яратгандан сўраб қоламан.

Қутлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин, азизим Шукурулло Қўлдошевич!

Ҳурмат ва эҳтиром ила Рисбой Ҳайдарович

АЗИЗУ МУКАРРАМ ИНСОН

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти педагогика фанлари доктори, профессор, Халқ таълими фидойиси, "Алифбе" дарслиги муаллифи Сафарова Р.Г.

Шукурулло Қўлдошевич Мардоновни 2004 йилдан буён биламан. Бу инсон биринчи навбатда жуда бардошли. У киши бошлаган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Шукурулло ака билан улар докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш жараёнида жуда кўп маротаба мулоқот қилишга тўғри келган. Ҳар гал билдирган фикрларимни ҳисобга олганлар.

Шукурулло Мардонов Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида "Узлуксиз таълим" журнали муҳаррирлигидан директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарига қадар йўлни босиб ўтган. Институтдаги ўн йилдан ортиқ илмий педагогик фаолияти давомида бир қатор ёшларга самарали илмий раҳбарлик қилган. Шукурулло Қўлдошевич мард инсон. Ўз фаолияти давомида ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. У ўз илмий педагогик фаолияти давомида бир қатор амалий, инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Шукурулло Қўлдошевич самимий дўст, шогирдларига меҳрибон устоз, фарзандларига талабчан ота, атрофдагиларга дилкаш мулоқотдош, ҳамкасбларига нисбатан толерант, самимий, суҳбатдош бўлганлиги учун ҳам қаерда, қайси лавозимда ишламасин жамоадошларининг ҳурмати ва эътирофига лойиқ инсондир.

Бағри – Зомин тоғларидай кенг ва виқорли ҳамкасбимга узоқ ва фараҳбахш умр тилайман!

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

(Ғафур Ғулом)

Оллоҳ азиз ва мукаррам қилган зотни барча азиз билур!

ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЁРҚИН НАМОЯНДАСИ

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий- тадқиқот институти педагогика фанлари доктори , профессор Қуронов М.

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов деганда, у кишини танийдиган одамларнинг чеҳралари ёришади. Юзига табассум югуради. Яхшиликка чоғланади. Чунки у кишининг ўзи шундай. Мен у кишини агар юз марта кўрган бўлсам, юз марта ҳам хушчақчақ, ҳолатда, кулиб турган юзи, кулиб турган кўзини кўрдим.

Бундай муносабатга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун одам ўзининг одамларга қилган яхшилиги, эзгу ишлари, Ватанига, халқига қилган хизматлари, ўз соҳасига жонкуярлиги туфайли эришади. Шукурулло ака Мардонов мен учун ана шундай қадрдон инсон. Қадрдон акам.

Ундан ташқари, Шукурулло Мардоновни олим сифатида, шахс сифатида, раҳбар сифатида кўз олдимизга келтирсак, у киши инсон сифатида меҳрибон, хушчақчақ, инсоннинг кўнглини оладиган дилбар инсон.

Айни пайтда раҳбар сифатида у кишини ниҳоятда талабчан инсон раҳбар сифатида кўрганмиз. Жумладан, у киши ўзлари раислик қилаётган илмий Кенгашни бошқаришда, диссертацияларни холис, объектив таҳлил қилишда, диссертацияда учрайдиган камчиликларга муросасизлигида кўп марта ўзини намоён қилган. Айни вақтда агарда диссертация ҳам, диссертант ҳам зўр бўлса, диссертант ўзини кўрсатаётган бўлса, диссертантни ҳимоя қилаётганликлариниям кўп кўрганмиз.

Профессор Шукурулло Мардонов билан мени боғлайдиган ришталар жуда кўп, шулардан бири, бизнинг ўғилларимиз. Бизнинг ўғилларимиз Умиджон билан у кишининг Фарҳод исмли ўғиллари лицейда бирга ўқишган. Улар ҳам қадрдон дўст. Мана ўн йиллардан зиёд вақт ўтса ҳам, улар ўртасидаги самимий дўстлик мустаҳкам, бардавом. Улар қайси мамлакатда юрган бўлсалар ҳам, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб хабардор бўлиб келаяптилар.

Фарҳоджоннинг ҳалим маънавиятида, маънавий портретида замонамизнинг улкан педагоги Шукурулло Мардоновнинг юзларини, кўзларини ва характерини кўрамиз.

Шукурулло Мардонов ўзбек педагогикасининг ёрқин намоянларидан бири. Йигирма биринчи аср ўзбек педагогикаси малака ошириш тизими ва уни илмий педагогик такомиллаштириш йўлларини Шукурулло Мардоновнинг илмий мактабидан фойдаланган ҳолда амалга оширмокда. У кишининг ўнлаб забардаст шогирдлари бугун Ўзбекистон педагогикасини ривожлантиришда хизмат қилиб келишмоқда.

Мамлакатимизда Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институтининг очилиши жуда катта хайрли воқеа бўлди. Институт ўзининг ректори, профессор Гофурджан Мухамедов раҳбарлигида номи институт бўлса-да, ўзи университет мақомига эга бўлди. Университет кампуси деб атагудек бир педагогик шаҳарчага айланди. Институтнинг обрўси, довруғи йилдан йилга ошиб бораётир.

Албатта, педагогика институтининг юраги педагогика кафедраси бўлиши керак. Шундай бўлди ҳам. Мана шу юрак, бугун соғлом, гурс, гурс, гурс уриб юрибди. Бунга сабаб профессор Шукурулло Мардоновнинг педагогика илмига садоқати, Ватанга муҳаббати, миллатнинг содиқ ўғлони сифатида, ўзининг илмий меҳнатини қилаётганлиги ҳисобланади.

Мана бугун биз профессор Шукурулло Мардоновнинг муборак етмиш йиллик тўйларини нишонлаяпмиз. Мен Шукурулло ака Мардоновнинг юраги бир дақиқада олтмиш марта уриб туришини ва Чирчиқ педагогика институтининг юраги – педагогика кафедрасининг бундан ҳам юксак натижаларга эришишини тилайман.

Шукурулло ака, ҳорманг!

Педагогикамиз бахтига соғ-саломат бўлинг! Дўстларингиз, ҳамкасбларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг, Оилангиз, янгам, фарзандларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг!

Муборак саксон ёшингизда, тўрт кўз тугаллигида мана шундай табрикларни қилиш ҳаммамизга насиб этсин!

Чуқур ҳурмат билан, профессор Мухаммаджон Қуронов.

I-3593

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЁШЛАР УСТОЗИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Хайдаров Илхомжон Қудратович.

Дунёда эътироф деган юксак баҳо борки, бу баҳога ҳамма ҳам сазовор бўла олмайди. Ушбу сўзнинг тошу-тарозуси ҳам оғир. Мазкур баҳога муносиб деб топилган инсон ҳаётда ўзининг ақлий, илмий, маънавий, инсоний, ижодий ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва бошқа жиҳатлари билан тан олиниши, ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиши лозим. Шукурулло Қўлдошевич ҳақида гап кетганда менинг кўз ўнгимда ҳар томонлама юксак эътирофга лойиқ инсон гавдаланади.

Устоз Ш.Мардонов 50 йиллик илмий ва педагогик тажрибага эгалиги билан элимизнинг хизматида бўлиб келаётган етакчилардан биридир. У киши аввало Россия Федерациясида таълим олганлиги ва шу сабабли халқаро таълим тизимини яхши билиши билан ажралиб туради. Устознинг кўп йиллик фаолияти Т.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан боғлиқ. Мазкур даргоҳда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муаммолари билан шуғулланиб, бу борадаги муаммоларнинг педагогик, илмий ва назарий ечимлари бўйича ўзига хос илмий тадқиқотлар яратган ҳамда бир талай монографиялар эълон қилган. Устознинг мазкур илмий фаолияти кўпчилик педагог олимлар томонидан юксак баҳоланган.

Кейинги йилларда устоз билан бирга фаолият кўрсатиш менга ҳам насиб этди. Мен бу борада устоздан ўзига хос бошқарувчиликни, катта-ю кичикка бир хил муносабатда бўлишни ва хеч қачон буйруқ оҳангида гапирмасликни ўргандим. Чунки устознинг фаолияти бевосита ўқув жараёнини бошқариш билан боғлиқ. Бунда талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан ишлаш, уларни йўналтириш, дарс жараёнини муносиб ўтказиш ва муваффақиятга эришганларни эътироф этиш ишлари амалга оширилади. Бу борадаги ишларда устоз фаол ҳисобланади. Шу сабабли кейинги йилларда институтимизнинг бошланғич таълим йўналишида ўзига

хос самарадорликка эришиб келинмоқда.

Устознинг яна бир фазилатларидан бири шуки, у киши илмга интилган ҳар бир кишини тўғри йўналтиради ва илмий маслахатлар беради. Бунинг натижасида институтимиз бошланғич таълим йўналишида кейинги йилларда илмий фаолият кучайди. Натижада ўқитувчиларнинг илмий ишларини янада ривожлантириш, уларнинг натижаларини оммалаштириш ва илмий адабиётларини мунтазам нашр этиб бориш жараёни юзага келди. Мисол учун, 2021-2022 ўқув йилида бошланғич таълим йўналишида 5 киши педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлди ва бунда устознинг бошқарувчилик маҳорати борлигини таъкидлаш лозим.

Умуман устоз Шукурулло Қўлдошевич Мардонов кўпчиликнинг мехрибон устози сифатида фаолият юритмоқда ва бугунги 70 йиллик юбилейлари билан самимий қутлайман.

ИЛМ ОЛИМИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий ишлар бўйича проректори, кимё фанлари доктори, Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич

Она юртимизда ўзининг илми, салоҳияти ва илмий мавқеи билан хизмат қилиб келаётган етук устозларнинг кўплиги кишини қувонтиради. Улардан бири педагогика фанлари доктори, профессор ва ёшларнинг жонкуяр устози Мардонов Шукурулло Қўлдошевичдир. Мен бу ўринда устознинг илмий фаолияти тўғрисида фикр билдириб ўтмоқчиман.

Аввало таъкидлаш лозимки, устознинг илмий фаолиятида педагогикамиз тадрижида муҳим ўрин тутувчи ва мураккаб муаммолардан бири – ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш асосий ўрин тутади. Мазкур масала бўйича устознинг илмий-тадқиқотларида қуйидаги муаммолар ҳал этиб берилган:

- ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар кўлами ва уларни бажаришнинг илмий асослари;
- ҳудудлар кесимида ўқитувчилар малакасини оширишнинг илмий муаммолари ва уларнинг ечимлари;

- ўқитувчиларни қайта тайёрлашнинг назарий ва педагогик асослари;
- ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини бошқариш омиллари.

Эътибор берилса, устознинг мазкур илмий фаолиятида таълим ва тарбиямизнинг муҳим муаммолари илмий жиҳатдан хал қилиб берилган.

Устознинг навбатдаги илмий фаолияти таълим ва тарбия жараёнининг ҳозирги муаммоларини мунтазам тадқиқ этиб боришдан иборат. Шу жиҳатдан 2021 йили устознинг навбатдаги ўқув-услубий қўлланмаси – "Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси" нашр этилди. Мазкур муҳим ўқув-услубий қўлланмада қуйидаги янгича ёндашувлар ва масалалар бўйича муҳим қарашлар баён қилинган:

- электрон ўқув модулининг ўзига хосликлари ва унинг тузилиши;
- электрон ўқув модулини яратиш босқичлари ва тамойиллари;
- ўқув материалларини тизимлаштиришнинг ўзигат хосликлари.

Бунинг натижасида устоз томонидан Педагогика фани бўйича ўзига хос электрон ўқув ишланмаси ишлаб чиқилган. Мазкур яратилган ишланма таълим жараёнида фойдаланишга қулайлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Чунки у инновацион ёндашув асосида яратилган.

Устознинг илмий фаолияти яна шогирдларга илмий раҳбарлик қилиш билан боғлиқ. Бу борада устознинг фаолиятини кузатиш қуйидагиларни беради:

- энг зарурий педагогик муаммоларни илмий тадқиқ этиш учун мавзу сифатида тақдим қилиш;
- илмий-тадқиқотларни ўз вақтида амалга оширишни назорат қилиш;
- яратилган илмий-тадқиқотларда имкон қадар муаммоларнинг амалий ечимини таъминлаш;
- илмий-тадқиқот ишларида халқаро тажрибалардан фойдаланиш.

Бунинг натижасида устоз раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар ва мустақил изланувчилар ўзига хос тадқиқот ишларини амалга оширишмоқда.

Институтимизда мана шундай илм кишилари фаолият юритаётганлиги бизни қувонтиради. Мен бу ўринда устоз Шукурулло Қўлдошевични 70 йиллик юбилейи ва 50 йиллик илмий фаолияти билан табриклайман. У кишига сиҳат-саломатлик, илмий ва раҳбарлик фаолиятида муваффақиятлар тилаб қоламан.

ШУКУРУЛЛО ДОМЛАНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент Ҳусанов Б.Э.

Юнонларнинг улуғ мутафаккири Арасту (Муаллими аввал) ўзининг “Ахлоқи Кабир” номли асарида “Фазилат нима?” - деган саволга “Фазилат умумий маънода энг яхши руҳий ҳолатдир” деб айтган эди. Унинг фикрича, кўнгилнинг ақлдан ташқари қисми фазилатлардир: унга учта муҳим аҳлоқий хислат - соф, адолат, мардлик киради. Бу хислатлар, албатта, агар ақлга мувофиқ келганида ва оқилона ишлар учун хизмат қилганида, мақтовга сазовордир.

Аслида, ўзимизда бирор фазилатни ёки қандайдир неъматни аслидагидан кўп деб ҳисобласак — мақтанчоқлик бўлади. Аслидагидан кам деб кўрсатсак — риёкорлик, сохталик бўлади. Шу маънода, Шукурулло домланинг фазилати “олтин ўрталик” билан белгиланади ва бу ўрталикни инсоф, адолат ва мардлик хислати мустаҳкамлайди.

Шукурулло домла инсофли муаллим! Сабаби бу инсоннинг шогирдлари жуда кўп, илмда муносиб ўрни бор, қолаверса, одампарварлиги, зиёлилиги ва сабрлилиги кўпчилик учун ўрнак. Домла бу

фазилатларни умри давомида шакллантирган, унга ҳурматда бўлган.

Шукурулло домланинг адолати билим – илм – тарбия билан мустаҳкамланган. Аслида ҳам адолат ушбу “ажойиб учлик”ни тақозо этади: билимсиз, илмсиз ва тарбиясизнинг ишида адолат бўлмаслиги улуғларнинг ҳикматларида баён этилган. Айтиш керакки, хатолар қандай келиб чиқишини қийин бўлса-да, аниқлаш мумкин, бироқ адолат нимага тааллуқли: мақсадгами ёхуд мақсадга етиш йўлигами — шуниси муҳим. Зеро, адолатли бўлишга чорловчи илмнинг вазифаси ҳам инсонни тараққий эттиришда, унинг қадрини мустаҳкамлашда, одамни бир-биридан бегоналаштирмасликдадир. Бу жиҳатдан ҳам Шукурулло домла фазилатли ҳисобланади.

Шукурулло домланинг мардлигини асословчи ҳаётий воқеликлар бисёр. Агар ахлоқ фалсафасининг “Фазилат яхши мақсадни қўя билишдадир. Ана шу яхши ният ва мақсадни ўз олдига қўядиган одам ҳам фазилатлидир”-деган тамойилига асосланадиган бўлсак (аслида фозил, фазилатли одамгина ўз олдига яхши мақсадни қўяди), Шукурулло домланинг мардлигини тушуниш қийин бўлмайди. Зеро, домланинг мақсади – институт илмий салоҳиятини ошириш, педагогика соҳасида илмсевар ёшларни тайёрлаш, ўқитувчи – ҳодим – талабаларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўлганлигини институтимиз ташкил этилган 2017 йилнинг илк кунларидан ҳис қилганман.

Таъкидлаш зарурки, ҳар соҳада тўғри ўйлаб, ақлга мувофиқ иш тутиш, энг яхши йўлни танлаш ҳам фазилат ҳисобланади. Шукурулло домланинг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган одам бу фазилатни ҳис қилади, англайди.

Юқорида баён этган мулоҳазаларим улуғ Арастунинг ҳикматлари асосида юзага келган. Зеро, эзгу одамлар ҳақида, айниқса муаллим одоби ва таълимшунослик (педагогика) соҳасида катта илмий йўналишни яратган Шукурулло домладек фидойиларнинг иш тутуми, ўй-ҳаёллари, мулоқоти ва муносабати ҳақида мушоҳада қилмай, бир нафасда нома битиш анча мушкул ҳисобланади

Шукурулло домланинг педагогика илми ва маърифати ривожида қиладиган ишлари хали жуда кўп. Бу эзгу ишларни амалга оширишда устозга мустаҳкам саломатлик ва ирода, юз ёруғлиги ва саодатни тилайман.

ҲАМКАСБ УСТОЗИМИЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти молия ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлар номзоди Ортиқов Ойбек Абдуллаевич

Педагогика фанлари доктори, профессор, ҳамкасбимиз ва устозимиз Мардонов Шукурулло Қўлдошевич бугун муборак 70 ёшини ва 50 йиллик илмий фаолиятини нишонламоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб у киши тўғрисида фикрларимни билдириб ўтмоқчи эдим.

Устоз Шукурулло Қўлдошевич аввало самимий ва етук инсон. Ўзининг муомаласи, фаолияти ва ўзгаларга муносабати билан кўпчиликка ибрат бўлиб келмоқда. Шу сабабли у кишини катта-ю кичик бирдек ҳурмат қилади.

Устоз кейинги пайтларда ўзига хос раҳбарлик санъатига эга эканлигини ҳам намоён қилмоқда. Мен бу борада у кишининг бошқарувчилик услубида манманлик ёки буйруқбозлик иллатларини кўрмадим. Аксинча, топшириқларни мукаммал тушунтириш билан бериш услубини кузатдим. Шу сабабли кўпчилик раҳбарлик лавозимидаги кишилар устоз билан ҳамкорлик қилади ва бошқарув муаммоларида фикр алмашади. Бу хол институтимизда ижтимоий муҳитнинг ривожланиб боришига омиллардан бири бўлмоқда.

Устоз Шукурулло Қўлдошевич яна бир жиҳати билан эътиборни тортади. Қанчалик мураккаб бўлмасин раҳбарлик жараёнида дуч келинадиган муаммоларни босиқлик ва билимдонлик билан ҳал этиш кузатилади. Шу сабабли у кишининг раҳбарлигида институтимизнинг бошланғич таълим йўналиши ўқув, илмий ва методик жиҳатдан ривожланиб бормоқда.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, муайян йўналишни ривожлантириш шу соҳа вакилларининг тажрибаларига ҳам боғлиқ бўлади. Бу жиҳатдан устоз Шукурулло Қўлдошевич институтимизда таълим ва тарбия муаммоларини хал этишда бой тажрибаси билан фаол иштирок этиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Натижада институтимизнинг ижтимоий мавқеи мамлакатимизда ортиб бормоқда. Бу ҳолни устоз Шукурулло Қўлдошевич раҳбарлик қилаётган бошланғич таълим йўналишига ҳар йили жуда кўп

ёшларнинг ўқиш истагини билдириб ҳужжат топшираётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Устоз Шукурулло Қўлдошевич шогирдлари билан фахрланса арзийди. Чунки у кишининг шогирдлари ижтимоий фаоллиги, билимдонлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради.

Мен устоз Шукурулло Қўлдошевични 70 йиллик юбилейи ва 50 йиллик илмий фаолияти билан табриклайман, ҳамиша мана шундай устоз мақомида бўлишларини тилаб қоламан.

УСТОЗ ВА МЕҲРИБОН ИНСОН

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари доктори Эшчанов Баходир Худайберганович

Мен илмий ва ижтимоий фаолиятим давомида мамлакатимизда фаолият юритаётган кўпгина устозлар ва меҳрибон инсонларни учратганман. Улардан бири профессор Шукурулло Қўлдошевич Мардоновдир.

Устоз Шукурулло Қўлдошевич раҳбарлигида институтимизнинг бошланғич таълим йўналишида ўқув, илмий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бу борада у кишининг бевосита раҳбарлиги ва ёрдамида профессор-ўқитувчилар ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий кўникмаларини талаб даражасида шакллантириш ва албатта, илмий фаолиятда самарадорликка эришиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида таълим йўналишида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Устоз Шукурулло Қўлдошевичнинг фазилатларидан бири барчага бир хил муносабатда бўлишларидадир. Шу сабабли ҳар бир киши у киши билан яхши муносабатда эканлиги, ўзининг муаммоларини бемалол ўртоқлаша олиши ва устоздан тегишли маслахатларни қабул қилиши мумкин. Бундай фазилатларни Шукурулло Қўлдошевич илм, инсонийлик ва раҳбарлик жиҳатидан уйғунлаштирган.

Кейинги пайтларда мамлакатимиз, жумладан, институтимизда таълим сифатини ривожлантириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада етук мутахассисларни тайёрлаш ҳам асосий ўрин тутади. Шу жиҳатдан устоз Шукурулло Қўлдошевич раҳбарлигида ҳар йили юзлаб билимли, касбий етук ва ижтимоий фаол педагоглар ҳаёт ва фаолиятга йўлланма олмоқда. Уларнинг мана шундай касбий ва инсоний жиҳатдан етук бўлиши бевосита Шукурулло Қўлдошевич раҳбарлигида бошланғич таълим йўналишида амалга оширилаётган ишларнинг самараси билан боғлиқдир.

Устоз Шукурулло Қўлдошевичнинг жуда кўп шогирдлари бор. Мазкур шогирдлар Шукурулло Қўлдошевичнинг бевосита раҳбарлигида илмий ва ўқув фаолияти билан самрали шуғулланмоқда. Шу жиҳатдан у киши шогирдлари билан фахрланса арзийди.

Мен устоз Шукурулло Қўлдошевичнинг мана шу муборак 70 ёши ва 50 йиллик илмий фаолияти билан қутлайман. У кишининг ҳамиша мана шундай устоз мақомида жонкуяр инсон бўлиб юришларини тилайман.

ЎЗГАРМАЙДИГАН ОДАМ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори Матчонов С.

Инсон зоти борки, характер хусусияти, феъл-атвори, ҳатто ўзини тутиши-ю гапириш манераси билан бошқалардан ажралиб туради. Баъзи нотаниш кишилар илк учрашувдаёқ муомала-муносабати, ғап-сўзлари билан кўнглингизга ўтиради қолади. Кейинги сафар кўришганингизда мамнуният билан ўзингизга яқин оласиз.

Баъзилар бор, тақдир тақозоси билан дастлабки учрашувларда кўнглини очмайди. Ўзини жиддий тутади, расмий муносабатда бўлиши билан кўнглингизда қандайдир мубҳам туйғуларни қўзғагандек бўлади. Аммо шахсий муносабатлардаги синашталик даврида янги танишингиз тўғрисидаги мулоҳазаларингиз ойдинлаша боради. Икки ўртадаги самимият туфайли ҳамкор-у ҳаммаслак сифатидаги муносабатлар дўстона яқинликка айланиб кетади.

Яна бир хил одамлар борки, илк бор юзлашганингиздаёқ ҳафсалангиз пир бўлади қўяди. Бундай кишилар билан биринчи бор кўришганингиздаёқ кўнглингизда туғилган нохуш кайфият юрагингизга оғир ботади (хайриятки бундай кишилар кам учрайди), руҳиятингиздаги хотиржамлик, осойишталик жилла қурса бир тебрангандек таассурот қолдиради.

Ўйлаб қарасам, Шукурулло Мардонов ўзим таниган-билган кишилар ичида юқорида айтилган тоифадагиларнинг ҳеч бирига ўхшамас экан. Назаримда Шукуруллонинг ўзига хослиги феъл-атворининг ўзгармаслигида. Бундай кишиларни бошига қилич келса ҳам ўзи чин ҳақиқат деб билган сўзидан қайтмайдиган, тақдири қулиб боқмаган оғир дамларида бошқаларга ялтоқланмайдиган, бахт-иқболи кулиб боққанида манманликка берилмасдан ғоятда хокисорлик билан бошқаларни бунданда улуғ ният-мақсадларига эришишни тилаб қоладиган, эътиқодида собит, ўзгармайдиган одамлардан деб биламан.

Улуғ мутафаккир Конфуцийнинг: "дунёда энг ақлли одамларгина ўзгармайдилар" деган ҳикмати, айнан Шукурулло Мардонов тўғрисида айтилгандек.

Шукурулло билан Шукурулло Қўлдошевич бўлишидан анча олдин, аммо қачон ва қай ҳолатда танишганимизни эслолмайман. Шуниси аниқки, танишлигимиз давомида бировни олдида мақтаб кетидан ғийбат қилганини, факультет раҳбари сифатида бировга овозини баланд кўтариб муомала қилганини кўрмаганман.

Бу хилдаги мулоҳазакорлик, кўнгил хотиржамлиги-ю осойишталик у кишининг миллий таълим тараққиёти йўлидаги тинимсиз изланишлари ва ҳамиша силлиқ кечавермайдиган ҳаёт сўқмоқларидаги кечмиш-кечирмишлари давомида оройиш топган бўлса не ажаб.

Фикри ожизимча, Шукурулло Мардонов ким билан муомала-муносабатда бўлмасин, суҳбатдошининг кўнглида нима борлигини сезиб туради. Шу тариқа кўнгил кўнгилдан сув ичади: қайта-қайта гаплашгингиз келаверади. Ҳаёт шундай кишилар билан кўркамлигига имон келтирасиз.

УМРИНИ МЕҲНАТ ИЛМИГА БАҒИШЛАБ КАМОЛ ТОПГАН ОЛИМ

Ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик
бу игна билан қудуқ қазишдек машаққатли иш.
Буни билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур.
Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Миллий университети педагогика фанлари доктори, профессор Худойқулов Хол Жумаевич.

Улуғ рус ёзувчиси Иван Сергиевич Тургенев “О, ёшлик! Ёшлик! Эҳтимол, бутун латофатинг сари ҳамма нарсани уддалаш имкониятига эга эканлигингни эмас, балки ҳамма нарсани уддалайман, деб ўйлаш имкониятига эга бўлганингдадир”, - деб бежиз айтмаганидек, 1952 йилнинг 25 майида Жиззах вилоятида туғилган **Мардонов Шукурулло Қўлдошевич** 1974 йилда Саратов давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатгач ўқитувчи сифатида ўз ижодий фаолиятини бошлаган инсон ҳисобланади.

Бугун ўзининг 70 ёшига қадам қўйган педагогика фанлари доктори, профессор, Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ана шу мақомга эришган олимлардан биридир. Ҳар бир олим учун ўзи

яратган илмий мактаби, шогирдлари қанчалиги меҳнат ва ижтимоий фаолияти масаланинг бир томони ҳисобланса, яна унинг учун ниҳоятда қадрли жиҳат, яъни ўзининг замондошлари ва издошлари, сафдошларига кўрсатган таъсири, ижобий ишлари билан ўрнак ва ибрат бўла олганлиги ўта муҳимдир. Шу боис ҳам, мен педагогика фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келаётган устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг маънавий камолоти, сабр ва матонатига урғу бериб, унинг нафақат илмий фаолияти қирраларини, балки чин, самимий инсонга хос бўлган ибратли жиҳатлари ҳақида тўхталмоқчиман.

Бугунги кунда инсон эришган барча ютуқлар, буюмлар бир зумда уни тарк этиши мумкин, аммо унинг томонидан эгалланган билим, ҳар дам, ҳар замонда инсоннинг ажралмас қуролига айланади. Шундан бўлса керак, моҳир олим Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга зукко кўз билан қараб, мустақил фикрлаб, энг муҳими ўзликни англашига имконият яратади. Шундан бўлса керак, устоз ўз билимларини кенг оммага етказиши мақсадида матбуот саҳифаларида долзарб мавзуларда мақолалар чоп эттирадилар.

Ёшларни илмга тортиш, кафедра, факультет ва институтнинг илмий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш сифатини кўтариш Мардонов Шукурулло Қўлдошевич амалга оширган савобли ишлардан бўлди. Бугун мамлакатимизнинг қайси бурчагига борманг, Шукурулло Қўлдошевичдан сабоқ олган минглаб илғор, фаол, жамиятда катта обрў-эътиборга лойиқ бўлган мутахассисларни учратасиз. Энг муҳим жиҳати шундаки, уларнинг барчаси ҳозирги кунга қадар устознинг бир оғиз ширин сўзи, касб-ҳунарни эгаллашга доир қимматли маслаҳатларига илҳак бўлиб турганига гувоҳ бўласиз. Бу эса, шогирдлар томонидан устозга нисбатан қадр-қиммат, ҳурмат ва катта эҳтиром кўрсатилишининг бир намунасидир.

Ш.Қ.Мардоновнинг кўп йиллик педагогик соҳасидаги фаолияти мобайнида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳиссасини қўшганлигидадир. Улар республикамизнинг турли вилоятларида фидокорона меҳнат қилмоқда. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич зукко, билимдон, камтарин ва бағри кенг устоз. Шу маънода устозни нафақат илм аҳли, балки ҳуқуқни амалиётга

қўлловчи мутахассислар ҳам юксак даражада қадрлашларига гувоҳ бўлганмиз. Эътиборли томони шундаки, педагогика фанлар доктори, профессор Ш.Қ.Мардоновнинг меҳнатсеварлиги, интизомманд ва камтарлиги, теран фикрлиги, узоқни кўра билишлиги, тажрибон ва принципиал раҳбар сифатидаги фазилатларидан далолат берувчи кўплаб жиҳатларини кўрсатиш мумкин. Менимча, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич билан бўладиган ҳар бир суҳбат пурҳиммат маъно ва мазмунга эга. Устоздаги меҳрмуҳаббат, инсонпарварлик, теран фикр юритиш бутун ҳаётида намоён бўлган инсоний фазилат. Унинг бетакрор оғир-босиқ, вазмин устоз, ўзининг хушфеъллиги, ҳазил-мутойибани хуш кўришлиги, инсонларга меҳр кўзи билан қарашлиги билан барчанинг ҳурматини қозонган инсондир.

Мен Ш.Қ. Мардонов билан жуда оз муддат, яъни – 2019 йилдан 2021 йилгача Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.28.03.2019.Ped.82/01 рақамли илмий кенгаш соҳасида ижодий ҳамкорликда бўлдик. Лекин шу муддатнинг ўзи унинг барча фазилатларини билиб олишим учун етарли бўлди. Дўстнинг кимлигини билиш учун у билан биргаликда бир пуд туз ейиш шарт эмас экан. Ҳар куни сен билан бирга ишлаб турган одам кўз ўнгингда ўқилмаган китобнинг саҳифалари каби бирин-кетин очилаверар ҳамда ўзидаги сифат ва фазилатларни, яъни асл моҳиятини намоён қилиб бораверар экан. Мендан бор-йўғи 7 ой кичик бўлишига қарамай, ўзининг чуқур ва кенг қамровли илми, солиҳ амаллари, маданияти, олимлиги, маънавияти билан менга қандай яшаш ва ишлаш кераклигини, одамийликни ўргатди десам муболаға бўлмайди. Олдиларига ўтқазиб олиб, панду насиҳатлар қилиш ёки маърузалар ўқиш билан эмас, балки кундалик ҳаётдаги юриш-туришлари муомалалари билан намуна сифатида шунчалик теран таъсир қилдиларки, мен ўзимни у кишининг шогирди касбдоши ва дўстим сифатида энг қадирдон инсон сифатида қалбимдан жой олганлар ва аслида ҳам шундай.

Дастлабки таъсирлари – меҳнат жамоаси олдидаги ўзларини тутишлари, катта-кичик ҳамкасблар билан муомала қилишлари, кийинишлари, яъни сийратларининг зуҳурланиши бўлди. Бу зуҳурланиш у кишининг юксак дид ва ўта нозик таъб соҳиби экан-

лигини кўрсатиб турарди. Қиличдек бу инсонни ҳар кўрганимда дарҳол А.П.Чеховнинг ўқитувчи барча жиҳатлари – гап-сўзлари, хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, ҳатто кийиниши билан гўзал бўлиши кераклиги ҳақида билдирган фикри ёдимга тушар ва мен у кишига ўхшаб кийинишга, қаддимни тик тутиб юришга, атрофдагилар билан доимо чиройли муомалада бўлишга интилардим. Ўзлари фаришта эмаслар-у, лекин фаришталарга ўрнак бўладиган аъмоллари бисёр бу кишининг.

Домла Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ўзининг барча жиҳатлари билан тўла-тўкис ана шу талабларга жавоб бера оладиган мутахассис, чунки у виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга ва талабаларга оталаридек муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, уларни ўз ортидан эргаштирувчи ҳамда ўз эътиқодига эга бўлган педагог.

Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг касби – ўқитувчи, вазифаси – ўқитувчи, мутахассислиги – ўқитувчи, амали – ўқитувчи, мартабаси – ўқитувчи; масъулияти – ўқитувчилик, вазифаси – ўқитувчилик, бурчи – ўқитувчилик, даражаси – ўқитувчилик, унвони – ўқитувчилик, мансаби – ўқитувчилик, обрўси – ўқитувчилик... Қисқаси, бу киши ўқитувчилик учун туғилган, ўқитувчилик учун ўқиган, ўқитувчилик учун нафас олади, яшайди, ишлайди. Бу ерда ўқитувчи сўзи кенг маънода – устоз, мураббий, муаллим, раҳбар, рахнамо маъноларида келтрилмоқда.

Юқорида айтилганларнинг барчасини умумий бир махражга келтирадиган бўлсак, Ш.Қ.Мардоновнинг касби-кори – ўргатиш, тарбиялаш, шакллантириш. Нимани ўргатади? Одамийликни. Кимларни тарбиялайди? Келажак эгаларини. Кимларни шакллантиради? Ҳар тарафлама камолга етган жамият аъзоларини. Ота-оналар моддий мавжудотни, яъни фарзандларни дунёга келтирадилар, маълум бир ихтисослик бўйича мутахассис тайёрловчи ўқитувчилар уларда шу мутахассисликка доир малака ва кўникмаларни шакллантиради. Марданов Шукурулло Қўлдошевич ана шу мутахассисларга одамийлик рухини бағишлайди, сингдиради, яъни оддий бир мутахассисни, биологик мавжудотни одамийлик оламига олиб чиқади; маънавий дунёсини шакллантириб, ахлоқи, амали, виждони гўзал ҳамда ижтимоий фаол инсонни етиштиради. Зеро, у киши фаолият юритаётган педагогика ва психолгия соҳасининг мазмуни, моҳияти, асосий вазифаси шундан иборат-да.

Ўз бурчини сидқидилдан ўтаётган ҳамда вазифасини ҳалоллик билан бажараётган домланинг ижодий фаолияти, асосан, учта – илмий, услубий ва педагогик йўналишда амалга оширилмоқда. Ижодий фаолиятининг теранлиги ва кенг қамровлиги тубсиз уммон каби ўлчаб бўлмайдиган даражада чексиз. Зеро, бу киши уйқуларида ҳам илм билан шуғулланадилар. Олаётган ҳар бир нафаси – илм, чиқараётган ҳар бир нафаси эса –маърифат.

Илмга ва маърифатга интилиш, гўзал ахлоқ ва юксак одоб, олимларга хос камтарлик, хушмуомалалик, эстетик завқ ва гўзалликни ҳис қилиш – Мардонов Шукурулло Қўлдошевич фазилатиоилада – фарзандлар, мактабда – ўқувчилар, олий таълим муассасаларида – талабалар, меҳнат жамоаларида – ҳамкасблар, дўстлар даврасида – ёру биродарлар қалбига хормай-толмай сидқидилдан, моҳирона сингдириб келмоқдалар. 70 ёш педагог олим учун айни куч-қудратга тўлган, катта тажрибалар тўплаган, бошқача айтганда, билими, илми серҳосил бўлиб, жўш уриб турган бир палла ҳисобланади.

Бугунги кунда педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг ҳурмати барча ҳамкасблари, шогирдлари қалбида, унинг қилган савобли ишлари, инсонгарчилиги ҳамиша эътибор ва эъзозда дейиш мумкин.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.28.03.2019. Ped.82.01 рақамли илмий кенгаш раиси сифатида, шу олийгоҳнинг "Бошланғич таълим методикаси" факультети декани сифатида, олийгоҳ профессори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Биз у кишини муборак ёшга соғ-саломат қадам қўйганликлари билан табриклаб, илмий-педагогик фаолиятида, барча эзгу ишларида муваффақиятлар, ижодларига барака тилаб, Аллоҳдан умрларини янада сермазмун, саломатликларини эса бардавом бўлишини илтижо қилиб қоламиз.

Бугун **Шукурулло Қўлдошевич 70 ёшини**, гарчанд икки 35 ёшликларини нишонлаётган бўлсаларда, лекин ҳали у кишида 35 ёшдаги йигитларга мос олимлик шижоати кўриниб турибди. Мен Мардонов Шукурулло Қўлдошевичга узоқ умр, соғлик, саломатлик тилаган ҳолда, фарзандлар ва шогирдлар камолини кўриш ва

келажакда у кишининг 100 ёшлик юбилейини нишонлашларини унда яна табрик сўзлари ёзиш насиб этишини Аллоҳдан сўраб қоламан. Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг шогирдлари у кишини доимо ўз қалбида ҳурмат билан сақлаб доимо фахрланишни ўз бурчлари деб биладилар.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ!

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий ишлар бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуллаева Барно Сайфутдиновна.

Мен Шукурулло Мардоновни йигирма йилдан ортиқ вақт орасигида камтарин, самимий инсон, отадай меҳрибон, талабчан устоз, уддабурон ва тиришқоқ раҳбар, ҳамфикр, беғараз касбдош сифатида биламан.

Шукурилло ака билан танишганимда ҳали ҳаётда ҳам, иш фаолиятимда ҳам кўп тажрибага эга бўлмаган, "фан боғи" деб аталмиш гулзорга ҳайиқибгина қадам қўйган ёш олима эдим.

2003- йиллардан Низомий номидаги ТДПИ қошида таркиб топган Илмий Кенгаш аъзоси сифатида фаолият олиб борганларида, менга Шукурулло Мардоновнинг оталик, устозлик маслаҳатлари жуда катта ёрдам берди. Бугунги кунда **педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов билан бир сафда,** кўплаб тадқиқотчилар ва ёш олимларга илм-фан йўлида мураббийлик қилиб, устознинг ишончини оқлаётган бўлсам, барчаси у инсоннинг менга кўрсатган йўл-йўриқлари ҳамда берган ўгитларининг самарасидир.

Ҳурматли устозимиз **Шукурулло Қўлдошевич!** Бугунги табаррук ёшингизда сизга тилакларим бисёр: яна жуда узоқ йиллар оилангизга бош бўлиб, фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахту саодатини кўриб, тўй ва тамошаларда дуогўй бўлиб юришингизни Аллоҳдан сўраб қоламан!

ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ, ХАҚИҚИЙ ДЎСТ

Жиззах давлат педагогик институти доценти, Пирназаров У.

Шукурулло Қўлдошевич умумтаълим мактабида ва Саратов давлат университетида ўқиётган чоғларида Кайковуснинг “Қобуснома” асарида келтирилган “ Барча касбнинг орасида илмга толиб бўлсанг, эҳтиёткор, қаноатли бўлгил. Илмни дўст, бекорчи ҳаётни душман тутгил. Сабр-қаноатли бўл, жиззаки бўлмагил, кеч ётгил, эрта тургил, китоб ва дарсга қаттиқ берилгил, ишдан зерикмагил, ёд олгил, такрорлагил, ҳақшунос бўлгил. Нимани эшитсанг ёд қил, тақлидга рози бўлма, китоб, қалам, қаламтарош ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳамиша ёнингда сақла ва улардан бошқа нарсаларни ёдингга асло келтирма. Оз сўзлагил,узоқни ўйлагил. Агар ҳар бир толиби илм шундай табиатли бўлса, тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур” ҳикматларни дилига жо қилиб олганлиги боис ҳам орадан йиллар ўтиб олим бўлиб етишди.

Олим деган мўътабар номга эришишнинг ўзи катта шараф. Бундай эътирофга сазовор бўлиш ҳар қандай инсонни қувонтиради. Шукурулло Қўлдошевич ёшларга доимий равишда эътибор бериб келаётган олимлардан биридир. Шу боис илмий - педагогик

фаолияти бир қатор ютуқларга эришган. Масалан, олимнинг бевосита раҳбарлигида 13 нафар ёшлар илмий даражага эга бўлишган. Шу билан бир қаторда 36 нафар тадқиқотчининг илмий диссертацияларига расмий оппонент бўлган. Мадомики, шундай экан, ёшлар қалбига эзгулик уруғини сочиш бу инсон учун катта бахт ва шарафдир.

Ўзининг барча имкониятларини Ватан равнақига бағишлаб, ёшлар тарбиясига фидойилик билан ёндошаётган қадрдон дўстим, бор бўлинг. Сиздек қаҳрамон-дўстимизга, шогирдлари “устоз” дея қўлларини кўксига қўйиб ҳурмат бажо келтиришлари, барча яқинларингиз қатори мени ҳам қувонтиради.

2022 йилнинг баҳор фасли 20 майида табаррук 70 ёшини қарши оладиган дўстим, ҳамкасбим ва устозим профессор Шукурулло Қўлдошевични 70 ёши билан чин дилдан табриклайман. Доимо соғ-омон бўлиб оила, фарзандлар, набира, чевара ва эвараларнинг бахту саодатини кўриб юришингизни тилаб қоламан.

БАҒРИКЕНГ УСТОЗ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори Махкамов Улфатджон Илхомжонович,

Бугунги кунда Шукурулло Мардоновнинг устозлик фаолияти хам, педагогика фанига ижодий ёндашиши хам, билим, фикрлаш, маданият, муносабат, фаоллик, қобилият, тафаккури хам, истиқболли ишлари хам юқори чўққига кўтарилган деб айтсам муболаға бўлмайди. Чунки унинг шогирдларининг фикрлаш маданиятига эътибор бериши, диссертация мазмунини таҳлил этиши тадқиқот ишининг долзарблигининг мазмун-моҳиятига ахмамият бериши педагогика фанини такомиллаштиришда ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Ушбу жараёнда Шукурулло Мардонов шогирдларга нисбатан янги ижобий фикрлар яратиш ва уларни ишонч билан мустаҳкамлаш маҳоратига эга бўлган ўзининг улуғворлигини исботлай олган олимлардан хисобланади. Шукурулло Мардонов ўз шогирдларида янги билимларини ривожлантириш ва уларни амалиётга қўллашга хос бўлган ғоялар асосида янги билим, янги фикр, мустаҳкам иродага эга бўлишни талаб этади. Лекин шуни алохида таъкидлаш керакки, Шукурулло Мардонов ўз шогирдларини ардоқлаш билан бирга, уларни камол топтириш, тадқиқот ишининг ижобий ва салбий тамонларини баҳолаш масалаларига етарлича эътибор қаратади. Бунинг натижасида шогирдларда педагогика фанига нисбатан янги фикрларни шакллантириш, рухланиш, қувониш, олға қадам ташлаш каби хусусиятларни ривожлантиради. Бунинг учун Шукурулло Мардонов уларнинг билими билан бирга, унинг таффаккур ва фикрини ниҳол каби, ўзини тутиб олиши учун алоҳида эътибор билан ғамхўрлик қилиши, уларнинг онгида гуркираб ўсиши учун устозлик қилади. Уларга ишониш, ижобий муносабатда бўлиш таьсирчанлигини мустаҳкамлаб боради. Шукурулло Мардонов шогирдлар фаолиятига баҳо бериш, унинг шахсиятини англаш, диссертатциядаги камчиликларни бартараф этиш, билимларини мустаҳкамлаш, фикрларини ўзлаштириш вазифаларини бажариш, уларга ғамхўрлик кўрсатишда хақиқий устоз сифатидаги фаолиятини кўп учратганман. Ш.Мардонов ўз шогирдларига меҳр ва муҳаббат бериш билан бирга жиддий

шлаш, уларни фанда кучли бўлишини ривожлантиришга аҳамият қаратиш, илмий-тадқиқот жараёнида ҳар бир ишни бекаму кўст бажариш, ўзининг ҳурматини сақлаш, доимо докторантлар билан муносабатда бўлиш, уларга эътибор бериши кабилар унинг фаолиятидан чуқур ўрин эгаллаган. Ш. Мардоновнинг илмий-тадқиқот фаолиятидаги устозлик қобилияти, илмий ҳимоя жараёнларидаги педагогик маҳорати, очиқ муносабатда бўлиши кабилар унинг янги фикрларга бой ва ижобий хислатларга бисёр олим эканлигини кўрсатади. Педагогика фанлари доқтори, профессор Ш. Мардонов янги Ўзбекистон тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларни педагогика фани асосида таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Ш. Мардонов ниҳоятда талабчанлик билан ўз шогирдларига нисбатан доимо ижобий муносабатда бўлиши уларда ҳар қандай ишни уддалай олиш, муваффақият қозониш, қатъий бўлиш, келажакка ишониш, ҳар қандай вазиятларда тўғри йўл тутиш хусусиятларини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шукурулло ака педагогика назарияси ва тарихини жудаа чуқур билган республикамизнинг кўзга кўринган олимлардан ҳисобланади. Шогирдлар билан ўта масъулият билан иш олиб боради. Уларнинг ҳар бирларига тадқиқот йўналишлари бўйича маслаҳатлар беради. Уларга оталаридек ғамхўрлик кўрсатади. У кишининг шогирдлари ҳам ўзларига ўхшаган тиришқоқ, илмга чанқоқ ёшлар ҳисобланади. Шукурулло ака ўзида бор бўлган билим ва тажрибасини хеч кимдан аямайдиган қалби пок, бағри кенг, саховатли, камтарин инсон бўлиб, таниш-билишларига, дўст-биродарларига тўғри йўл кўрсатади. Унда-ги инсонийлик фазилатлари жуда юқори хисобланади. Яхшиликларни бирга баҳам кўришни хуш кўради. Шукурулло ака юрт келажаги ва унинг равнаки йўлида фидойилик кўрсатиб, ёшларни тарбиялаб камол топтиришда ўзининг каттадан-катта ҳиссасини кўшган педагог-олимдир. Устоз Шукурулло ака ўз ҳаётининг кўп қисмини шогирдларига яхшилик килишга бағишлаган нодир хислатли инсон хисобланади. Олимнинг шогирдларга бўлган устозлик хусусиятларини кўплаб келтириш мумкин. Олимнинг улкан муваффақияти шундаки, у ўз фаолиятида Ўзбекистонда бир қатор илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ва педагогика фанини ривожлантиришда салмоқли меҳнат қилган олим сифатида эл-юрт ҳурматига эга бўлган. Мен у кишига соғлик-саломатлик ва улкан муваффақиятлар тилайман.

ИЛМ СЎҚМОҚЛАРИ УЧУН ЯРАЛГАН КАМТАРИН ИНСОН

Джумаев Маманазар Иргашевич,
Тошкент давлат педагогика университети
профессори, педагогика фанлари номзоди.

Устоз бежизга пайғамбарларнинг меросхўрлари деб эъзозланмаган. Қуръони каримда ўзи эгаллаган илмни бошқаларга ўргатган устозларнинг шаъни-шарафи нақадар улуғлиги ҳақида бундай марҳамат қилинади:

Мен Мардонов Шукурулло Қўлдошевич билан 1991 йилда Жиззахда танишганман, ўшанда Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ҳақида эшитиб юрган устоз шу киши эканлигини атрофдагилардан эшитдим.

Албатта, "кимнидир суҳбатга чопасиз, кимнингдир суҳбатидан қочасиз" деган гап халқимиз орасида кенг тарқалган ўгитлар барчани дилидан жой олган. Устозни учратиш ва суҳбатида иштирок этишда ошиқиб турардик. Устоз Аброр ака Мардонов Шукурулло Қўлдошевичга катта-кичик шогирдлар барчасини ўзида туғишгандек яқин тутар эди.

Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг умр дафтарида тарих зарфарқларида жой оладиган бир олам мазмун мужассам. Қатрада қуёш акс этганидек, шогирдлар карвони учун катта фалсафий фикрлар ўз аксини топган.

Бугун Мардонов Шукурулло Қўлдошевич эрталабдан профессор-ўқитувчилар ва ходимларни қарши олиб иш бошлашда яхши кайфият уйғотади.

Бир қарашда оддий кўринган камтарин устоз ўгитлари ҳазил-ҳузул, ҳаёт латифалари акс этган гаплари дилингизни яйратади.

Давраларда Шукурулло акадан ажойиб ҳикоялар, таъсирли воқеалар ва қизиқарли ва маъноли афоризмлар эшитиш мумкин.

Бугунги кун илмий-тадқиқот учун мазмун, маъно жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Тажрибалардан ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш авж олаётгандек гуё…

Бугунги тадқиқотни ўн йил аввалгиси билан солиштириб ҳам бўлмайди. Бу табиий ҳол. XXI аср – ахборот, информатика асри. Интернетнинг ўзи бир олам! Бугунги кун илмий ишлари учун ижод

майдони ҳам, мавзуси ҳам том маънода чексиз. Илм оламига канча ёш ёш истеъдодлар кириб келса, шунча яхши. Бироқ илмий ижод масъулиятининг юкини ҳам ҳис кила олиш карвонга бош бўлиш ўта масъулиятли вазифа.

Айтмоқчиманки булардан, ишига бўлган садоқатни ҳозирги кунда ёшларимиз ўргансалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Домла педагогик фаолиятида жуда кўплаб сармаҳсул ишларни амалга оширди. Раҳбар лавозимларида ишлади. Илмий кенгашларда аъзо, илмий кенгаш раиси вазифаларида иш олиб бормоқда. Ҳар бир қилаётган ишларида педагогик жамоага, шогирдларига доим ёрдам бериб келмоқдалар. Республикамизнинг барча ҳудудларида домланинг шогирдлари фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбек халқини атоқли адибларидан бири шоир Абдулла Орипов "Ҳаёт мендан аямади неъматларини..." деганидек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳимоя қиламан деб юрган дамларимни эсласам ҳақиқатан мендан ҳам ҳаёт илм, дўст, устоз борасида неъматларини аямаган десам муболаға бўлмайди. Мана шу даврда турли вилоятлардан келган ёш изланувчи аспирант олимлар орасида ўзларининг илмий педагогик ва ҳаёт сабоқларини дариғ тутмаганлари учун ҳали ҳануз яхши хотиралар билан эслашади ва ардоқлашади. Умр оқар сув деганлари рост, мана шу Шукурулло ака ҳақида эслаганларимни бир пастда 30 йил ортда қолганини эсласам ушбу ҳаётий ҳақиқатга амин бўласан киши. Мана устоз барчага илм йўлида шамчироқ бўлиш баробарида ўзлари ҳам тиниб-тинчимас олим, қатор шогирдлари фан нозоди, фан доктори бўлиб келмоқда.

Ушбу илм йўлидаги хокисорона меҳнатларини ҳукуматимиз муносиб баҳолаб келмоқда. Бугун устозимиз профессор, республикамизни қайси ҳудудида илмий анжуманлар бўлса албатта иштирок этадилар. Шунча куч-ғайрат ва шижоат... Бизни шундай устозлар таълимини олиб, яна битта ҳаётда педагогик фаолият юритишим шараф ва бахт деб биламан.

Инсон умри давомида бир қанча камолот босқичларини босиб ўтади. Баъзи бировлар бу босқичлардан сакраб ўтса, ҳақиқий илм фидойилари турмуш "мушт"ларини тотиб, ҳаёт қозонида қайнай-қайнай камолга етади. Бизнинг лавҳамиз қаҳрамони шу иккинчи гуруҳга мансуб бўлиб, ўзи танлаган машаққатли илм йўлида

кўплаб оғир-енгил кунларни бошдан кечирди, бироқ ҳаммасига сабр-бардош берди, бирни кўриб фикр қилса, бирни кўриб зикр қила-қила домлани ҳам ўз буюклари қаторида тилга олади.

Манбаларда айтилишича, ўтмишга тўлган инсон ҳар томонлама етук, комил бўлади. Бироқ у қалбида асл мўъжизалар яшириниб ётганини доим ҳам англайвермайди... Ҳали устозимизда яшириниб ётган илмий-амалий мўъжиза ва кашфиётларнинг қати очилмаган, уларни очиб, шогирдлар, талабаларга улашиш устозимизнинг келажакдаги қувончли ташвишларидандир.

Бугун бизнинг устозимиз ҳаётида унутилмас кун: у ўзининг муборак 70 ёшини қаршиламоқда. Шу муносабат билан фан доктори, профессор, изланувчан олим, шогирдларга содиқ дўст, меҳрибон устоз ва оила бошлиғи Шукурулло акани республика, Ҳамдўстлик давлатлари, қолаверса, Европа ва океан орти мамлакатларидаги устозларию ҳамкасблари ҳамда барча шогирдлари номидан самимий муборакбод этамиз, устознинг хонадонига тинчлик-хотиржамлик, оила аъзоларига бахт-саодат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб педагогика фанлари доктори, профессор устоз Мардонов Шукурулло акани *70 йиллик юбилейлари* муносабати билан яна бир карра узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман, ёш авлодни тарбиялашдек буюк ишларида юксак парвоз ва бардавомлик ҳамиша ҳамроҳлари бўлишини ва оила, фарзандлар ва шогирдлар камолини кўриб юришларини яратгандан сўраб қоламан.

Илм оламига катта ҳисса қўшиб келаётган устозимиз ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан ишлари омад, куч-қувват, метин соғлик тилаб шогирдлар бахтига омон бўлинг азиз устозим, 70 ёшингиз муборак бўлсин дея,

Орзули дунёда орзулар қилиб,
Сароб-у армонни бир четга суриб,
Юрагингиз яйраб, лабингиз кулиб,
Яшанг бу дунёда энг бахтли бўлиб
деб қоламан.

Юксак эҳтиром билан Низомий номидаги ТДПУдан Джумаев Маманазар Иргашевич профессор, педагогика фанлари номзоди.

"ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТ БУ ДУНЁ"

ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ, КАМТАРИН ОЛИМ, ВАФОЛИ ДЎСТ

Манзура Рахматуллаева,
педагогика фанлари номзоди , доцент.
А.Ж. Мырсабеков номидаги Ўш давлат
педагогика университети.

Ҳаммага ҳам насиб этмайдиган юксак тафаккур соҳиби, биз учун севимли устозимиз, педагогика фани ривожига улкан ҳисса қўшган, ўзига хос педагогика мактабини яратган, бетакрор, беназир инсон, педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ўзининг 70 ёшини фаол меҳнат жабҳасида қарши олмоқда.

Бутун ҳаётини, куч-ғайратини илмга, инсон тарбиясига бағишлаган устоз раҳбарлигида кўплаган педагогика фанлари номзоди ва докторлик илмий даражасига сазовор бўлган шогирдлари ҳозирда олий ўкув юртларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

2005 йили Т.Н.Қори Ниёзий номидаги УзПФИТИда номзодлик диссертациямни ҳимоя қилишимда бир қатор устозларим Светлана Аннамуратова, Аскарали Сулаймонов, Эшбой Турдукулов, Рисбой Джураев, Сония Файзулина, Рохатой Сафарова, Холбой Ибрагимов, Валентина Андрияновалар қаторида Шукурулло Қўлдошевичнинг беғараз ёрдамларини, чин инсонийлик фазилатларини, юксак ҳислатларини доимо мамнуният билан эсга оламан, юзимга табассум югуради. Чунки устозни кўзлари шогирдларига доим кулиб туради. Устознинг ёшларга шогирдларга нисбатан софдил, ўта мулойимлик билан муносабатда бўлиши мени илмга бўлган иштиёқимни янада ошишига сабаб бўлган десам адашмаган бўламан.

Бундай самимий муносабатга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бундай даражага инсон ўзининг одамларга қилган яхшилиги, эзгу ишлари, халқига қилган хизматлари туфайлигина эриша олади.

Шукурулло Мардонов олим сифатида меҳрибон, инсон қадрини буюк кўядиган олижаноб инсон, раҳбар сифатида эса ниҳоятда

талабчан. Буни биз яқинда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўш давлат педагогика университетидан бир қатор профессор-ўқитувчилари борганимизда гувоҳ бўлдик. Устоз сахий қалб соҳиби, унинг олдига келган ҳар бир инсон, албатта устоз илми уммонидан баҳраманд бўлиб қайтиши аниқ.

Ёш авлодни комиллик ва фидойилик руҳида тарбиялаш фазилатини кундалик фаолият мезонига айлантирганлари рост.

Мўътабар устозимиз Шукурулло Қўлдошевич !

Сиздан кўп нарсани ўргандик. Олимлик фазилатингиз бир олам, инсонийлигингиз бир олам. Устозлик ўгитларингизнинг баҳоси йўқлиги биз учун ибрат мактаби.

Илм-фан ривожи учун умрини бағишлаш ҳам ўзига хос қаҳрамонлик десак адашмаган бўламиз, табаррук ёшингизда биз каби шогирдларга устозлик қилганингиз учун сизга ташаккур, сизга таъзим. Кучингизга-куч қўшилсин, узоқ умр кўринг.

Табаррук 70 йиллик айёмингиз муборак бўлсин.

Ҳамиша ёшларга сабоқ бериб, эл ҳурматида бўлинг, икки дунё саодати сизга насиб этсин. Сизга баракали умр ва илмий фаолиятингизга ривож тилайман. Оилавий бахт-саодат сизни тарк этмасин.

Чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан
Манзура Рахматуллаева,
педагогика фанлари номзоди , доцент.
А.Ж. Мырсабеков номидаги Ўш давлат
педагогика университети.

УСТОЗ СИФАТИДА ФАҚАТ ДАРС БЕРГАНЛАРНИ ЭМАС, СИЗДАН ИЛМЛИРОҚ ИНСОНЛАРНИ ҲАМ ҚАДРЛАШАДИ

П.ф.д., доц., Жаббор Эшбекович Усаров, ТВЧДПИ
Педагогика факультети декани

Жамиятимизнинг муносиб ва фаол фуқароси бўлиб ҳаётга кириши, унда ўз ўрни мустаҳкам эгаллашига ўқитувчи ва мураббийларнинг барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, уларни илмий ёндашувлар асосида тўғри йўналиш бериш бир сўз билан айтганда, устознинг ўрни беқиёс. Бу мақомга эришиш учун унинг замирида қанча меҳнат, мустаҳкам асаб эгаси бўлиш заруратини эса, бу жараёндан ўтганлар ҳис қилади.

Мусо (а. с.) улкан Пайғамбар бўлишларига қарамай, ўзларидан кўра илмлироқ, ўзларига устоз бўлиши мумкин бўлган кишига ўта одоб билан мурожаат қилиб, унга шогирд тушишни сўрадилар. Албатта бу устозга бўлган ҳурматдир ва айнан шу хусусиятлар Шукурулло Қўлдашовичга ҳам алоқадор.

Шукурулло Мардоновнинг эгизаги борми? Институтимиз ректори тавсиясига кўра факультет декани лавозимида ишлайдиган бўлдим. Янги очиладиган факультет педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Қўлдошевич Мардонов раҳбарлик қилаётган факультетдан ажратиб олиши керак эди. Янги факультетлар Мактабгача ва бошланғич таълим ҳамда Педагогика факультетларига ажратилди. 2019 йилда институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори И.Ҳайдаровнинг таништирув ва кузатувида бўлган бу учрашувда раҳбарлик қилиши керак бўлган факультетни танлаш имконияти Ш.Мардоновга берилди. Бу ҳам институт раҳбарияти томонидан олимга билдирилган ҳурмат белгиси эди. Хоҳлаган факультетнинг менга танланг дейиши эса, Шукурулло аканинг камтарлиги, нотаниш шахсга бўлган эҳтироми бўлди. Шундай қилиб, Мактабгача ва бошланғич таълим факультетини у киши бошқарадиган бўлди (2021 йилдан бу факультет ҳам иккига ажралди).

Факультет раҳбари сифатида тажрибам ошишига ҳар иккала факультетнинг битта (собиқ 7-коллеж) биносида жойлашганлигимиз жуда ўнг келди. Мен у кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Эътиборли жиҳатлардан яна бири ҳар иккала факультет аъзолари ҳар иккаламизни раҳбар сифатида бирдек қабул қилиши, йиғилишлар топшириқлар, кўрсатмаларни баравар талаб қилиниши ҳар иккала факультет жамоасининг жипслашишига ўз таъсири ўтказди ва бунда "отахон" раҳбарнинг роли катта, албатта. Хонамиз ҳам бир қаватда ва кетма-кет жойлашганлиги боис кўпчилик талабалар, ота-оналар ҳатто институтнинг баъзи ўқитувчилари иккаламизни ажратиша олмасди. Жуда кўп марта менга Шукурулло ака деб мурожаат қилишган. Кўпчилик инсонлар эгизакмисизлар, ака-укамисизлар? деган саволларни кўп беришган. Мен эса, ҳазиллашиб "ҳа, у киши Ҳасан мен Ҳусанман", дердим. Шундай қилиб у кишининг эгизаги йўқ, укалари ва шогирдлари кўп.

Устозларга ҳамма гапни айтиш мумкинми? Бу мавзудаги эътирозлар бизнинг "темир йўл"дан пастдаги ўқув биномизда таҳсил оладиган Махсус сиртқи бўлим талабаларидан тушар эди. Сабаби, устоз уларга йилда икки марта бўладиган ўқиш жараёни бошланишида албатта йиғилиш қилар ва тартиб-интизомга амал қилишни қатъий тайинларди. Бинодаги энг катта муаммо ҳожатхонанинг яхши ишла-

маслиги, унинг жуда кўп марта тиқилиб қолиши эди. Шукурулло ака асосий контингенти аёллардан иборат бўлган махсус сиртқи таълим йўналиши талабаларига ҳожатхонадан қандай фойдаланиш, турли "латта-путта" ларини унитазга ташламаслик кераклигини, тортинмасдан айтарди. Россияда ўқиганлиги бундай жойларда жуда қўл келарди. Бошида бу менга ҳам бироз ноқулай туюлган бўлсада, лекин ҳаётий тажрибага таяниш ва за-рурий холларда ҳамма гапни очиқ айтиш кераклигига бир неча бор амин бўлганман. У киши факультетнинг ўқув биносини ўз уйи-ни асрагандек авайлаш лозимлигини такрорлашдан эринмасди ва бунга ўз ҳам қатъий амал қилган инсон сифатида ҳурматга лойиқ.

Устознинг фазилати ҳамда шогирдларига тавсиялари қандай? Фарзанднинг аввалги тарбиячиси ота-онаси бўлиб, талабаларга жисмни, ақлни парвариш қилган бўлсалар устоз эса сизни илмга йўналтиради, сизни яхшилигингиз ва бахтингизни ифода этадиган нарсалар сари чорлайди, сизни олий мақомларга, юксак лавозимларга тайёрлайди, одамлар орасида муносиб ўрин эгаллашингизга замин яратади. У зот обрў-эътиборингиз кўтарилса сизга ҳасад қилмайди, аксинча бундан ғоятда хурсанд бўлади, қувонади, чунки у юксалишингиз, обрўйингиз ошиши билан фахрланади.

Айтишларича инсоннинг ҳидоят топиши учун китобнинг ўзи кифоя қилмайди ва китоб том маънодаги устоз бўла олмайди. Жонли мулоқот қилувчи инсонлар, устозларнинг ўрни ўта муҳимдир. Агар китобнинг ўзи устозликка кифоя қилганида, Аллоҳ таоло минглаб пайғамбарларни юбормаган бўлар эди. Эътибор беринг, тўртта китоб (яъни, Забур, Таврот, Инжил, Қуръон) берилган бўлса, юз мингдан зиёд (124.000) пайғамбарлар юборилган. Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам китоб олиб келишмаган. Лекин уларнинг барчаси устоз бўлиб келганлар. Инсонларга яхшиликнинг таълимини берганлар.

Илм талаб қилувчининг одоблари хусусида билдирилган фикрларда "Илм талаб қилувчи худди бемор ўзини табибга топширгани каби, тамомила устози ихтиёрига топширмоғи, унга тавозе кўрсатмоғи ва хизматида доим бўлмоғи керак"лиги таъкидланади ҳамда устознинг сенда бўлган ҳаққи хусусида: 1. Унга кўп савол бермаслик. 2. Жавобни қаттиқ талаб қилиб, уни чарчатмаслик. 3. Одамларга умумий салом бериб, унга алоҳида табрик айтиш. 4.

Унинг ҳожати бўлса, бошқалардан кўра олдин хизматини қилиш кабилар келтириб ўтилади. Бу талабларни фан доктори, профессор Шукурулло Қўлошевичнинг ўз шогирдларига бошқа олимлар олдига борганида амал қилиши лозим бўлган, доимо ёдда сақлаш керак бўлган тавсияларидан.

Ани пайтда Шукурулло ака шогирдларининг ўзига хос, фарқли томонларини доимо эътиборга олиши, таълим жараёнида ташбеҳ - ўхшатиш каби халқ орасида кенг тарқалган усуллардан фойдаланиши, сўзларига уйғун равишда юз ҳаракатлари ва қўл ишораларидан фойдаланиши ҳамда мулоқотда латифа ва ҳазилни ҳам ўринли ишлатиши билан ҳам шогирдларининг эътирофига сазовор бўлган инсон сифатида фаолият юритмоқда. Орамизда шундай инсонлар, шундай устозлар борлиги жамиятнинг ютуғи, қолаверса бахтидир. Нафақат ўқитувчилик касбидаги устозлар, балки, ҳаёт йўлида бизга ниманидир ўргатишга муваффақ бўлган яқинларимизнинг умрлари зиёда бўлсин.

70 ёшингиз муборак бўлсин, устоз!

ОҚКЎНГИЛ, ОЛИЙЖАНОБ ИНСОН!

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали директори, п.ф.н., Тилегенов А.Т.

Педагогика фанлари доктори, профессор Марданов Шукурулло Қўлдошевич – шу йили етмиш ёшга тўлади. У барча инсоний фазилатларни ўзига сингдирган, бошқаларга ибрат бўла оладиган моҳир педагог ҳисобланади.

Мен, у киши билан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида танишганман. Мен шу институтнинг Қорақалпоғистон филиалига 1991 йили ишга кирганман. 1993 йили Бош институтнинг кундузги бўлим аспирантурасига ўкишга тушиб, уни 1997 йилда тамомлаганман. 1998 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг мазкур инситут филиалига кичик илмий ходим бўлиб ишга жойлашдим. 1998 йил октябрь ойида директори ўринбосари бўлиб ишимни давом эттирдим.

Педагогик фаолият давомида мен Шукурулло Марданов билан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида танишганман. Асосан шу йиллари илмий

тадқиқот институтлари фақат лойиҳа асосида иш олиб борарди. Лойиҳа ҳисоботларини топшириш жараёнида доим ўзининг маслаҳатларини ва кўмагини аямасди. Ҳар доим қийинчилик пайтларда доим қўллаб-қувватларди. Чунки у инсон очиқ чеҳрали, қабулига кирганингизда ҳар доим кулимсираб қарши оларди.

Шукурулло Марданов билан Республика илмий амалий анжуманларида биргаликда баёнот қилиб қатнашганмиз. У Қорақалпоғистон Республикасига тез-тездан келиб турарди. Илмий методик семинарлар ва анжуманларни ташкил этарди ва ўзининг бой тажрибасини бўлғуси педагоглар билан бўлишарди. Ҳаёт ва педагогик тажрибаларни ёш педагогларга ўргатиб борарди. Шу билан бирга Хоразм вилоятида ҳам бирнечта анжуманлар ташкил этди. Мен ўзим шахсан шу анжуманда иштирок этдим. Анжуман жуда қизиқарли ўтган. Менда ажойиб таасуротлар қолган.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, Шукуруло Марданов ажойиб моҳир педагог саналади. Мен устозга 70 йиллик юбилейингиз муборак бўлсин дейман. Келгуси илмий ва ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали директори, п.ф.н., профессор Тилегенов Аскарбай Толегенович

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ

Жиззах давлат педагогика институти педагогика фанлари доктори, Нурманов Абдуназар Ташбаевич.

Бугун Янги Ўзбекистон пойдевори яратилаётган республикамизда барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимида қўйилган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишда педагогика фани алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, миллий педагогиканинг асосий вазифаларидан бири – узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия сифатини таъминлашга хизмат қилишдир. Ушбу ўта муҳим вазифани амалга ошириш педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигига боғлиқ. Бу борада Чирчиқ давлат педагогика институтида ўз фаолиятини самарали олиб бораётган Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор Ш.К.Мардонов менинг ҳам ҳаёт йўлимда кескин бурилиш ясаган инсондир. Илм-фан соҳаси ходимлари бирмунча қийинчиликларга дуч келган ўша 1990-2000 йилларда менда ҳам илмий-тадқиқот ишларимни давом эттиришга қизиқиш анча пасайиб кетган эди. Айнан устозим Ш.К.Мардонов билан Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган самимий суҳбат менда илмий-тадқиқот ишларига муносабатимнинг кескин ўзгаришига туртки берди. Ниҳоят, 2017 йилда домла маслаҳатчилигида докторлик диссертациямни ҳимоя қилиб олдим.

Ш.К.Мардонов ўта самимий ва оддий инсон бўлиб, бу оддийлик замирида чуқур билим, кўп йиллик амалий – ҳаётий тажриба ётади. Айнан устознинг ана шу хислатлари парвона каби ёғду сочиб, биз шогирдларни доимо ўзига чорлаб туради. Илмий соҳада узоқ йиллар давомида самарали фаолият олиб бориш осон иш эмаслиги сир эмас. Профессор илмий унвонини олиш эса ўта масъулиятли вазифа. Ватанимиз, халқимиз, таълим тизимига астойдил хизмат қилган олимгина ушбу соҳада узоқ йиллар давомида ўз обрў-эътиборини сақлаб қолади. Ш.К.Мардонов том маънода ўзида Фан, таълим ва ишлаб чиқариш маҳоратини, сирларини ҳамда тажрибасини мужассам этган муаллим сифатида, ёшлар учун ёркин нур сочиб турган йўлчи юлдуз сифатида нур сочиб тураверсин.

Ш.К.Мардонов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Илмий кенгаш йиғилишидан олдин. 2017 йил 24 февраль. Айнан шу куни Устознинг шогирди камина докторлик диссертациямизни ҳимоя қилган эдик.

Муҳтарам Устоз Ш.К.Мардонов, 70-йиллик юбилейингиз муборак бўлсин.

ЖАМИЯТДА ҲИКМАТ ТОПГАН ОЛИМ

Жиззах давлат педагогика институти, профессори Мелиев Х.А.

Илм-у маърифат, тафаккур ҳар қандай инсон умрининг безаги, қалбини безавол нур янглиғ шуълалантириб туради. Шу боис ҳам мўътабар ҳадис-у шарифларда илм, олимлар ҳақида қатор таърифу тавсиялар, фикрлар, илм-у урфоннинг қисобсиз фазилатлари шарҳлаб берилган.

Халқимизда "Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни", "Олим бўлсанг, олам сеники" каби ҳикматли мақолалар ҳам мавжудки, улар беҳуда айтилмаган. Ҳар гал ардоқли олим, баркамол инсон, етук мутахассис Шукурулло Мардонов ҳақида ўйлар эканман, мана шу мулоҳазалар ҳаёлимдан ўтади. Узоқ йиллардан буён илму фан йўлида заҳмат чекиб келаётган олимимиз муборак 70 баҳорни нишонлаб келмоқдалар.

Шукурулло Қўлдошевич Жиззах давлат Педагогика институтида 1984-2001 йилларда Рус тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, кафедра мудири, Рус тили ва адабиёт факультети декани, институт маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор лавозимларида ишладилар.

17 йил фаолият юритиб талаба-ёшларга рус тили ва адабиёт ҳамда педагогика фанларининг сиру-асрорларини пухта, беғараз ўргатиб келдилар.

Шукурулло Қўлдошович институтда, факультетда ва кафедрада соғлом муҳит, талабалар билан олиб борилган бетиним ижодий изланишлар, илмга чанқоқлик, ёшлар билан ишлаш тизими янада такомиллаштириб, шу билан бирга моддий техника базасини ҳам мустаҳкамлаб келдилар.

Таълимда инновацион педагогик технологияларни қўллаш борасида ажойиб устоз ўз шогирдлари, ёш ўқитувчилар ҳамда ҳозирги кунда ҳам Жиззах ДПИдан мустақил тадқиқотчиларга илмий маслаҳатлар ёки ёрдам сўраб мурожаат қилса, жон-дили билан кўмакка тайёр.

Устоз нафақат ижодкор раҳбар, меҳрибон илмий раҳбар, у шу

билан бирга сермахсул олимдир ҳам. Ўтган қатор йиллар мобайнида устоз 300 дан зиёд илмий мақолалар, 4 та дарслик ва ўқув қўлланма 10 тадан кўп монография ҳамда 25 та ўқув-методик қўлланмалар чоп эттирган. Шу билан бирга 15 га яқин шогирдлари педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, дипломларини олишган.

Мардонов Ш.Қ. Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги педагогика фанлари илмий даража берувчи PhD,03/01.06.2020. Ped.113.01 рақамли илмий кенгаш аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги № 101-сонли Фармойиши асосида 2022 йил 20-21 май кунлари Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши режалаштирилган. "Янги Ўзбекистонда педагогик таълим инновацион кластерини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида педагогика фанлари доктори,профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг 70 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши режалаштирилган.

Шу анжуманга қатнашиш учун бир қанча ҳамкасблар билан суҳбатлашдик:

Қодиров Ғ.Ў. (институт илмий ва инновацион ишлари проректори). Ш.Қ.Марданов, Ғаллаорол туманида туғилган. Туманда педагогика соҳасида биринчи педагогика фанлари доктори, профессор, бизлар бу киши билан фахрланамиз.

Халқимизда бир мақол бор "Меҳнат-меҳнатнинг таги роҳат" дарҳақиқат, шундай. Ҳар қандай меҳнатни самараси, меваси, ширин маҳсули бўлади. Шукурулла ака Мардонов ҳам илм йўлида чеккан заҳматларининг роҳатини топди, маҳсулини кўрди.

Пўлатов Шукур Носирович (30 йил институт кадрлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган). Ш.Қ.Мардонов ҳақида фақат яхши гапларни эшитганман. Мени ва қариндошларимизни ҳамма тўйларида ва бошқа тадбирларда қатнашиб келадилар. Жиззахга ишга келганларида бизни уйда яшаганлар. Шукурулла ака тўғри сўз, меҳрибон, одатдагича ҳазил-мутойибалари билан даврадагилар кайфиятини кўтаради.

Ўзи доимо шундай бўлади: яхши, илмли инсонлар кирган

даврага файзу тароват, кўтаринкилик кириб боради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Шукурулло домлани "Файзли одам" деб бемалол айтса бўлади.

Давра суҳбатига Нурманов Абдуназар Ташбаевич қўшилиб, у киши 70 ёшга кирган бўлса ҳам тетиклиги ва ғайратининг зўрлигига хавас қиламан, фан номзоди, доцент, фан доктори, профессор илмий даражага эришиш кўпчилик олимларига насиб этмаган. Шукурулла ака илмий, педагогик салоҳияти ва ҳаётдаги фаоллиги ёш авлодга, шогирдларга ҳамда ҳаммамиз учун ибрат бўлиши лозим.

Мен ҳам ҳамкасбларга қўшилиб Шукурулла Қўлдошовични оиласи ҳам маърифатли, ибратли оилалардан саналади. Турмуш ўртоқлари Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан, менинг турмуш ўртоғим билан бир мактабда ўқишган. Шу муносабат билан айрим пайтда хазиллашиб бир-биримизга "Божа-божа" деб айтамиз...

Ш.Қ.Мардонов ва турмуш ўртоғи билан бирга 4 та фарзандларини ўқитиб, оқ тараб элга қўшдилар.

Бу оилада китоб, илму урфон, маънавий мусаффолик, самимият, меҳру оқибат, саховат доимо ҳукмрон бўлиб келган. Маҳалла аҳли, институт жамоаси, қариндошлар, ҳамкасблар бу оилага доимо ҳавас ва ҳурмат билан қарайди.

Илмий-амалий ижодкорлик юксак қадрланаётган Янги Ўзбекистонда Шукурулло Мардоновичдек етук устоз-мураббий, бу инсонни тажриба-салоҳияти ёшларимиз учун жуда зарур эканлиги офтобдай равшан.

Бинобарин, ижодий камолот фаслига етишган олим, соғ-саломат бўлишларини, узоқ умр кўришларини тилаб қоламиз. Ва янада юзлаб мухлислари ва шогирдларни етиштириб чиқишга ишончимиз комил.

70 ёш таваллуд кунингиз билан!

МАЪРИФАТПАРВАР, ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ ВА ЖОНКУЯР УСТОЗ

Тошкент шаҳар ХТХҚТМОҲМ профессори, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Шукур Пўлатов

Халқ таълими ва олий таълим соҳаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида иқтидорли олим ва марифатпарфар инсон сифатида катта хизматлари билан иштирок этган дўстимиз, қадрдонимиз, шогирдларига меҳрибон бўлган Шукурулло Қўлдошевич Мардонов билан 2005 йилдан таниша бордик. Бунга ҳам сабаб бўлган, оллоҳ раҳматига олган бўлсин устозлардан Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ш.Ахлитдинов ва ҳозирда ҳам устозлик қилиб келаётган академик Р.Х.Джураевларни маслаҳатларига кўра 2004 йилдан бошлаб "Таълим муассасасини илмий-методик бошқаришни педагогик шарт-шароитлари" мавзусида илмий-тадқиқот ишларини бошладим.

Олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларим бўйича 2006 йилда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Педагогика-психология бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритаётган Ш.Қ.Мардонов билан юзма-юз биринчи марта суҳбатлашдим. Суҳбат жараёнида у кишининг босиқ, мулоҳазакор, меҳрибон, фидойи олим сифатида муносабатда бўлдила. У кишидан мазкур илмий-тадқиқот ишим бўйича жуда кўп илмий йўналишда маслаҳатлар олдим.

Ш.Қ.Мардоновни узоқ йиллар мобайнида Ихтисослаштирилган илмий кенгашлар, методологик семинарлар, турли ишчи ва эксперт гуруҳлар, номзодлик имтоҳонлари комиссиядари таркибида фаол иштирок этаётганлиги, ҳар бир йўналишга одилона, холислик билан ёндашаётганликларига гувоҳ бўлганман.

2009 йил 29 ноябрь куни Низоми номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ихтисослаштирилган илмий кенгашида номзодлик дисертациямни ҳимоя қилаётганимда Шукурулло Қўлдошевич томонидан "Иқтидорли болаларга мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаблар бошқарув тизими қандай ташкил этилади?" деб савол берганлар. Ушбу саволга илмий асосланган

тўлиқ жавобни берганимда, улар "Барака топинг, ҳақиқий илмий янгидан тўғри жавоб бердингиз" деб, хурсанд бўлган эдилар.

Ушбу илмий тадқиқот институти масканга Халқ таълими ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда мавжуд бўлаётган муаммоли масалаларни илмий асосланган ечимларини топиш учун борганимда, албатта устоз Р.Х.Джураевни қабулларига кириб чиққанимдан сўнг, албатта Шукурулло Қўлдошевич билан ҳам ушбу масалалар юзасидан суҳбатлашардим.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтини бир қатор лойиҳаларни тегишли йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришим жараёнида Ш.Қ.Мардонов ҳам ўзларини қимматли маслаҳатларини бериб келганлар.

2016 йил куз фаслида ЮНЕСЕФни Халқ таълими билан боғлиқни сақлаш тизимида ҳамкорликда олиб борадиган ишларида мавжуд бўлган муаммолар бўйича Бўстонлиқ туманинг Бурчимулла ҳудудида ўқув-семинарда Шукурулло Қўлдошевич билан бирга иштирок этганмиз. Семинар жараёнида ва семинардан сўнг ташкил этилган давра суҳбатларида ўзларининг илмий асосланган таклиф ва тавсияларини берганлар.

2021 йилда "Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқаришга инновацион ёндашув" ўқув қўлланмасини яратиш жараёнимда Ш.Қ.Мардоновнинг 2006 йилда "Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари" докторлик диссертацияларини ўқиб чиқиб, тегишли йўналишлар олдим ва айрим жойларидан фойдаландим.

Шукурулло Қўлдошевич қалби дарё, инсонларни яхши кўрадиган ва уларга меҳрларини айамайдиган, илмпарвар, касбдошларга, сафдошларга, дўсту бирадорларга, шогирдларга, оиласига меҳрибон, жонкуяр, содиқу-садоқатли инсон сифатида доимо қолишларини Правардигордан сўраб қоламан. Оллоҳни ўзи оила аъзолари билан бирга доимо паноҳида асраб юрсин.

ЎЗЛИГИНИ ТОПГАН ИНСОН

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. Мусурмонов Р.

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам.
Алишер Навоий

Улуғ донишманд, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг юқоридаги мисраси Ер шарида яшовчи ҳар бир инсонга таалуқли бўлиб, онгли мавжудот инсон даставвал ўзлигини англашига ва кейин элу-халқига ўз шарафли меҳнати, маънавияти ва дунёқараши билан жамиятдан муносиб ўрин топиб умргузаронлик қилиш мақсадида қилинган даъвати деб тушунмоқ айни муддао бўлур эди.

Ҳа, шундай, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки кўз очиб дунёга келган инсон зоти борки, бу ёруғ жаҳонда мақсад-муддаосиз яшай олмайди. Ҳазрат Навоийдек улуғ зотнинг ўз даврида қилган даъвати эса биз авлодлар учун нурли чироқдир. Қоронғу кечани ёритиш учун чироқ қанчалик зарур бўлганидек, улуғ алломаларимизнинг бизга қолдириб кетган маънавий мероси ҳам худди шундай аҳамиятли эканлигини унутмаслик айни ҳақиқатдир.

Қиссадан ҳисса шулким, дунёда инсон ақл-заковати билан эгалланадиган касб ва ҳунарлар бисёр. Аммо шундай бир мўътабар касб борки, унинг номи зиё тарқатиб, ҳаммани хат-саводли қилиб, оқни қорадан, яхшини ёмондан, савобни уволдан, ҳалолни ҳаромдан ҳазар қилишга ўргатиб, қалбларга беғуборликни сингдирувчи, миллати, Ватани, элу-юрти учун жонини фидо қиладиган забардаст авлодни тарбиялашдек муддас ва шарафли ишга бутун ҳаётини бахшида қиладиган Устоз-мураббийлик касбини ардоқлаш ва ундан шуҳрат қозониш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Бугун табаррук 70 ёшини нишонлаётган ажойиб ҳазрати инсон, забардаст олим, педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулла Мардонов ҳақида бир калима сўзни эплаб айтиш қўлимдан келармикан, деб узоқ ўйланиб қолдим. Ва ниҳоят, у инсон билан бирга фаолият кўрсатиб ўтган кунлар, ойлар ва йилларни кўз олдимдан ўтказа бошладим. Ҳамма айтиши мумкин бўлган

баландпарвоз гаплардан қочиб бор ҳақиқатни айтгим келди.

Республика таълим марказида ишлаб турган давримда “Узлуксиз таълим” журналига илмий мақола чиқариш учун Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, журнал бош муҳаррири Рисбой Ҳайдарович Ж.раевнинг олдиларига келиб, муддаомни айтдим. У киши котибаларига “Шукурулла Мардоновни менга чақиринг” дедилар ва биз кута бошладик. Афсуски, котиба бир оздан сўнг у кишининг хизмат сафарига кетганлигини айтди. Шунда устоз Рисбой Ҳайдарович “Мақолани менда қолдиринг, улар яқинда келишади, ўзим бериб қўяман” деб мени кузатиб қўйдилар.

Мен ўшанда билдимки, Шукурулла Мардонов деган инсон журналда бош муҳаррир ўринбосари экан. Ана шу мақола баҳона-ю сабаб бўлиб бизнинг танишувимиз бошланган эди. Тақдир тақозоси билан бир йилдан кейин ўзим ҳам шу институтга “Физика, математика ва информатика” илмий-методик журналига бош муҳаррир ўринбосари лавозимига ишга келдим. 2006 йилнинг ноябр ойидан бирга фаолият кўрсатиш насиб этди. Қарангки, юлдузимиз-юлдузимизга тўғри келиб қисқа вақтда дўсту қадрдон бўлиб қолдик. Каминанинг бу илмий тадқиқот институтига ўтишдан мақсадим устоз Рисбой Ҳайдаровичнинг қистови ва кўллаб-кувватлаши билан фан номзоди илмий даражасини олиш учун тадқиқот иши билан шуғулланишдан иборат эди. Шундай ҳам бўлди. Тадқиқот ишимнинг шаклланишида асосан профессорлар Турдиқулов Эшбой Отақулович ва Шукурулла Қўлдошевичларнинг ёрдами катта бўлган эди.

Ана ўша даврлардан бери биз фикрдош-маслакдош бўлиб, кунларни мазмунли ўтказа бошладик. Институт боғи ўтириб ишлаб толиққан илмий ходимлар учун сайр қилишга жуда қулай эди. Ҳар кунлик иш режамизга кўра ҳар икки соатда боққа чиқиб бироз сайр қилиб, суҳбатлашар, фикр алмашар, баҳслашар эдик. Боғимизда деярли барча мевали дарахтлар бўлиб, уларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиш ҳам мумкин эди. Эрта баҳорда гилос, кейин навбатма-навбат ўриклар пишарди. Ўрик дарахтлари кўп бўлиши билан бирга улар бирданига эмас, балки навбати билан етиларди. Мазза қилиб гилос ва ўриклардан танаввул қилардик. Ундан кейин олча, олма, узун ишкомдаги турли навли узумлар ва ниҳоят, кузни

ёнғоқларнинг ҳосили билан кутиб олардик. Ёнғоқ дарахтлари ҳам кўп эди. Сайрга чиққанимизда "ким кўп ёнғоқ топади" мусобақаси бўларди. Топган ёнғоқларимизни санаб кўриб, ғолибни аниқлаб кейин чақиб ейдик. Ундан ташқари иккаламиз ҳар куни тушликка ҳам бирга чиқардик. Борингки, иш кунида бир-биримизсиз нафас ололмасдик, десам ҳечам муболаға бўлмайди. Мана энди ўзингиз тасаввур қилинг-чи, ҳар қандай кўнглинггизга ёқмаган инсон билан шундай бўлиши мумкинми? Асло йўқ!

Камина Шукурулла Қўлдошевичнинг оддийлиги, самимийлиги, камтар-камсуқумлиги, кенг дунёқараш ва билимдонлигини яхши кўрардим. У инсонга менинг ҳам қайси бир жиҳатларим ёққандирки, "Ўтираверасизми ишлагандай бўлиб, боғни бир текширайлик-чи яна нималар пишган экан?" деб кабинетимнинг дерезасидан овоз бериб, сайр қилишга чорлар эдилар. Бир гал чамаси менинг ҳайрон қолдирмоқчи бўлиб, "Ҳей, ака, сиз билмайсизда мен моҳир овчиман", деб Жиззахнинг чўлида ўрдак отаман деб машинадан йиқилиб оёқларини синдириб олганларини сўзлаб қолдилар. Камина ҳам бўш келмадимда "Сизнинг овчилик маҳоратингиз менга қоронғу, агар билганингизда бунчалик мақтанмасмидингиз, ахир, мен туғилган қишлоқнинг номи Сайёд, яъни овчилар яшайдиган қишлоқда туғилиб, эсимни таниганимдан бери овчилик билан шуғулланганман" дедим. Иккаламиз мириқиб кулишдик. Ана шунга ўхшаган ҳазил-ҳузуллар жуда кўп бўлган, аммо ранжиш бўлмаган.

Мен ҳаётим давомида жуда кўп инсонлар билан ёнма-ён ишладим, борди-келди қилдим, суҳбатлашдим, фикрлашдим, аммо Илмий тадқиқот институтида 12 йил фаолият кўрсатиб, Шукурулла Мардоновдек қалби беғубор, дилкаш, уддабурон, ҳалол, тўғрисўз одамни топмаган эдим. Ҳаётимда дўстман деб кўплари чув тушириб кетишган, раҳбарликдан кетганимдан кейин бутунлай ўзгариб қолган инсонлардан ҳафсалам пир бўлган ҳоллар бўлган.

Шукурулла Қўлдошевич билан бизнинг дўстлигимиз эса холис инсоний самимият асосига қурилганлиги билан қадрлидир. Ўтган йиллар давомида биз бир-биримизни унутмадик. Иш жойларимиз ўзгарган кезларда ҳам бир-биримиздан хабардор бўлдик. Тақдир тақозоси билан биз 2019 йилдан яна бирга ишлай бошладик. "Уйда зерикиб ўтирманг. Келинг, бирга ишлайлик" деган таклиф билан ҳамкорлигимиз давом этмоқда.

Камтаргина яшаб қўлидан келганича бошқаларга ёрдам бериш, кўллаб-қувватлашни ўзини шиорига айлантирган дўстимга ҳурсандлик, хуш кайфият, гўзал ҳаёт, оилавий бахт-у саодат тилашдан ўзга жуда бахтиёрман.

70 ёшингиз муборак бўлсин, азизим! Асло чарчаманг, ёш олимларни етиштиришдаги хизматларингиз бардавом бўлсин. Фан докторлари, профессорлар жуда кўп, лекин менинг наздимда, сиз бошқачасиз. Илмий-ижодий баркамолликни қўлдан бермасдан ҳамиша олга юришингизни яратганнинг Ўзи қўлласин!

ЮКСАК МАҚСАДЛАР ВА ОРЗУЛАР ОСМОНИДА ПАРВОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошланғич таълим методикаси кафедра доценти, п.ф.н. Каримжонов А.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бой маданий меросимизни нафақат атрофлича ўрганиш, балки уни жаҳон китобхонлари эътиборига ҳам етказиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ҳаммага ҳар доим манзур ва маъқул бўлиш барчанинг қўлидан келадиган иш эмас. Атрофдагиларнинг кўнглига йўл топиш инсониятнинг энг жиддий, саодатли юмушларидан биридир. Инсон ўз умри давомида кўп ишларни қилиши, кўп юмушларни адо этиши мумкин. Аммо уларнинг барчаси инсон деган номга шараф келтирмайдиган бўлса, изсиз, белгисиз кетаверади.

Биз ажойиб бир инсон ҳақида сўз юритамизки, бу инсон ҳаётда ўз ўрни, ўз инсоний фазилатларини, илмий фаолиятини юқори поғонага етказиб умрини илм-у маърифатга асосига қурган.

Бу инсон замон алломалари, олимларнинг олими, устозларнинг устози, қалби пок инсон Мардонов Шукурулло Қўлдошевич бўлади. У 1952 йил 20 май куни Жиззах вилоятида туғилиб вояга етган. Унинг ижодий фаолияти 1969 йилдан бошланган бўлиб, Саратов давлат педагогика институти талабаси, Жиззах шаҳар Кенгаши депутати, Жиззах давлат педагогика институти "Рус тилшунослиги"

Ҳар қайси инсон-қаерда ишламасин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йуллаган мухтарам устоз ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздордир.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратларининг;

Ҳақ йулида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламоқ бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила,-деган ҳикматли сўзлари устозларга атаб айтилган.

Қаҳрамонимиз таълим соҳасидаги 48 йиллик фаолияти давомида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида таълим сифатини ошириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича қатор ишларни амалга оширган. Шунингдек, фан ва таълимни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, таълим стандартларини, касблар классификаторини такомиллаштириш ва модернизациялашда, умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, беҳисоб оммавий ахборот нашрлар халқ маориф соҳасида катта мақомга эга деб биламн.

УСТОЗ

Ҳаётда аёндир ажиб бир ҳикмат,
Отангдай улуғдир хокисор бир зот.
Илм-у толибларга бахшида неъмат,
Бунчалар азизсиз, мўътабар устоз!

70 йўлларингда нурлар таратар,
Шогирдлар интилган 70 дур-китоб.
Ҳали қанча баҳор йўқлайди Сизни,
Сиз боқий зиёсиз, мўътабар устоз!

Йўллар суронида чархланар умр,
Тарбият боғида боғбонсиз абад.
Сиз сўнмас ёғдусиз, чарақлаган нур,
Ҳар сўзи бир мактаб, мўътабар устоз!

ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ФИДОЙИ ИНСОН

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика факультетининг "Умумий педагогика" кафедраси профессори, Эрназарова Г. О.

Илм боғин боғбонисиз, эй устоз!
Юзлаб диллар достонисиз, сиз устоз!
Яратгансиз энг чароғон бир китоб!
Бир китобки, бизлар учун у моҳитоб!

Ҳар қандай жамиятда таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Чунончи, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Шу ўринда, бутун ҳаётини таълим-тарбия тизимига бағишлаган кишилар энг мўътабар инсонлар эканлигини таъкидлашимиз лозим. Ана шундай ҳурматга сазовор инсонлардан бири устозимиз проф. Ш.Қ.Мардоновдир.

Профессор Ш.Қ.Мардоновнинг фаолияти жуда серқирра. Масалан, акмеология предмети жиҳатидан қарайдиган бўлсак, устоз илм йўлида ўз "Акме"сига эришган. Юксак даража деганда, вояга етган кишининг хусусий шахс ва субъект сифатида ривожланиши тушунилади, мутахассислар буни одатда кульминация (энг юқори нуқтага етиш) ёки баъзан оптимум (энг мақбул) деб атайдилар.

Устозимиз Ш.Қ.Мардонов айнан мана шу оптимумга эришган ва талабалар, кўплаб шогирдлари ҳамда ҳамкасбларимиз учун ибратли инсондир.

Устознинг ўз акме ёки оптимуми бўлиб, унинг микроакма ёши мобайнида ютуқларга эришишиб борганлиги "катта акме"га пойдевор бўлиб хизмат қилганлиги, "катта акме" ларда кўп йўналишли ва кўп даражали шахсий ҳаётий-илмий ижодкорлиги унинг меҳнат фаолияти босқичларида кўринади.

Устознинг ҳаётий ривожланиш жараёнини, жамиятдаги кўп йўналишли фаоллиги, меҳнат фаолиятида юқори касбий малака эгаси эканлиги, шу билан бирга "акме"синиг миқдор ва сифат

ўқитувчиси, кафедраси мудири, Рус тили ва адабиёти факультети декани, Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт ректори, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Педагогика-психология бўлими бошлиғи, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бош илмий ходими, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, директор ўринбосари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг "Педагогика" кафедраси профессори в.б., Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика факультети декани, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача ва бошланғич таълим факультети декани, 2021 йилдан бугунги кунга қадар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошланғич таълим факультети декани вазифаларида фаолият юритиб келмоқда.

Олим ва устоз Шукурулло Мардонов ҳақида кўп ва хўп гапириш, ёзиш мумкин. Устозлар бўладики, ўзларининг фидойилиги, инсонийлиги ва чин маънода билим ва заковатини шогирди ва талабаларига армуғон этади. Ўзини сўзига, имижига эга бўлиб, бир умрга қилган хатти-ҳаракати билан қалбга таъсир этади, инсоннинг том маънода инсон сифатида шаклланишига ҳисса қўшади. Бундай олимларни тажрибали мутахассисга, устага ўхшатадилар ва улар ҳаттоки хом лойдан санъат асарлари яратиш ва мустақил фикрловчи шахсларни шакллантириш қўлидан келадиганлардан.

Шукурулло Мардоновнинг ҳаёт йўлларига бир назар ташласак, қаерда меҳнат қилмасин, доимо ижобий натижаларга эришганлигини кузатамиз. Бу киши ҳаётида ўз зиммасига юклатилган илмий, тарбиявий ва маърифий вазифаларини ҳар доим юқори савияда бажариб келган.

Профессор Шукурулло Мардоновнинг ишларига қараб, бу кишининг шахсиятига, илмий ва оммавий салоҳиятига ёшлигидан жуда пухта, мустаҳкам ва зарурий асос қўйилган, десангиз адашмайсиз. Албатта, ўзини шахсий ривожланишига эътибор, тиришқоқлик, ўз -ўзига талабчанлик, муаммоларнинг туб илдизида ўрганиш иштиёқи, илмий-тадқиқот ва маориф масалаларини муҳокама қилганда фикрлар теранлиги ва қилинадиган таклифлар ва ёхуд берилади-

ган вазифаларнинг аниқ ва лўндалиги устоз шахсиятининг алоҳида ажралиб туришини таъминлайди.

Донишмандлар "Ҳар бир мавжудотнинг бахти – ўзига хос бўлган ишларни тўлиқ, мукаммал содир қилишдадир", дейдилар. Назаримда олим, устоз учун бахт деган тушунчанинг ҳикмати ҳам аслида шу бўлса керак. Бу бахтнинг асоси – устознинг файзли, оқил ва доно оиласи, садоқатли шогирдлари, эъзозлайдиган олийгоҳи, деб биламан. Халқимизда ажойиб анъаналар мавжуд. У ҳам бўлса халқни, элни, миллатни шакллантиришга муштарак мақсадга хизмат қилишга ундайдиган жиҳатлар.

Инсондаги инсонийликни кўра билиш ва тарбиялаш юксак маданият ва маънавият белгисидир. Шу боис устоз бир пиёла чой устида ёки бўлмаса расмий ҳолда баҳс мунозаралар орқали биз касбдошларга баҳо бериб, тўғри йулга бошлаб, қимматли маслаҳатларини илмий-педагогик тавсияларини берганликлари ва ҳар томонлама қўллаб қувватлаганликларидадир.

Устоздаги самиймийлик, ҳар қандай хато ва танқидни ҳам кўнгилга тегмас ҳолда бериши ва муаммони бартараф этиш юзасидан тўғри қарор қабул қилиш ҳолатларини бир неча бор кузатганман.

Устознинг инсонийлик қиёфасидаги яна бир фазилатли жиҳати у кишининг оилапарварлигидадир. Табиийки, оила табиатнинг шоҳ асари бўлиши билан бирга бизнинг, кундалик муваффақиятимиз, осойишта фаолият юритишимиз кафолати. Биз буларни оиладаги аҳиллик, ота-она, фарзандлар муносабатларининг ўзаро бир– бирига эҳтироми, ҳамкорлик ва юксак маданият даражасида эканлигининг далолатидир. Устоз ақлий ишдан чарчаганларида оиласидаги ўзаро самимийлик ва меҳрга йўғрилган муҳит чарчоғини фароғатга айлантиради. Менимча, бахт дегани шу бўлса керак.

Шукурулло Мардонов илмий педагогик жараённи бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган ва меҳнат бозорида рақобат қиладиган кадрлар тайёрлаш борасида фаолият юритаётган жонкуяр ва принципал, айни пайтда объектив баҳо берадиган устоз ҳамдирлар.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

кўрсаткичлари, кенг дунёқараш, шаклланган умумий ва махсус интеллект, миллий мафкура, ғоя, ижодий қобилият эгаси эканлиги, теран фикрлари билан илм йўлида фидойи фаолият олиб бораётганлиги тахсинга лойиқ. Албатта, бундай касбкорликнинг энг юқори чўққисига чиқиш узоқ вақт талаб этади ва заҳматли ҳамдир. Устозимиз проф. Ш.Қ.Мардоновнинг юқори касб маҳоратига эга эканлиги нафақат унинг қобилиятлари кенг ривожланганлиги, балки унинг ушбу фаолиятда чуқур билим, кўникма ва малакаларга эга эканлигидан, кучли ва турғун мотивацион-эмоционалликда касбий фаолиятини муваффақиятли бажариши шахсий ва субъектив психика, касбий компетенцияларга эга эканлигидан далолат беради. Проф. Ш.Қ.Мардонов шахсий ва касбий етукликка муваффақиятли эришган, педагогик-илмий, ижодий ва касбий фаолиятни самарали амалга ошириб ҳаёти мобайнида доимий ўзи-ўзини такомиллаштириб, "акме"га эришган ҳаракатчан инсон.

Шу нуқтаи назардан проф. Ш.Қ.Мардоновнинг бугунги кундаги "акме"си ҳаётий ҳаракат ва ривожланишининг охирги нуқтаси, қирраси эмас, яъни шу чуққида устознинг келгуси янги горизонтлари очилиб янада равнақ топиб бориши ва бизлар учун доимо ўрнак бўлиб юқори марраларга эришиши янада давом этажак!

Ўзбекистонда профессор Ш.Қ.Мардонов каби олимларнинг прогрессив фаолияти айнан акмеологик омиллар, инсонпарварлик тамойиллари асосида профессионал маҳоратни ўстириш, олий таълимда тараққиёт даврларига мос равишда ривожланиш ва маҳсулдорликка эришиш, яхлит жамият ва инсоният учун манфаатлидир.

ҲАЁТ АБАДИЙ, АММО У ЁШ АВЛОД БИЛАН БАРҲАЁТ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факултети декани, физика-математика фанлари номзоди Ибадуллаев К.М.

Авлод бор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё устозлар ҳам абадий барҳаёт яшайверади. Устоз бамисоли боғбон. Устоз – йўл кўрсатувчи эркин юлдуз. Мураббий, ахлоқ-одоб, инсонийлик бўйича таълим ва тарбия берувчидир. У ёш авлодга илм-фан асосларини ўргатади, уларга таълим-тарбия беради, замонамизнинг ҳар томонлама баркамол кишиларни етиштиради. Устоз-мураббий, ўқувчи-шогирд учун мисоли кўзгу, ўқувчи ўша кўзгуга боқиб ўз аксини кўради ва қиёфасини тўғрилаб боради. Орамизда Сиздай устознинг борлиги, Шукурулло Қўлдашевич, бизнинг бахтимиз.

Сиз педагогика фанлари бўйича илмий даражалар беришга ихтисослашган Илмий кенгаш раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқдасиз. Бу эса истеъдодли ва қобилиятли кадрлар тайёрлашда Сизнинг муносиб ҳиссангиз борлигидан далолат беради. Сизнинг педагог-олим сифатидаги ижодий фаолиятингиз кўп қиррали бўлиб, унда жуда муҳим бир жиҳат борки, у ҳам бўлса, ташкилотчилик қобилияти, меҳнатсеварлигингиз ва шогирдлар билан қалбдан ишлашингиздир. Сиз педагогика соҳасидаги беназир билимингиз, оқил ва адолатли илмий раҳбарлигингиз, ҳақиқий инсон, чин дўст сифатида ибрат намунаси бўлиб келмоқдасиз, шу йўлдаги хизматларингиз таҳсинга сазовордир.

Сиз, азиз устозга доимий тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик онадонингизга файз-у барака тилаймиз. Доимо соғ-омон бўлинг, азиз устоз!

2-МОДУЛ. МУНОСАБАТ.

САЛОҲИЯТЛИ ФАН ДАРҒАСИ – МЕҲРЛИ ҚАЛБ ЭГАСИ

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети, педагогика фанлари номзоди, доцент Юлдашева Н.А.

Олий таълим муассасасида фаолият олиб бориш масъулияти уларни таҳсил олиб юрган паллаларидаёқ ўй-хаёлини бир зум бўлса-да тинч қўймас эди. Талабалик даври инсон ҳаётида жуда муҳим босқич бўлиб, мудом инсон хотирасида янги жилва нақши нигорлари билан жилоланиб тураверади. У давр инсонга ўзига хос машаққатлари билан бирга унутилмас завқ-шавққа тўла онларини ҳадя этиши табиий. Шукурулло Мардонов ҳам сара устозлар таълими ила сабоқ олиб, ўз ҳаёт йўлини машаққатли бироқ жуда масъулиятли касб ўқитувчилик касби билан боғлади. Ўзининг илми ва педагогик маҳорати, инсонийлик фазилати, олимлик ва мураббийлик салоҳияти билан кўпчилик эътиборига тушди. Айниқса, мустақиллик йилларида бор кучини, қалб қурини, маърифат зиёсини узлуксиз таълимнинг бош бўғинларидан бўлмиш бошланғич таълим тизими билан чамбарчас боғлади.

Жамият ривожида педагогикадан кейинги ўринларда турадиган яна бир шундай соҳа борки, бу соҳа "андрагогика" деб номланади. Мазкур фаолият тури Шукрулла Қулдошевични Халқ таълими тизимидаги катта муваффақиятлар сари етаклади. Куни кечагидек ёдимизда, Жиззах вилояти малака ошириш институтида (ПКҚТМОИ деб номланар эди) минглаб ўқитувчи-педагогларга таълим жараёнларидаги янгиликларни жорий қилишдаги жонбозлигини айтасизми, ёки Қори Ниёзий номидаги илмий тадқиқот институтида олиб борган илмий ходимларга устозлик қилган даврларними, барчаси ҳам олимни меҳнат бобида, меҳнаткашлик тобида дошлади.

Мустақилликнинг илк йиллари ҳали миллий педагогикамизда жуда муаммолар кўп даврлар эди. Узлуксизлик, айниқса, малака ошириш тизими олий таълимдан кейинги босқич сифатида энди шаклланиб, ўз мустақил тизимига эга бўлаётган эди. Бир томонда давлат таълим стандартлари, бир томонда педагоглар учун яратила-

МАДАНИЯТГА СУҒОРИЛГАН СУКУТ ИЛА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАГАН УСТОЗ!

Қодирова Феруза Усмановна, педагогика фанлари доктори, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти



Бежиз бу эътироф билан бошламадим фикримни. Катта илмий ҳаёт йўлини босиб ўтган Шукурулло Қўлдошевич Мардонов сухбатдошни босиқлик билан тинглашга, шошма-шошарликсиз муваффақиятга бардавом эришишга одатлантира оладиган таъсир кучига эгалигини ўзлари ҳам у қадар хис қилмасалар керак. Мен Устоз билан илм майдонида бевосита яхши маънодаги "тўқнашув", ёмон сифатланадиган "айтишув"ларни бошимдан кечирдим. Ўзимча "доктор" бўлиб олган бир шошқалоқ аёллигимга бордим-да, асли. Баъзида Устознинг ҳа майли "хотин кишида" - деган кўз қарашлари ҳам одамнинг ғашини қитиқлаган-да. Бироқ минг афсус билан ва ўзимга нисбатан танқидий баҳо берган ҳолда айтаманки, Устоз тинглаш кўникмасини одатга айлантира олгани учун жим эшитади, мушоҳада қилади. Албатта суҳбат якунида "Менинг айтганим бўлади, чунки вақти-соати келиб, бу қарорнинг тўғрилигини тушунасиз..." - дея катта-катта вазифани "тарвузнинг уруғи бармоқлар орасидан енгил учиб чиқиб кетгандек" осон бажариш мумкинлигини сездириб, кучга тўлдириб, ҳузуридан кузатади. Жуда кўп такрорланган бу каби ҳаётий сухбатлар, илмий машваратлар-

да ичимда “Сиз ғолиб бўлдингиз, Устоз. Эркаклигингиз учун эмас, айнан донишмандлигингиз учун, ҳақиқий маънода инсонлигингиз учун”, - деб ҳайратимни яшираман, “писмиқларча”. Сизнинг борингиз бизга маданий эталон, маънавий қувватдир. Сизга яна-да баракали умр, доим ёнингизда содиқ шогирдлар, тинглашни билувчи ҳамкорлар бўлишини тилайман. Эътирофимдаги “код”ли сўзларга изоҳ керак бўлса, Устоз Сиз билан босиқликда, маънавият либосида суҳбатлашишга муштоқман.

ётган давлат талаблари масаласида ҳам устоз Шукурулло Мадоновнинг салмоқли улушлари бор десам, янглишмайман. Устозлар бир-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Жўра Йўлдошев, Рустам Аҳлиддинов, Ҳамидулла Йўлдошев. И.Ҳ.Жўраев каби фан дарғалари билан бир сафда миллий педагогикамиз тарихида ўз мактабини ярата олган Шукурулло Қўлдошевич фан бобида кўпчиликнинг назарига тушди.

Улар орасида профессор Шукурулло Мардонов алоҳида ажралиб турадилар. Устозларнинг барчаси ўз табиати, гўзал сийрати билан ўзига хос. Лекин уларнинг фанга, ўз касбига бўлган меҳри ва масъулиятида муштараклик бор. Биз ҳамкасблар фаолият жараёнида уларни кузата туриб шунга кўп бор амин бўлганмиз.

Сўз юритаётганимиз устоз, педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов ҳам ана шундай эътиқодли, шогирдларга ўта талабчан ва эътиборли, мурувватли айниқса, энг муҳими, самимий камтар инсон. Устозларнинг ҳар бири биз учун чинакам маънода ҳикмат ва ибрат мактаби эди, десак, муболаға бўлмайди. Уларнинг касбга бўлган эътиқоди, тинимсиз ҳаракатлари, бошқарув услуби, овози, илмий салоҳияти барчаси бизнинг яъни ўрта авлод вакилларининг назаримиздан четда қолмас эди.

Одатда, катталарни ўқитиш санъати педагогнинг нозик жиҳатларини шундай синчковлик, юксак дид билан фаолият юритишга ундайдики, “таълимда танаффус бўлмайди” деган буюк ақида худди шу таълим тизими вакилларига айтилгандек гўё. Бунинг боиси устозлар, мумтоз қалб соҳибларидир. Шукурулло Мардонов ўз фанининг фидойиси, маҳоратли педагог ва яхши олим бўлганликлари учун кўплаб ёш ўқитувчилар қалбига йўл топа олди. Улар ўз фанини чин дилдан севган, қатийъатли олим. Энг зарури салоҳиятли фан дарғаси, меҳрли қалб эгаси ҳамдир.

Улар ўта босиқ, ўзига хос вазмин табиатли, суҳбатлашганда дарров қалбингизга йўл топадиган, дилкаш олим. Ҳазилкашлиги ва сўзларни топиб-топиб гапириши эътиборга молик ҳодиса. Бу айни ҳақиқат.

Устознинг педагогик фаолиятида, соҳага оид тайёрлаган ўқув дарсликлари, услубий қўлланма ва монографиялари анчагина. Устоз назарий маълумот амалий машғулот сирларини яхши биладилар. Уларнинг ҳаётий фаолиятида илм ва амал тушунчаси ўзаро

уйғун тушунча бўлиб, алоҳида фазилатларини кўрсатиб туради.

Ўз соҳасининг билимдони бўлган инсон ҳамма жойда керакли. Ана шунинг учун ҳам устозни кўпчилик тез-тез йўқлаб туришади. Тажрибали мутахассис, педагогиканинг билимдони, йирик назариётчиси ва амалиётчи Шукурулло Мардоновни деярлик барча олий таълим муассасаларида дарс беришларини истаб мурожаат қилувчилар ҳам кўп. Касбига фидойи бўлганлар ўз ҳаётини она-юрт меҳр-у муҳаббати билан чамбарчас боғлагандурлар.

Ватанпарварлик, юртпарварлик, элпарварлик каби туйғуларни ҳис қилишни маърифат масканида Сиздан ўрганишни ихтиёр этгувчиларнинг сафи мудом кенгаяверсин. Дунёқарашида, юрагида илм-фанга, юксак эҳтироми бор ёшлар, шогирдлар ҳаёт йўлларини ёритгувчи маёқ бу – Сизнинг ибрат мактабингиз бўлиб қолаверади.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ВА СЕРМАҲСУЛ ИЖОД САБОҚЛАРИ

Қосимов У.
Жиззах давлат педагогика институти,
филология фанлари доктори,

1974 йили ташкил этилган Жиззах давлат педагогика институти ва нисбатан ёш олий даргоҳ Чирчиқ давлат педагогика институтининг тамал тошини қўйиб, ўзларининг бутун қалб қўри, кўз нурини, катта тажриба ва юксак билим-салоҳиятини ёшларга таълим-тарбия беришдек эзгу ишларга бахшида этиб келаётган фидойи устоз-мураббийлардан бири, шубҳасиз, Шукурулло Қўлдошевич Мардоновдир. Ҳассос қалб, чуқур тафаккур соҳиби ва илмий-эстетик дид-савияси баланд инсон, таниқли олим, "Халқ таълими аълочиси" Шукурулло Мардоновнинг қутлуғ 70 ЁШЛИГИ – нафақат вилоятлар аҳли ва институт жамоаси учун катта шодлик, балки бу – республикамиз зиёлилари ва илм-фан мухлислари учун ҳам қувончли бир воқеа сифатида дилимизда ҳавас уйғотади.

Улуғ айём кунларида табаррук ёшга етган Шукурулло Қўлдошевичнинг умрини жўшқин бир дарёга қиёслаш ва унинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўлидан кўплаб ибратли сабоқлар чиқариш мумкин. Чунки Шукурулло Қўлдошевичнинг бир етук инсон ва йирик олимга хос мазмунли умри ҳаётий қийинчилигу ҳам шодлик-қувончларга бойлиги билан кўпларга ва, айниқса, ёшларимизга ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб ўйлайман. Зеро, ҳаёти жўшқин, илмий-педагогик фаолияти ибратли ва унутилмас ёрқин саҳифаларга бой бўлган Шукурулло Мардонов, айни пайтда, шахси бутун, ийимон-эътиқоди мустаҳкам, табиатан дилкаш ва баркамол инсонлиги билан ҳам кўпларнинг меҳрини қозонган. Дарҳақиқат, Шукурулло Мардонов, энг аввало, ўзининг етук инсонийлиги туфайли ибратли умргузаронлиги ва серқирра илмий-ижодий фаолияти билан ҳаётини ҳар жиҳатдан мазмундор ва самарали бўлишига эриша олган бахтли тақдир эгаси. У етишган инсоний комиллик, ижодий балоғат замирида, албатта, унинг меҳнатсеварлиги-ю фидойилиги, ирода ва қатъиятлилиги, самимият ва камтаринлик, тўғрисўзлик ва одиллик каби олийжаноб фазилатлари мужассамлашганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шукурулло билан биз сал кам 40 йиллик оға-инимиз десак, муболаға бўлмайди. Бир неча йил бирга ишладик. Адабий кечаларда, нуфузли анжуман-давраларда, янги асарлар ва илмий ишлар муҳокамасида қатнашиб, фикрларимизни билдирдик. "Иккинчи фронт" деб аталмиш пахтазорларда, кўнгилли сафарларда, тўй-у маъракаларда қатнашдик. Дўст-у қадрдонлар билан бирга қувончли кунларимизни нишонлаб, ҳаётимизга шукроналар айтиб ўтган хуш дамларимиз ҳам кўп бўлган. Лекин Шукуруллонинг нозиктаъб меъёр ва масъулиятни унутиб, ортиқча ҳиссиётга берилгани-ю ё бемулоҳаза фикр билдирганини, ёхуд бирон ноўрин сўзи-ҳаракати билан кимнингдир кўнглини қолдирганини кўрган ё эшитган эмасмиз. Бу жиҳатдан ҳам Шукурулло Мардонов кўпларнинг, айниқса, замонавий интернет қуршови ва глобаллашув шароитда улғаяётган минглаб ёшларимизнинг кўз олдида юксак маданиятли ва назокатли бир устоз-мураббий бўлиб гавдаланади.

Шукурулло Мардоновнинг бутун онгли ҳаёти ва самарали илмий-педагогик фаолиятини нурлантириб, бошқариб турган ва ўнлаб йирик асарлари, юзлаб теран мақола ва хотираларига алоҳида таъсирчанлик ва жозибадорлик бағишлаган инсоний бир омил борки, бу – унинг интилувчан-изланувчанлиги, некбинлиги ва самимиятидир, десак, янглишмаган бўламиз. Жўшқин ҳаёти ва тақдирининг маънавий устунларига айланган бу фазилатлар ҳам, энг аввало, унинг ота-оналаридан ва кайвони момолардан, устозларидан, қолаверса, бир неча тилда доимий мутолаа қилган минглаб китобларидан кучли таъсирлан ишининг ҳам бир самараси бўлса, эҳтимол. Шу муносабат билан машҳур шоиримиз Эркин Воҳидовнинг чуқур ҳаётий ҳикмат ифодаланган сатрларини ёдга олиш мумкин:

Устоз буюк деган буюк қоида,
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Ҳақиқатан ҳам, Шукурулло Мардонов ёшлигидан катта мактаб кўрган ва улуғ устозлардан ихлос билан сабоқ олгани учун ҳам бугун ўзи шундай улуғлик даражасига етишиб турганлигига барча тенгдошлар ва юзлаб шогирдлар гувоҳ бўлиб турибмиз. Узоқ йилларки, Шукурулло Қўлдошевич жаҳон тилшунослик ва педагогика фанларининг ғоят кенг ва айни вақтда, мураккаб мавзулари бўйи-

да ўзига хос масъулият ва изчиллик билан муттасил изланиш олиб бораётганлигининг ўзиёқ тадқиқотчининг бу кўпқиррали мавзуни канчалар чуқур ўзлаштиргани ва салмоқли натижаларга эришганлигидан гувоҳлик бериб туради. Бинобарин, ана шу кўп йиллик изланиш ва узлуксиз меҳнатнинг қувончли самараси ўлароқ, ўнлаб монография, қирққа яқин ўқув-услубий қўлланма ва рисолалар, юзлаб мазмундор мақолалар юзага келди. Улар нафақат ўзбек ва рус тилшунослиги ривожига, балки замонавий педагогика илми тараққиётига ҳам муносиб бир ҳисса бўлиб қўшилган ва бу ҳақиқат нуфузли илмий-адабий марказлар ва педагогика жамоатчилиги томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, Шукурулло Қўлдошевичнинг фидойилиги, энг аввало, ярим асрдан буён ўқитувчи-мураббийлик касбини эъзозлаб, унга заррача ғубор қўндирмай, сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиб келаётганлигида намоён бўлади. Унинг устоз-у шогирдлари ва ҳамкасбларига кўрсатган доимий эътибор ва ғамхўрлиги, беминнат меҳр-оқибати ва яхшиликларидан қанча кишиларнинг кўнгиллари миннатдорлик ҳислари билан мунаввар бўлмаган дейсиз!

Қадимдан олиму уламолар орасида "Илмнинг закоти иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдир" деган фикр юради. Ёки нафақат юртимизда, балки бутун Шарқ ва Ўрта Осиё мамлакатларида, хусусан, кўплаб мусулмон халқлар тарихида ҳам ўчмас ном қолдирган буюк алломамиз Баҳовуддин Нақшбандий ҳам устоз ва шогирд бобида ғоят ибратли ғоя ва ақидаларни илгари сурганлар. Тарихий ва адабий манбалар гувоҳлик беришича, пири муршид Нақшбанд шогирдларига "Мақсад сари шу даражада шитоб ва шиддат билан интилгилки, лозим бўлса, менинг гарданимга оёғингни қўйиб, муродга етгил!" деб, уларни ҳамиша илм ва ижодга руҳлантирар экан. Бундай хислат Шукурулло Қўлдошевичнинг ғоят серқирра устоз-мураббийлик фаолиятига ҳам хосдир.

Талабчан, фидойи устоз Шукурулло Қўлдошевичнинг кўплаб иқтидорли ёшларга раҳбарлик қилиб, жумладан, ўндан ортиқ фан номзодлари ва фан докторларини оқилона қўллаб-қувватлаб, уларни илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларининг катта йўлига бошлаганлиги таҳсинга лойиқдир. Бугунги кунда улар янгиланаётган Ўзбекистонимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган истеъдодли олим, изланувчан ва ижодкор тадқиқотчи ва устоз-мураббий

бўлиб танилаётганлиги ҳам унинг учун ҳаёт ва тақдирнинг юксак бир ажр-у мукофотидир дейиш мумкин.

Биз ва Сиз каби "етмишвойлар" умримизни сарҳисоб қилсак, нурли хотиралар билан бирга, олтинга тенг ёшлик даврмизнинг неча ой-кунлари бесамар кетганлигидан кўнгли мизда бир қадар ўкинч ва армонлар ҳам сезилади. Яъни Мустақиллигимиздан олдин буюк аждодларимиз тарихи ва меросини, юксак умуминсоний гоялар билан йўғрилган мумтоз адабиётимиз дурдоналари ёхуд муқаддас динимиз ва унутилаёзган миллий қадриятлари мизни меҳр билан ўрганишга ҳозиргидек кенг имконият у ёқда турсин, аксинча, уларни ўқиш ҳам тақиқлаб қўйилганди. Уларнинг ўрнига "марксизм-ленинизм таълимоти," "илмий комунизм" ва "илмий атеизм асослари" каби ҳукмрон мафкуранинг бирёқлама ва "совуқ" сиёсий фанларини мажбуран ўқишга зўр бериб, билим савиямиз, руҳиятимиз ва тафаккур-дунёқарашимизни чеклаб, маънавиятимизни анча кемтик ва қашшоқ қилиб қўйганлигимиз – оғриқли ҳақиқат. Аммо меҳнатдан қочмаганмиз, спорт ва санъатга ҳам астойдил қизиққанмиз. Афсуски. такрорланмас ёш умримизнинг анча йиллари ғўза чопиғи, пахта терими-ю шоли ўримларида ўтиб кетганига ўкинамиз ва Истиқлол бераётган барча ҳуқуқ ва улкан имкониятлардан қувониб, бугунги ёшларимизга ҳавасимиз келади. Улардан умидимиз ҳам катта – биз орзу қилган юксакликларга улар етишишларига ишончимиз комил. Юртимизда фаолият кўрсатаётган Президент мактаблари, улуғ адибларимиз номи билан аталган Ижод мактаблари ва янги ОЎЮртлари, замонавий янги мутахассисликлар – барчаси Ўзбекистонимизнинг миллий тикланишдан миллий юксалиш сари тараққиёти учун хизмат қилади. Яна бир тасалли шуки, биз ҳамиша эъзозли устозларимизнинг, демакки, халқимизнинг ҳам умид-ишончини оқлашга интилиб, ўқитувчи-мураббийлик касбимиз билан ёшларнинг илм-фанга ва Ватанимизга меҳрини ошириб, жамиятимизга муносиб хизмат қилиб келганлигимиз умримизга мазмун ва кўнглимизга хотиржамлик бағишлайди. Айниқса, бугунги кунда ўқитувчи касбининг нақадар улуғ ланиб, уларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз кўкка етгудек қувонамиз. 45-50 йиллик ҳаётий ва педагогик тажриба-малакамиз билан баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ишларга камарбаста бўлиб келаётганимиздан, инсонпарвар жамият имиз ва зукко халқимизга

керак эканлигимиздан ўзимизни бахтли ҳис этамиз. Аслида, инсонларга хос камтарона бир умргузаронлик- яшаш шу бўлса керак. Ҳалоқ берган азиз умримизнинг кейинги нурли довонларида ҳам соғ-саломат, ёруғ юз ва чексиз шукроналик билан барча яқинлар ва ҳамкасб дўст-у шогирдлар ҳамжиҳатликда кўришиш насиб этсин.

СЕРМАЗМУН, СЕРФАЙЗ УМР СОҲИБИ

Жумаев Ш
Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Профессор Шукурулло Қўлдошевич Мардонов билан биз 1969 йил август ойидан бери танишмиз, нафақат таниш, балки дўстмиз, ҳамфикрмиз. Бунинг исботи биз – Шукурулло, мен, менинг турмуш ўртоғим Шарофат Шералиева (жойлари жаннатдан бўлсин) ва яна 25 нафар талаба 1969-1974 йилларда Саратов давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида бирга таҳсил олганмиз. Бизлар Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида 4 та имтиҳон топшириб, 3 суткага якин поездда йўл босиб, Саратов шаҳрига етиб борганмиз ва ётоқхонага жойлашиб, 1 сентябрдан ўқишни бошлаганмиз. Шукурулло Қўлдашевич жуда омадли йигит деб биламан, чунки биз билан ўқиганлар орасида фақат у илм соҳасида олдин филология фанлари номзоди, кейин педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди, доцент, профессор илмий унвонларини олди.

Биз билан бирга Самарқанд ва Фарғона вилоятларидан 25 нафардан 50 нафар талаба 5 йил бир аудиторияда, бир ётоқхонада ётиб таҳсил олганмиз. Талабалик вақтида бўш вақтларимиз жуда мароқли ўтган, чунки ётоққхона ҳовлисидаги футбол, баскетбол майдончалари ҳеч қачон бўш бўлмаган. Ундан ташқари, Волга дарёсидаги оролларга умримизда биринчи марта пароходда гуруҳ бўлиб саёҳатга чиққанмиз. «Метеор», «Ракета” каби тезюрар катерларида Волгоград, Куйбышев (Самара) ва бошқа шаҳарларга саёҳатлар, ўрмонларда дам олишларимиз ҳеч қачон эсдан чиқмаса керак, деб ўйлайман!

Яна бизнинг эсимизда қолган воқеалардан бири - Шукурулло Қўлдошевич чанғида учиш бўйича спорт устаси. Иккинчи курсда ўқиётган вақтимизда у музлаган Волга дарёсининг устида ташкил қилинган 10 километрлик марафонда қатнашиб биринчи ўринни олган эди! Бундан ташқари, Шукурулло самбо кураши бўйича спорт усталигига номзод, енгил атлетика бўйича 2-разряд эгаси ҳамдир.

Шукурулло Мардоновнинг ҳаёти ва фаолиятига тўхталадиган бўлсак, у илк меҳнат фаолиятини 1974 йилдан Жиззах давлат педагогика институти Рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси лавозимидан бошлаган. Ш.Қ.Мардонов номзодлик диссертациясини – “Семантико-стилистическая характеристика русских лексических заимствований в современном узбекском литературном языке” - 1983 йилда СССР Фанлар Академиясига қарашли Тилшунослик институтида (Илмий Кенгаш раиси акад. Б.Н. Серебренников, Москва шаҳри) ҳимоя қилган; 2006 йилда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий кенгашда (ИК

раиси акад. Р.Х. Джураев) докторлик диссертациясини – "Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари" – муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ш.Қ.Мардонов 41 нафар тадқиқотчининг илмий диссертацияларига расмий оппонент бўлган.

Ш.Мардоновнинг бугунги кунга қадар 4 та ўқув қўлланмаси, 10 та монографияси, 24 та ўқув-методик қўлланмаси, 300 дан зиёд илмий мақолалари, 40 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган, шунингдек, у 38 та илмий монография ва илмий топламларга масъул муҳаррирлик қилган.

Йиллар ўтаверар экан, Шукурулло Қўлдошевич билан 1988 йилдан 2005 йилларгача Жиззах давлат педагогика институтида бирга фаолият кўрсатдик (у факультет декани, мен – декан ўринбосари). Мана ўн етти (етмиш эмас!) ёшга ҳам кирибсиз, азизим! Ҳеч қачон қариманг, ҳар доим шундан серғайрат, чаққон бўлиб юраверинг. Невара, чевараларнинг бахтини кўринг, янгамиз билан қўша қаринглар. Сизга фақат омад ва соғлик тилаб, дўстингиз Шавкат Жумаев.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Жиззах давлат педагогика институтининг халқаро алоқалар бўлими бошлиги, Пулатов Ш.Н.

Ислом динининг муқаддас Қуръони Карим китобидан кейинги турадиган "Ҳадиси шариф"да ёзилишича, **"Инсоннинг ҳисобига ёзиладиган энг хайрли амаллар қаторида одамлар учун манфаатли бўлган китоб ёзиш ва содиқ шогирдлар етиштириш,** – деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, бугун ўзининг муборак 70 ёшлик юбилейини нишонлаётган серқирра ва заҳматкаш олим, камтарин ва меҳрибон инсон, олий таълимда биринчи устоз сифатида тан олинган инсон филология фанлари номзоди, доцент ҳамда педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ҳадиси шарифда айтиб ўтилган сифатларни ўзида мужассамлаштирган.

Мен Россия Федерациясидаги Балашов давлат педагогика институтини 1991 йилда тугатиб келиб, домла раҳбарлик қилаётган Рус тили ва адабиёти факультетида ўқитувчи лавозимида дастлабки педагогик фаолиятимни бошлаган эдим. Домла шогирдлари камолини кўришга ҳаракат қиладиган талабчан ва қаттиққўл устоз, аслида эса жудаям меҳрибон, оққўнгил ва самимий инсон сифатида кишида ўзига нисбатан ижобий фикрлар қолдиради. Шукурулло Қўлдошевичнинг кўп сонли, аммо садоқатли шогирдлари қаторида у кишининг берган панд-насиҳатлари ва ўгитларига қатъий амал қилган ҳолда мен ҳам кўп йиллар давомида институтнинг ходимлар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатдим. Мен бу инсонни бошқа шогирдларидан фарқли ўлароқ 1974 йилдан буён устоз сифатида яқиндан биламан, у инсондан мен жуда кўп нарсани ўрганганман, ўшанда мен етти ёшда эдим, бунинг тарихи жуда узун.

Устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевич 1952 йилнинг 20 майида Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Чувиллоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан 1970-1974 йилларда ҳозирги Россия Федерациясининг Саратов давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олди. Илк педагогик меҳнат фаолиятини янгитдан ташкил этилган Жиззах вилояти маркази Жиззах шаҳрида 1974 йилда очилган Жиззах давлат педагогика

институтининг Рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси лавозимидан бошлади. 1976-1977 йилларда ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини сидқидилдан ўтади. Ҳарбий хизматдан қайтиб, 1977-1979 йилларда яна Жиззах давлат педагогика институтининг Рус тили кафедраси ўқитувчиси лавозимида педагогик фаолиятини давом эттирди. 1979-1982 йилларда собиқ СССР Фанлар Академиясига қарашли Тилшунослик институти қошидаги кундузги аспирантурада таҳсил олди.

1983 йилда мазкур институт қошидаги ихтисослашган Илмий Кенгашда "Семантико-стилистическая характеристика русских лексических заимствований в современном узбекском литературном языке" (Замонавий ўзбек адабий тилида рус лексик сўзларининг семантик-услубий хусусиятлари) мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Шукурулло Қўлдошевич 1982-1984 йилларда Жиззах давлат педагогика институтининг Рус тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, 1984-1986 йилларда институтнинг Рус тилшунослиги кафедраси мудири лавозимида ишлади.

Устоз Шукурулло Мардоновга 1986 йилда Илмий Кенгаш қарори асосида унга филология ихтисослиги бўйича доцент илмий унвони берилди.

Домла 1986-1998 йилларда Рус тили ва адабиёти факультети декани, 1998-2001 йилларда институт Маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори лавозимларида қизғин фаолият олиб борди.

Ундаги раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятини илғаган Халқ таълими вазирлиги тавсияси асосида 2001 йилда Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори лавозимига тайинланди. Мазкур масъулиятли ва шарафли лавозимда Шукурулло Қўлдошевич 2004 йилгача фаолият кўрсатди.

Устоз Шукурулло Мардоновнинг кейинги илмий-педагогик фаолияти бевосита Тошкент шаҳри билан боғлиқдир.

Домла 2005-2007 йиллар давомида Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг Педагогика-психология бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди.

Серқирра олим Шукурулло Қўлдошевич жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тасарруфидаги нуфузли "Узлуксиз таълим" журнали масъул котиби, "Халқ таълими" журналининг бош муҳаррири ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Шукурулло Қўлдошевич 2015-2017 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Педагогика кафедраси профессори лавозимида меҳнат қилди. 2018 йилда педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонига эга бўлди.

Домла бугунги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Бошланғич таълим факультети декани лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Шукурулло Қўлдошевич Мардонов Республикамиздаги забардаст олимлардан бири сифатида 2007-2018 йиллар давомида Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Ped.26.01 – рақамли Илмий кенгаш аъзоси, DSc.27.06.2017. Ped.26.01 – рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар аъзоси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Ped. 28.01 – рақамли Илмий кенгаш аъзоси, КХТТИРПКМО ва УКТ институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Ped.48.01 – рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар аъзоси сифатида фаолият юритди.

2019 йилнинг 28 мартидан бошлаб, бугунги кунгача устоз Шукурулло Мардонов Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги **PhD. 28.03.2019. Ped.82.01** рақамли илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг 2019 йил 28 мартдаги № 22 қарори) 2021 йилнинг 30 апрелидан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги **DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01** рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг 2021 йил 30 апрелдаги № 182 қарори) лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Домланинг бевосита илмий раҳбарлигида 13 (ўн уч) нафар шогирди педагогика фанлари бўйича номзодлик диссертацияси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) педагогика

фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Шукурулло Мардонов кўп йиллик илмий педагогик фаолияти давомида 36 нафар тадқиқотчининг илмий диссертацияларига расмий оппонент бўлди.

Устоз Шукурулло Мардоновнинг бугунги кунга қадар 4 та ўқув қўлланмаси, 10 та монографияси, 24 та ўқув-методик қўлланмаси, 300 дан зиёд илмий мақолалари, 28 та илмий-оммабоп мақолалари чоп этилди. Шунингдек, у 38 та илмий монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган.

Бугун ўзининг исми ва жисмига монанд муборак 70 ёшлик шукрона тўйини нишонлаётган серқирра устозга садоқатли шогирдлари сифатида Яратгандан устозга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, фарзандлари, неваралари, яқинлари ва шогирдлари даврасида кўп йиллар фаолият кўрсатишларини сўраб қоламиз.

Сизга таъзим, устоз!!!.

ДАДАЖОНИМ ТАФТИН СОҒИНИБ...

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори (DSc) Ботирова Шахло Исамиддиновна

Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир.
(Абдулла Авлоний)

Устоз – бу сўз нақадар пурмаъно ва сермазмундир. Бу сўзни эшитганда қалблар жунбушга келиб, кўнгиллар ёришиб кетади. Устоз ўзидан олдинги ўтган одамлардан ибрат олиб, устоз бўлганлиги учун, ўзидан кейинги шогирдлари учун ҳам ибратдир. Ҳақиқий устоз эртага қайғуга сабаб бўладиган амалларни ўргатмайди. Устознинг мақсади ҳамиша эзгулик билан йўғрилган бўлиши мисоли соҳили йўқ уммонга ўхшайди.

Устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевич – ана шундай соҳили йўқ уммон, софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устозга меҳрим бисёр. Устоз – бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб қўри-ю, меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш инсондир.

Устозга ўзгача меҳрим борлигининг яна бир сабаби, улар дадажоним Икромов Исомиддин Икромович билан бир олий даргоҳда 20 йилдан зиёд ҳамкасб бўлиб бирга фаолият кўрсатганлар. Ва доим дадажонимдан устоз ҳақида доим илиқ фикрлар эшитиб вояга етганман. Ҳар бир кишининг отаси фарзанд учун улуғлиги муқаррардир. Устознинг болаларча беғубор табассумлари, инсон қалбини оғритиб қўймаслик учун танбеҳ берганларида ҳам жуда гапларни нозиклик билан териб-териб гапиришлари ва ундан керакли маънони чақиб олишимизни ўзимизга ҳавола қилишлари худди дадажоним қиёфасини ёдимда гавдалантиргандек бўлади. Дадажоним 63 ёш – пайғамбар ёшида (2015 йил)да бизни тарк этдилар. Ўзим хоҳламасам-да, оиланинг эрка фарзанди энди тўнғич фарзанд каби масъулиятли бўлишимни тан оладиган дамлар келди.

2018 йилда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика инсти-

тутида иш фаолиятимни давом эттирдим. Ишлаш жараёнида устоз Шукурулло Қўлдошевични кўриб қолдим ва ёнларига саломлашгани бордим. Саломлашиш жараёнида устоз ҳам шу институтда ишлашларини билдим. Ич-ичимдан қувондим (устознинг жуссалари, ним табассум билан қарашлари, сочларига оралаган оқлик, инсон қалб оғриғидан қўрқиши, инсон қалбининг биринчи ўринга қўйиб сўзлашлари) ҳудди дадажонимнинг қиёфаларини эслатар эди. Устоз билан дадажонимни хотирладик. Чин одамийлик фазилатларини ўргатган устоз - ҳақиқий устоздир.

Ҳар йили 16 июнь – дадажонимнинг таваллуд айём кунларига тайёргарлик менга фарзанд сифатида бошқача завқ берар эди. Дадажоним учун нимадир харид қилишлар... Аммо *"инсон умри бир пиёла сув каби"* экан, 2015 йил яқин инсоним, ишонган тоғим дадажонимларни йўқотишим қалбимда аламли сўнмас изтироб қолдирди.

Устоз ва мураббийлар байрамига устоз Шукурулло Қўлдошевичга совға олиш учун бозорга йўл олдим. Биласизми, устозга совға танлаб яна ўша завқни, худди дадажоним учун харид қилгандек ҳисни туйдим. Чиройли витровка олдим. Устознинг хоналарини эшигини секин тақиллатиб, ичкарига кирдим. Устозга совғани яхши тилаклар билдириб бердим. Устоз менга "Қизим, нима кераги бор бундай оворагарчиликни?", - дедилар. Ман 2015 йилдан бери дадажонимга нарса харид қилишни соғиниб юрганимни ва устозга раҳмат айтиб, устозга харид қилиш жараёнида яна ўша завқни ҳис қилганимни билдирдим. Қўярда қўймай устозга витровкани кийдирдим. Устозга аталгандек, махсус буюртма асосида тайёрлангандек лойиқ келди (кўнглимда роса қувондим). Эй воҳ, устоз харидимдан қувониб, гўё дадажоним фахр туйғуси билан менга қараб турган нигоҳларини устоз нигоҳларида кўрдим. Фарзандлик соғинчимни устоздан яшира олмадим. *"Устоз, майлими сизни бир марта қучоқласам? Жуда-жуда дадажонимни тафтларини соғиндим"*, - дедим. Устоз Шукурулло Қўлдошевич менга табассум билан қараб *"албатта, қизим"*, - дедилар.

Эл орасида "Устоз фақат яхши, самимий, саховатли ва билимдон одамлардангина етишиб чиқади", - деган нақл бор. Шукурулло Қўлдошевич ана шундай фазилатларга эга устоздир. Умрингиз зиёда бўлсин, УСТОЗ!

ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ УСТОЗ

Самарқанд давлат чет тиллар институти филология фанлари бўйича фалсафа доктори Кенжаев А.Л.

Ватанимиз мустақилликка эришганига чорак асрдан зиёдроқ вақт ўтди. Шу қисқа давр мобайнида қилинган ишлар, эришилган ютуқларимиз салмоғи деярли бир асрга тенглигига гувоҳмиз. Мана шу муваффақиятларга эришишимизда юртимиз олимлари ҳам муносиб ҳисса қўшганлигини ўйлаб, кўнглимизда ўзгача фахр, мамнунлик туямиз.

Устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевични талабалик, яъни 1991 йилдан буён танийман. Ўша даврдан кейинги ўттиз йиллик фаолиятидан ҳам деярли хабардорман. Шундан келиб чиқиб ҳеч бир таъмасиз ва миннатсиз фидойи инсон, жонкуяр, камтарин ҳамда бағри кенг, ўз касбининг билимдони бўлган устозим тимсолида у кишидан таълим олган талабалар ҳам мустаҳкам билим олганликларига, ватанимиз илм-фани ҳам бойиб борганига гувоҳлик беришга ҳақлиман. Самимий, камтарин, бебаҳо устоз ҳалоллиги, хушмуомалалиги, билимдонлиги билан республика илмий жамоатчилиги ва ўзи ишлаган жамоа ўртасида, қолаверса, талабалар орасида ҳам юксак ҳурмат-эътиборга сазовор. Мен олий таълим даргоҳининг ўқув хоналарида Устознинг дарсларини тинглашдек саодатга мушарраф бўлганман. Ўша даврларда, яъни 1980-1990 йилларда у киши Жиззах давлат педагогика институтининг

рус тили ва адабиёти факультети декани лавозимида ишлаш билан бир вақтда юқори курс талабаларига Современный русский язык фанидан машғулотлар олиб борар эдилар. У пайтларда Рус тили ва адабиёти факультети дейилганда кишилар наздида жуда бир обрўли мутахассислик назарда тутилар эди. Оддий қишлоқдан етишиб чиққан инсон рус тили ва адабиёти фани бўйича етук мутахассис бўлиш, қолаверса ҳақиқий русийзабон кишилар билан бир жамоада ишлаш, шу билан бирга бундай жамоага раҳбарлик қилиш фақат Оллоҳ назари тушганларгагина насиб этади. Устоз номи билан нашр этилаётган йирик тадқиқотлар, рисолалар ва мақолалар у кишининг шуҳратини ошириб келмоқда. Домладаги чуқур билимдонлик, донишмандлик у киши раҳбарлик қилаётган жамоада тотувлик ва бирдамлик бўлишига, ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этилишига, талабаларга пухта, теран билим беришга, уларнинг маданий савияси ва дунёқарашини ҳар томонлама кенгайтиришга имкон беради.

Ғаллаорол фарзанди, қадрли олим Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг илмий-педагогик фаолиятига муваффақиятлар тилаб қоламан.

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ҚАЛБ ЭГАСИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Тиллар факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуллаева Ш.А.

Мен педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Мардонов Шукурулло Қўлдошевични 2005 йилдан бери, докторлик диссертациямни ҳимоя қилаётган вақтдан бери танийман. Ушбу илмга чанқоқ қалб эгаси неча-неча аспирантларга, тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиб, ўзининг илмий ва интеллектуал зиёсини таратаётганидан фахрланаман.

Шукурулло Қўлдошевич Мардонов республикамизда кўзга кўринган забардаст олим. Унинг ҳозирги кунга қадар 10дан зиёд дарсликлари ва ўқув қўлланмалари, 10 та монографияси, 24 та ўқув-методик қўлланмаси, 300 дан зиёд илмий мақолалари нашр этилган.

Ш.Қ. Мардонов 1952 йил 20 майда Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилган. Олимнинг ўзбек миллатига мансуб бўлган бағрикенглиги, саховатпешалиги, камтаринлиги, меҳнатсеварлиги ёшларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Илм эгаллашга бўлган ташналик олимни 1974 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, 1979-1982 йилларда СССР Фанлар Академияси Тилшунослик институти аспиранти, 1984-1986 йилларда Жиззах давлат педагогика институти Рус тилшунослиги кафедраси мудири, 1986-1998 йилларда Жиззах давлат педагогика институти Рус тили ва адабиёти факультети декани, 1998-2001 йилларда Жиззах давлат педагогика институти Маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, 2001-2004 йилларда Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, 2005-2007 йилларда Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Педагогика-психология бўлими бошлиғи, 2007-2010 йилларда Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бош илмий ходими, 2011-2014 йилларда Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, директор ўринбосари, шунингдек, Узлуксиз таълим журнали масъул котиби, Халқ таълими журнали бош муҳаррири ўринбосари лавозимларида ишлашга замин яратди.

Шукурулло Қўлдошевичнинг масъулиятлиги, меҳнатсевар-лиги ва илмга бўлган чанқоқлиги боис у 2015-2017 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Педагогика кафедраси профессори ҳамда бугунги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошланғич таълим факультети декани лавозимида фаолият юритиб келишига сабаб бўлган.

Ш.Қ. Мардонов Низомий номидаги Тошкент ДПУ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01рақамли Илмий кенгаш аъзоси; DSc.27.06.2017.Ped.26.01 – рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар аъзоси; Ўзбекистон ДЖТСУ ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Ped.28.01 – рақамли Илмий кенгаш аъзоси; КХТТИРПКМОваУКТ институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.48.01 – рақамли Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар аъзоси сифатида 2007-2018 йилларда фаолият юритган.

Ш.Қ. Мардонов 2019 йилнинг 28 мартидан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD/28.03.2019. Ped.82.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси; 2021 йилнинг 30 апрелидан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат

педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси бўлиб, илм-фан урфонига хизмат қилмоқда.

Ш.Қ. Мардонов 36 нафар тадқиқотчининг илмий диссертацияларига расмий оппонент бўлган.

Мен олимни мевали дарахтга қиёслайман. Мевали дарахт теварак-атрофга, инсонларга қанчалик фойда келтирса, ушбу олим ҳам кўплаб шогирдларини етиштириб, педагогика соҳаси бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишларига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шукурулло Қўлдошевич Ўзбекистон педагогикасида ўзига хос сермаҳсул илм мактабини яратди. Унинг тарбиясини олган фарзандлари, шогирдлари эзгу ишларни давом эттириб келмоқда.

Олим ўз илмий ишлари ва фаолиятида соҳадаги муаммолар ечимини топишга, рақобатли ва сифатли кадрлар, юксак маънавий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратади. Унинг китоблари ва рисолаларида рақобатли кадрларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришга катта урғу берилади.

Бутун умри давомида Ш.Қ. Мардонов таълим, тарбия муаммолари ва уларнинг ечимларини топишга ҳаракат қилиб, ўнлаб дарслик ва монографиялар чоп эттирди.

Унинг ёшларга намуна бўлувчи инсоний фазилатлари: камтаринлик, ширинсўханлик, инсонлар қалбига йўл топа олиш фазилатлари жамоа аъзолари, ҳамкасабалари, кенг жамоатчилик ўртасида қадрланиб келмоқда.

Мен педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Бошланғич таълим факультети декани, самимий Инсон Мардонов Шукурулло Қўлдошевични табаррук **70** йиллик юбилейи билан чин қалбдан табриклайман. Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб, “Ҳорманг, домла!” – дейман.!

ОЛИМЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Бундан анча йиллар муқаддам, илмий тадқиқот мавзуим юзасидан ёзилган мақолани Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига устозим Холбой Ибрагимовга кўрсатиш учун бордим. Устозимни фойеда кутар эканман, шогирдлари қуршовидаги забардаст, зуваласи пишиққина ёш олим кириб келди. Уларга салом бериб четга ўтдим. У пайтлар шундай даврлар эдики, илмий раҳбарнинг бир оғиз хулосасини олиш учун телефон қилинмас, ёки интернетдан кўриб бериладиган материалларни ташланмас эди. Ҳамма қўлёзмалар сақланар ва улардаги хатолар, албатта, қизил билан текширилар эди. Илмий раҳбаримни сабр билан узоқ кутганим, ёш олимнинг назарларидан четда қолмади, шекилли. Аста яқинлашиб кимни кутаётганимни сўрадилар. Мен ҳам устозимни кутаётганимни, уларга олиб бораётган тадқиқот ишим юзасидан хулосаланган мақола олиб келганимни тўлқинланиб айтиб бердим. Барча гапларимни диққат билан эшитган устоз-олим, истасам илмий тадқиқот ишимни ўқиб чиқиб, текширишларини ва ўз хулосаларини беришларини айтдилар. Беҳад хурсанд эканлигимни ва қачон ҳабар олишим кераклигини сўрадим. Устоз-олим эса икки кунлар ичида ўқиб чиқишларини айтдилар. Беихтиёр ажабландим, бир стол устидаги илмий тадқиқот ишимнинг қўлёзмасига ва бир устозга қарайман. Нега ҳайрон бўлганимни яширишга уринмай устозга рўйи-рост гапира бошладим. Тайёр ишларни илмий раҳбарлар кўриб бериш учун икки ой уч ойлаб суришларини сиз эса менинг ишимни ҳеч қандай манфаатсиз икки кунда ўқиб бермоқчи эканингиз мен учун энг улкан имкониятдир деган эдим устозга.

Кўнглим ғурур ва ифтихорга тўлиб, институтдан чиқиб ўзўзим билан суҳбатлашиб анча йўл юриб қўйдим. Орада икки кун икки асрдек ўтди. Айтилган вақтга ЎзПФИТИга шошдим. Устоз-олим аллақачон ўз кабинетида яна шижоаткор шогидрлари билан муҳокамалар устида эди. Устозни кута бошладим, шу вақт

шогирдларидан бири бўлган Бухоролик Акбар исмли бир йигит келди:

- Табриклаймиз! Ҳимоя қачон? Устоз кўрган илмий иш бир ойга қолмасдан ҳимояга тавсия этилади! Ҳимояга тайёрланаверинг! – деди жилмайиб. Юрагим яна ҳапқириб кетди.

Олимлик остонасида турган бўлсам-да, ҳали унинг юки қандай бўлишини тасаввур қила олмас эдим. Шундан сўнг устоз-олим мени ўз кабинетларига чорладилар. Не кўз билан кўрайки, икки кун олдин ташлаб кетилган илмий тадқиқот ишимнинг ҳамма сахифалари текширилиб, ўз хулосалари ёзилган, хато ва камчиликлар кўрсатилган эди. Шундан кейин чет эл сафарига кетган илмий-раҳбарим билан илмий ишимни охирига еткиздик. Аммо мени ҳаётнинг энг жадал пайтида қўллаган, илмий тадқиқот ишимга меҳр уйғотган ўша ёш, забардаст, замонасининг таниқли олими Шукрулло Қўлдошевич Мардонов эди.

Устоз билан илм ва ҳаёт йўлида йўлларимиз кўп кесишди. Шукрулло Мардонов нафақат менинг балки юзлаб шогирдларнинг олимлик йўлидаги ёркин машъала бўлди. Бугун устознинг учинчи авлод шогирдлари ҳам ўзлари билан биргаликда талаба-ёшларга ҳаёт ва илм йўлидан сабоқ бермоқдалар.

ЕТМИШ ЁШИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗИМ!!!

Буюклар таваллуди – буюк бўлади,
Ер ва Осмон ўша кун нурга тўлади,
Ёнингизда бўлишдан қалб суюнади,
Етмиш ёш муборак, Шукрулло устоз!!!
Дарғалик ярашар ҳар ишда Сизга,
Тирик маёқ бўлдингиз ўғил-у қизга,
Сиз-ла замондошлик бахт эрур бизга,
Етмиш ёш муборак, Шукрулло устоз!!!
Улуғсиз, устозсиз, олимсиз албат,
Шогирдлар қалбига Сиз ғурур фақат,
Тилаймиз соғлиг-у, умр ва омад,
Таваллуд муборак, Шукрулло устоз!
Яна минг йил бўлинг Сиз бизга эъзоз!

“Педагогика ва менежмент” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент Ф.У.Жуманова

ҲАР БИРИМИЗ УЧУН УСТОЗ КЕРАК!!!

Умаралиева Мухайё,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти "Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш" бўлими мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Маълумки, бу дунёнинг ривожланишида инсониятнинг тараққий этишида устознинг ўрни беқиёс. Қуёш нуридан барча бирдай манфаат кўрганидек, устозларнинг маърифати бутун башариятга наф келтиради. Абдураҳмон Жомий ҳазратлари айтганларидек:

Устоз, мураббийсиз қолганда замон,
Зулумотдан қора бўларди жаҳон.

Доно халқимиз *"Таълим берган устозингга раҳмат"*, *"Устоз-отангдек улуғ"*, *"Уста борида қўлингни тий, устоз борида тилингни"*, *"Уста бўлсанг, устозингни унутма"*, *"Устозингга тик қарасанг тўзасан, ҳурмат қилсанг аста-аста ўзасан"*, деб бежиз айтишмаган.

"Устоз" сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий, раҳнамо, ўқитувчи, муаллим деган маъноларни англатиши ёзилган. Демак, "устоз" номи кенг маъноли сўз бўлиб, бу номга муяссар бўлган кишига ҳар томонлама юксак масъулият юклатилади. Шунинг учун ҳам халқ орасида устозлар ҳурмати тўғрисида кўплаб ибратли нақллар бор. Бунинг маъноси шуки, ҳар қандай касб соҳиби устозсиз шаклланмайди, ҳаётдан ўз ўрнини топа олмайди. Албатта, бу сўзлар тўғри.

Мардонов Шукурулло Кўлдошевич "Устоз" сўзига лойиқ инсон.

Инсон умри қанча йил яшагани билан эмас, балки Ватанга, халққа, элга қанчалик хизмат қилгани билан ўлчанади, дейишади. Ҳақ гап. Бугун Сиз табаррук 70 ёшни нишонламоқдасиз. 70 йиллик умрингиз чинакам жасорат, фидойилик ва эзгуликларга тўла.

Бор истеъдод ва маҳоратингиз, инсоний фазилатларингиз ҳамда тажрибагизни ишга солиб, халққа маърифат ҳамда зиё улашиш йўлида беминнат хизмат қилаётган Сиз, азиз устозни қутлуғ 70 ёшингиз билан муборакбод этаман.

Сиз туфайли билим олиб, касб-ҳунар эгаллаган, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлаётган шогирдларингиз эҳтиромини қабул қилинг!

Умрингиз узоқ бўлсин азиз устоз!

ЭЛ ЮРТ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА ИНСОН

Бухоро давлат университети педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент Сатторов А.Э.

Инсоннинг дунёга келиши ва унинг яхши ҳаёт кечириши учун моддий жиҳатдан ота-онанинг ҳиссаси катта бўлади. Лекин маънавий томондан баркамол бўлиши учун устозларнинг ўрни алоҳида. Шу сабаб халқимизда "Устоз отангдек улуғ", - деган ҳикматли гап бекорга айтилмаган. Инсоннинг икки дунёда саодатли бўлиши учун ҳам устозларнинг хизмати беқиёс. Устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдузлар. Улар туфайли инсонлар тўғри йўлни топади ва жаҳолат зулматларидан омонлик қирғоғига етишади.

Бугунги кунгача ўзбек халқининг маънавий–маърифий соҳасида, жумладан, ўзбек педагогикасига улкан ҳисса қўшган азиз инсонлардан бири бўлган, меҳрибон устоз, жонкуяр мураббий педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов. Шукурулло Қўлдошевичнинг **70 йиллик** айёмлари муносабати билан устоз ҳақида ва у инсоннинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий фаолиятига қисқача тўхталишни жоиз деб топдим.

Мен илмий-тадқиқот фаолиятимни даслабки кунларидаёқ, 2011 йил устоз Шукурулло Қўлдошевич Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, директор ўринбосари, "Узлуксиз таълим" журнали масъул котиби, "Халқ таълими" журнали бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб юрган вақтларида менга илмий маслаҳатчи сифатида розилик билдириб, тадқиқотимда кўзланган мақсадга эришишим учун беминнат йўлбошчи сифатида хизмат қилдилар. Устознинг энг аввало ёшларга, шогирдларга, қўл остида фаолият олиб борадиган ходимларга нисбатан меҳрибон, софдил, ўта мулойимлик билан муносабатда бўлишлари мени илмга бўлган иштиёқимни янада ошишига сабаб бўлди.

Мен илм соҳасида изланишим учун устоз ўз маслаҳат ва тажрибаларини бўлишишдан ўз вақтларини аямай ҳаёт тўсиқлардан бирма-бир ўтиш учун кўприк вазифасини бажардилар десам, адашмаган бўламан. Устознинг ҳаёт фаолияти, Ўзбекистон илм-

фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини, жумладан, бугунги кунга қадар устоз раҳнамолигида 13 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторларини етишиб чиқиши, кўплаб илмий адабиётлар, 10 дан ортиқ монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар мисолида кўришимиз мумкин.

Илм соҳасида тиниб-тинчимас олим Шукурулло Қўлдошевич 2019 йилнинг 28 мартидан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD/28.03.2019.Ped.82.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси (ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАКнинг 28 март 2019 йилдаги № 22 қарори); 2021 йилнинг 30 апрелидан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси (ЎзР ВМ ҳузуридаги ОАКнинг 30 апрель 2021 йилдаги № 182 қарори) ва ушбу илмий даражалар берувчи кенгашда мамлакатимиз педагогика соҳаси ривожи учун 40 га яқин олимлар ўз илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар ва улар орасида мен ҳам 2019 йил 20 декабрда устоз раҳбарлигида ўз диссертация ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Қўлдошевич дилкаш, ширинсухан, софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устоз ҳақида кўп ва хўп сўзлаш, ёзиш мумкин. Устоз сиз ҳақингизда сўз кетганда беихтиёр ҳазрати Алишер Навоий бобомизнинг ушбу сўзлари ёдимга тушади:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин минг ганж ила.

Устоз Шукурулло Қўлдошевич, **70 йиллик** айёмингиз муборак!

КАМТАРИНЛИК ВА САМИМИЙЛИК СИЙМОСИ

Хурвалиева Т.Л.
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факультети доценти, педагогика фанлари доктори (DSc)

Камтарлик фазилатлари. Камтарлик вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда ўзига бино қўйиш, такаббурлик, салбий иллатлардан ўзини сақлай оладиган ҳикмат ва ақл эгаларининг феъл-атворидир. Бу сифат эгалари камтарликнинг раббоний муҳаббат ва инсоний меҳрни кўзониш, ўзгалар қалбидан жой олиш ва уларни ўзига камарбаста бўлишларидаги аҳамиятини яхши биладилар.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимига салмоқли ҳисса қўшаётган, бир қанча шогирдлар тайёрлаб олимлар сафидан ўрин олишларига сабабчи бўлган устозимиз Мардонов Шукурулло Қўлдошевични ***камтаринлик сиймоси*** деб биламан. Устоз билан 2006 йилда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида жойлашган аспирантлар уйида илк бора учрашганман. Устоз ўша вақтда докторлик диссертацияси ҳимояси арафасида юрган эканлар. Аспирантлар уйида таваллуд кунлари нишонланар эди. Бир куни аспирант дўстимизни таваллуд кунини нишонлаш учун барчамиз йиғилдик. Устозни ҳам таклиф қилдик. Ҳали биз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилмаган, илм йўлида анча-мунча қийинчиликларни тушунмаган давримиз эди. Барчамизга илм соҳасида ўзлари ўтказган ҳаётий тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар. Қанақа савол берсак, камтарлик ва самимийлик ила жавоб берди. "***Илм қилиш бу – игна билан қудуқ қазиш кабидир",*** - дедилар сўзларининг якунида. Таваллуд кунини нишонлаётган дўстимизга барчамиз эзгу тилаклар билдирдик. Шунда устозга ҳам дил изҳорини айтиб "доимо орамизда оғизбирчилик бўлсин", - дея якунладилар. Барчамиз ***устоз бу нима дегани?*** - деб юзландик. Шунда устоз "аспирантлар ва олимлар орасида доимо ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат, бирлик бўлсин"- дея жилмайибгина изоҳ берди.

2017 йил август ойида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига ишлаш учун келдим. Коридорда "Педагогика" кафедрасини қидириб юрсам, кабинет эшиги очиқ ҳолда устоз ишлаб ўтирган экан. Хонага кирдим, табассум билан қарши олдилар, анча суҳбатлашдик, шу институтда ишламоқчиман, дедим. Устоз самимийлик билан "*албатта ишга оламиз, факультетда илмий салоҳиятни ошириш жуда зарур, ҳозироқ ишга кириш учун ариза ёзинг*" дедилар. Мана 2017 йилдан буён биргаликда таълим тизимида фаолият юритиб келмоқдамиз. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич институтнинг забардаст олими ва малакали раҳбари. Устознинг раҳбарлик фаолиятидан ибрат олсак арзийди, жамоада ўз ўрни ва мавқеига эга, бағрикенг инсон.

Устоз, қуйида келтирилган мисра Сизга аталган, дейишим мумкин.

Шундай умр кўрингки, бўлинг ундан миннатдор,
Яхши кунлар Сиз томон навбат кутсинлар қатор.
Бахт ва шодлик талашсин, эшигингизда зор-зор,
Сиз буларга лойиқсиз доим бўлинг бахтиёр.

Қадрли Мардонов Шукурулло Қўлдошевич! Сизни қутлуғ ёшли баҳорни қаршилаётганлигингиз билан муборакбод этаман. Доимо шогирдларингиз ардоғида бўлинг. Сизга узоқ-умр, соғлик-саломатлик тилайман!

ПЕДАГОГЛАР УСТОЗИ

Жиззах давлат педагогика институти,
доцент Раббимова Ф.Т.

Шогирд агар шайхулислом, вар қозидур,
Агар устоз андин рози – Тенгри розидур.
Алишер Навоий

Илм бебаҳо бойлик, уни эгаллаш осон иш эмас. Уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Инсон шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устознинг ўрни беқиёс.

Устозлар ҳақида гап борганда ҳазрат Алишер Навоийнинг бу байтларидан ошириб бир сўз айтмоқ мушкулдир:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Устозлар ҳақида сўз юритилар экан доимо Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги ҳикоя ёдимга тушади. У ишғол қилган юртининг тахтига биринчи бўлиб устозини ўтказар экан. Бир куни ундан: "Нима учун бундай қиласиз?" деб сўрашганда: "Ота-онам туғилишимга, устозим эса юксалишимга сабабчи бўлганлар", деган экан.

Пошшахожа ҳам устозларнинг меҳнатисиз ҳеч ким юксала олмаслигини айтиб, Искандарнинг ўз устозига бўлган ҳурматини келтириб ўтган:

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззу жоҳ,
Нечаким ҳашамат била Искандари даврон эрур.

Дарҳақиқат, биз эришган ҳар бир ютуқда устозларимизнинг ҳиссалари мавжуд.

Ер юзида жамики инсон борки, унинг камолотида, шахс сифатида шаклланишида ва жамиятда ўз ўрнини топишида Сиз азизларнинг меҳнатингиз, ўрнингиз беқиёс. Заҳматкаш, фидойи муаллим ва ўқитувчилар ўз шогирдларига нафақат билим берадилар, балки улар қалбига инсонга хос эзгу фазилатларни сингдириб борадилар. Ўқувчиси меҳр-оқибат, садоқат, меҳнатсеварлик сингари хислатлар билан улғайишини истаб турли панд-насиҳатлар беради, тўғри йўл кўрсатади. Худди ота-онамиз каби кичик ютуқларимиздан қувонади, биздаги кўринмас иқтидорни, қобилиятни илғай олади, уни ри-

вожлантиришга ҳаракат қилади.

Илм олиш ва уни тарқатиш юксак савобли иш экани тўғрисида Қур'они Каримда, Ҳадиси шарифда кўплаб оят ва ҳадислар келгандир. Шулардан бирида Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм тарқатувчиларга яъни устозларга шундай таъриф бериб, улар эришадиган савобларнинг жуда катта экани ҳақида қуйидагича баён қилганлар.

Имом Байҳақий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Сизларга сахийлар сахийсининг хабарини берайми? Сахийларнинг сахийси Аллоҳдир. Мен одам боласининг энг сахийсиман. Мендан кейин сиздан энг сахийингиз, илм ўрганиб, илмини тарқатган одамдир. У қиёмат куни ёлғиз ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади", деганлар.

Албатта, устозлар мана шундай юксак мукофотларга лойиқ зотлардир.

Бу сўзлар замирида, ўз ҳаётини таълим-тарбияга бахшида этган фидойи инсонда олам-олам маъно мужассам: барчанинг маънавий ота-онаси; илму маърифатга йўлловчи, зиё тарқатувчи; энг яқин дўст ва йўл кўрсатувчи; меҳр ва одамийлик булоғи; ўз соҳасининг зукко билимдони; адолат ва ҳақиқат мезони. Устозлар ҳурматга, қилган хизматлари эса таҳсинга сазовордир.

Ривоят қилинишича, имом Бухорий (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳазратлари Маккаи Мукаррамада таълим бераётган чоғда бир зиёратчи Бухорои Шарифдаги устозлардан салом ва мактуб келтиради. Бу хабарни эшитган Имом Бухорий (р.а.) Бухорои Шариф томонга юзланиб, саломига алик олганларича ҳурмат бажо келтирадилар, сўнгра мактубни икки қўллаб олиб, табаррук қилиб, эҳтиром билан хатни ўқиган эканлар.

Ҳа, устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нур-у зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъи назар, сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда. Ҳазрат Навоий айтганларидек, Ҳақ йўлида бизга минг ранж-у қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганж билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг меҳнатлари беқиёс ва беназир.

Чиндан ҳам, устозлар қалбимизга эзгулик уруғларини сочади,

маърифат сабоқларини беради, меҳр-муҳаббат улашади. Биз эришаётган улкан ютуқларимиз, қўлга киритаётган ғалабаларимизда уларнинг ҳиссаси катта. Шу сабаб, уларни мудом шарафлагимиз, ардоқлагимиз келади.

Умуман олганда, ҳаётда турли йўналишларда ютуқларга эришиб келаётган, юксак марраларни забт этаётган ёшларнинг муваффақиятида табиийки, устозларнинг беминнат меҳнатлари самараси мужассам. Зотан, йиллар давомида берилган таълим-тарбия, машаққатли меҳнат меваси вақт ўтиб ана шундай ҳосил беради.

Шукурулло Мардонов Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ташкил топган кунлардан бошлаб шу олийгоҳда салкам 30 йил фидойилик кўрсатиб, турли раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Домла ўқитувчи, кафедра мудири, факультет декани ва институт проректори лавозимларида кўп йиллар самарали меҳнат қилди.

Унинг бу соҳада эришган ютуқларидан нафақат Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари баҳраманд бўлди, балки Республикамиздаги олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларига ҳаётий қўлланма бўлди. Раҳбар лавозимларида ишлаган даврда у билан ёнма-ён меҳнат қилган ҳамкасблари унинг характеридаги интизомлилик, ўзига нисбатан талабчанлик, ташкилотчилик, камтарлик сифатлари билан ҳурматга сазавор бўлганлигини мамнуният билан таъкидлашади.

Шунингдек, яқинлари у кишини оилапарвар, меҳрибон ота, бобо ҳамда бағрикенг, меҳр-оқибатли инсон деб таърифлашади.

Мен ҳам шогирд ва ҳамкасб сифатида у киши ҳақида муайян хулосаларга келдим, бир қатор инсоний фазилатларни кўрдим ва ибрат олдим. Улар қуйидагилардан иборат: кундалик фаолиятидаги камтарлик, кечиримлилик, диёнатлилик, дўстларга садоқатлик ва эътиборлик, ҳамкасбларга меҳрибонлик, самимийлик ва саховатлилик, тўғри сўзлик ва иймони бутунлик, ҳаётда елкадошлик ва ҳамфикрлилик, илмий соҳада дунё тан олган кенг қамровли олимлик, шогирдларига нисбатан талабчанлик, педагогик фаолиятда моҳир ташкилотчилик ва фидойилик-буларнинг ҳаммаси Шукурулло ака Мардановга хос энг юксак инсоний фазилатлар, дейишим мумкин.

Мен Шукурулло Мардоновнинг раҳбарлигида 2014 йил "Ўқув-

чиларни табиат эстетикасини англашга ўргатишга бўлғуси биология ўқитувчиларини тайёрлаш методикаси” номли монографияни, 2016 йил “Биология ва уни ўқитиш методикаси фанидан лаборатория машғулотлари”, “Биология ўқитиш методикаси”фанидан ўқув қўлланмаларни, 2021 йил “Бўлажак биология ўқитувчиларида бадиий эстетик компетентликни ривожлантириш технологияси” номли монографияларини чоп эттирдик. Ҳозирда ҳам юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда ўзининг улкан ҳиссаларини қўшиб келаётган илм-фан фидойиси бугун ўзининг қутлуғ 70 ёшини қаршиламоқда.

Сизни қутлуғ ёшингиз билан ўз номимдан ва ҳамкасбларингиз номидан чин юракдан табриклаймиз. Оилангиз, ҳамкасбларингиз, яқинларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Эл хизматида бўлиб, юртига муносиб хизмат қилаётган атрофидагиларга яхшилик улашишга интилиб келаётган ҳамкасбимизга соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, мана шундай қувончли кунлар бардавомлигини тилаб қоламиз.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Жиззах давлат педагогика институти Умумий педагогика кафедраси мудири, доцент Кушвактов Н.

Устоз! Муаллим! Бу сўзлар нақадар ёқимли ва сержило. Устозлар тўғрисида ниманидир эшитганда инсон қалби тўлқинланиб кетади. Бунинг сабаби бу сўзлар бизларни болаликка етаклайди. Болаликнинг соф, самимий, дилкашлик даври устозлар билан ўтади. Шунинг учун ҳам улар бизга доимий равишда буюклигини намоён қилиб туради. Буюкликнинг мезони эса оддийликдир. Дарҳақиқат, Шукурулло Қўлдошевич Мардонов тўғрисида гап кетганда, у инсоннинг фазилатлари бирин – кетин намоён бўла бошлайди. Қайси бир фазилатидан бошлаб, қайси биридан тугатишни билмай қоласан. Устознинг ҳар бир босган қадамига, ҳаёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, эзгуликни кўрамиз. Эзгулик инсонга хос бўлган фазилатдир. Бироқ унга доимий равишда ҳамроҳ бўлиш ҳаммага ҳам эмас. Эзуликка дўст бўлган инсонлардан бири Шукурулло Қўлдошевич Мардоновдир!

Биринчи устоз бу – Борлиқнинг эгаси, файз-у карамлар соҳиби, яратган Эгамиздир. Оллоҳимиз Одам алайҳиссаломни яратиб, унга барча нарсаларни билиб олиши учун таълим берди. Одам алайҳиссалом орқали инсонларга илмдан хабар берди. Пайғамбарлар орқали эса Ўзига мафтун қилди ва ҳақ йўлига чорлади. Сўнгра эса олимларни пайғамбарларга меросхўр қилди. Шундай меросхўрлардан бири, албатта, устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевичдир. Устоз педагогика фанлари доктори, профессор. Бугунги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошланғич таълим факультети декани лавозимида фаолият юритмоқда. Устоз мени ишга олган пайтлари Жиззах давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультети декани бўлиб ишлар эди.Иш жараёнида бирон марта қаттиқ гапиргани, дашном берганини эслай олмайман.

Устоз – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич – бутун кучини, ақл-идрокини, билим ва зеҳнини, меҳрини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш олимдир. Сўзимнинг исботи сифатида қуйидагиларга эътибо-

рингизни қаратмоқчиман.

Ўтган йиллар мобайнида домланинг 13 (ўн уч) нафар шогирди – Акбар Гулбоев 2010 йил педагогика фанлари номзоди, 2017 йилда икки нафар Абдуназар Нурманов педагогика фанлари доктори (DSc), Рахим Ярматов педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 2018 йилда Ф.Т.Раббимова педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 2019 йилда уч нафар Б.Миркомилов педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc), М.А.Тилакова, А.Э.Саттаров педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 2021 йилда тўрт нафар Г.Т.Куттибекова, И.А.Юлдашев, У.С.Шерматова, О.М.Жабборова педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Шу билан бир қаторда устоз кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий диссертацияларига расмий оппонент бўлган. Шундан кўриниб турибдики, устоз доимий равишда шогирдлар тайёрлаш билан банд. Албатта, ўқитувчилик жуда ҳам машаққатли, юксак сабр ва матонат талаб қиладиган касб, шу сабабли ҳам унинг ажру савоби беқиёсдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўз ҳадиси шарифларида устознинг мақомини таърифлаб, шундай марҳамат қилганлар: “Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару-ерлар аҳли, ҳатто инидаги чумоли ва ҳатто денгиздаги балиқ ҳам инсонларга яхшиликни таълим берувчи инсонга саловот айтадилар” Сунани Термизий.

Бурҳониддин Марғиноний шундай ҳикоя қиладилар: “Бир куни Бухоронинг олимларидан бири илм даргоҳида шогирдларига дарс бериб ўтирар экан, дарс асносида гоҳ-гоҳ ўрниларидан туриб, сўнг яна қайта ўтирарди. Бу ҳол бир неча бор қайтарилгандан сўнг, шогирдлари бунинг сабабини сўрашди. У зот: “Устозимнинг кичик ёшли ўғли болалар билан кўчада ўйнаб юрибди, гоҳида эшик олдига келяпти, ҳар келганида устозимга ҳурмат ўлароқ ўрнимдан туряпман,”- деб жавоб берганлар”.

Мен ҳам ана шундай фазилатларни шахсан устозимиз Мардонов Шукурулло Қўлдошевичда кўрганман. Шунинг учун ҳам устозга таъзим ила умрингиз узоқ бўлсин, дейман.

ПЕДАГОГЛАР УСТОЗИ

Жиззах давлат педагогика институти Усмонов А.Н.

Нақл қилишларича, бир подшонинг бир бандага иши тушибди. Подшо хурсанд бўлиб: “Раҳмат, кўнглимни олдинг, Аллоҳ сени ҳам хурсанд қилсин. Учта тилак тилагинки, мен уларни бажо келтирай ва сенинг ҳам кўнглингни олай”. Банда подшоҳдан янги уй-жой, ҳовли сотиб олиб беришни сўрабди.

Тилаги бажо келтирилибди. Мен, подшоҳи олам, сўққабошман, - дебди. Банда подшога қараб, ҳузурига иккинчи бор келганда.

- Мени севган қизим бор, шунга тўй-тамошо қилиб уйлантириб қўйсангиз. Уни уйлантириб қўйишибди. Банда учинчи бор подшо ҳузурига келганда тилаги қабул бўлмай орқага қайтибди. У подшоҳи оламдан ўзини эл орасида машҳур бўлиб кетишини сўраган экан.

- Кишини машҳур қилиш менинг қўлимдан келмайди, мен ҳам сенга ўхшаган бир фоний бандаман.

Бу иш фақат Аллоҳ таолонинг қўлидан келади. Шунда ҳам, у ўзи суйган бандаларни машҳур қилади.

Айтишларича, орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг оқар сувдек ҳаётда эришаётган ютуқларини кўриб қувонасан киши. Мана шундай инсонлардан узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган устоз, олим, фан доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ҳисобланади.

Мен Шукурулло Мардонов билан Жиззах давлат педагогика институтга ишга келган йилдан буён танишман. У пайтлар ҳар иккаламиз ёш, навқирон эдик. Институтда салкам 25 йил бирга ишладик. У даврларда ёшларга мураббий қилиш билан бирга пахта теримида ҳам, пахта чопиқ ишларида ҳам талабалар билан бирга бўлардик. Биз бу даврларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаб яхши ишлашдик.

Шукурулло Мардонов Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ташкил топган кунлардан бошлаб шу олийгоҳда салкам 30 йил фидойилик кўрсатиб, турли раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Домла ўқитувчи, кафедра мудири, факультет декани ва институт проректори лавозимларида кўп йиллар

самарали меҳнат қилди.

Унинг бу соҳада эришган ютуқларидан нафақат Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари баҳраманд бўлди, балки Республикамиздаги олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларига ҳаётий қўлланма бўлди. Раҳбар лавозимларида ишлаган даврда у билан ёнма-ён меҳнат қилган ҳамкасблари унинг характеридаги интизомлилик, ўзига нисбатан талабчанлик, ташкилотчилик, камтарлик сифатлари билан ҳурматга сазавор бўлганлигини мамнуният билан таъкидлашади.

Шунингдек, яқинлари у кишини оилапарвар, меҳрибон ота, бобо ҳамда бағрикенг, меҳр-оқибатли инсон деб таърифлашади.

Мен ҳам ҳамкасб сифатида у киши ҳақида муайян хулосаларга келдим, бир қатор инсоний фазилатларни кўрдим ва ибрат олдим. Улар қуйидагилардан иборат: кундалик фаолиятидаги камтарлик, кечиримлилик, диёнатлилик, дўстларга садоқатлик ва эътиборлик, ҳамкасбларга меҳрибонлик, самимийлик ва саховатлилик, тўғри сўзлик ва иймони бутунлик, ҳаётда елкадошлик ва ҳамфикрлилик, илмий соҳада дунё тан олган кенг ҳамровли олимлик, шогирдларига нисбатан талабчанлик, педагогик фаолиятда моҳир ташкилотчилик ва фидойилик-буларнинг ҳаммаси Шукурулло ака Мардановга хос энг юксак инсоний фазилатлар, дейишим мумкин.

Ҳозирда ҳам юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда ўзининг улкан ҳиссаларини қўшиб келаётган илм-фан фидойииси бугун ўзининг қутлуғ 70 ёшини қаршиламоқда.

Сизни қутлуғ ёшингиз билан ўз номимдан ва ҳамкасбларингиз номидан чин юракдан табриклаймиз. Оилангиз, ҳамкасбларингиз, яқинларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Эл хизматида бўлиб, юртига муносиб хизмат қилаётган атрофидагиларга яхшилик улашишга интилиб келаётган ҳамкасбимизга соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, мана шундай қувончли кунлар бардавонлигини тилаб қоламиз.

КАМТАРИНЛИКНИ КАСБ ҚИЛГАН УСТОЗ

Шерматова Умида Сапаевна, Чирчиқ ДПИ доценти

Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур,
Агар Устоз рози бўлса, Аллоҳ розидур.
Алишер Навоий

Жаҳон тамаддуни ривожига ҳисса қўшган буюк файласуфлар ўз қарашларида инсон икки маротаба: бири – жисмоний, иккинчиси – маънавий камолотга эришишини таъкидлаганлар. Маънавий камолот ўзининг мураккаб, узоқ ва қийин кечадиган жараён эканлиги билан биринчисидан устун туради. Кишининг камолотга етишувида устозлар берган тарбия алоҳида аҳамиятга эга. Шогирднинг бора-бора ўз устозига ўхшаб кетиши ҳам айни ҳақиқат. Устозим берган таълим ва тарбия ҳақидаги фикримни шеър билан изҳор қилишни истадим:

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,
Сиз-ку юракларда илк зиё ёққан.
Олимми, шоирми ва ё санъаткор,
Илк бор сизга томон устоз деб боққан
Битта ҳарф дардида риёзат чекиб,
Оқибат кўкка ҳам чиқолган инсон.
Не ажаб сизларни бахтиёр этиб,
Ўрнидан даст туриб, бош эгса шу он.
Буюк Алишербек лутф этган мисол,
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.
Коплаб бўлармикан бу қарзни алҳол,
Ўзиб бўлармикан юзта ганж билан.

Устозлар ҳақида гапириш ҳамма вақт инсон қалбида фахр туйғусини уйғотади. Устозим Шукурулло домла ҳақида фикр билдиришни устознинг ташқи кўринишларидан бошлашни ният қилдим. Зеро, инсоннинг ташқи қиёфаси унинг ички оламини кўрсатиб турувчи аксидир. Устознинг камтар, хокисор эканликларини кўринишлари айтиб туради.

Жилмайиб турувчи чеҳра, ҳар бир фикрни чуқур мулоҳаза билан паст овозда билдириш донолик белгиси сифатида талқин қилинса,

бу сифатлар- нинг барчаси Устозда мужассам.

Устоз билан илк танишув кечагидек эсимда. Олдимга бир даста илмий тадқиқот мавзулари жамланган папкаларни қўйиб, тадқиқот мавзумга тегишлиларини ажратиб олишимни буюрдилар. Мавзулар жамланган хатжилдлар катта-катта ва тўртта эди. Менинг ишимга алоқадор мавзулар рўйхати ҳам 4-5 варақ чиқди. Шунда илк бор игна билан қудуқ қазишга менгзанадиган улкан ишга киришганимни ҳис этдим. Домлага қараб энди шунча ишни қайси кутубхонадан излайман дея сўраганимда, жилмайибгина "ҳозир" дедилар-да, барча ишни эртага келиб олиб кетишим мумкинлигини айтдилар. Эртасига тадқиқотчининг олтинга тенг хазинаси бўлган ишларни ҳеч бир қийналмасдан, осонгина устоздан олдим.

Бундай воқеалар диссертациямизни ёзиш жараёнида кўп маротаба бўлган. Менинг соддалигим ва тажрибасизлигим сабаб берадиган саволларимга мийиғида кулиб жавоб беришлари у кишининг болаларча беғубор, олийжаноб қалб эгаси эканликларидан далолат беради. Балки шу хислатлари туфайлимикан устоз мана бир неча йилдирки бошланғич таълим факультетини бошқариб келмоқдалар. Гарчи мен бу жамоада ишламасам-да, болаларча аҳил бу жамоанинг барча тадбирларини кузатиб бораман. Оддийгина бир сабаб билан ҳам йиғиладиган жамоага доим устознинг ўзлари бош-қош бўладилар. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзининг ўрнини ҳис этган ҳолда ишлайди, ҳар бир ходим факультет фаолиятида ўзига юклатилган вазифаси билан аҳамият касб этади. Бу ҳам устознинг ўз ишларига виждонан ёндашишлари, жонкуярликлари маҳсулидир. "Ўтган кунлар" асари қаҳрамони Юсуфбек ҳожининг таъбири билан айтгандек, "Бу даргоҳдан ҳали кеч ким норизо бўлган эмас".

Устознинг шогирдлар билан ишлаш жараёнлари ҳам таҳсинга сазовор. Ҳар биримизнинг тадқиқотимизни ёзиш, ташкилий томонларининг бажарилиши бўйича ҳам тўғри йўналтирилган маслаҳатларини бериб борадилар.

Сўнг сўз. Фалсафа доктори дипломини олиб, Онахон иккимиз устознинг олдиларига кирдик. Домла хурсанд бўлиб табрикладилар. Кейин ён дафтарларини чиқариб, ўнинчи шогирдимсиз Умидахон дея қайд этиб қўйдилар, Онахон ўн биринчи шогирд бўлиб ёзилди. Устознинг таваллуд айёмлари билан табриклаб, шогирдлар рўйхати ҳали жуда узоқ давом этишини тилаб қоламан.

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ ВА КАМТАРИН УСТОЗ

Абдуллаев Абдуқаюм Абдулҳаевич
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Болалар спорти кафедраси мудири, доцент

Педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошланғич таълим факультети декани Мардонов Шукурулло Қўлдошевич ҳақида гапирганда, кўз олдимизда заҳматкаш олим, камтарин ва олижаноб, шогирдлар аҳлига ҳамиша меҳрибон, илм-фан, маънавият йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган инсон сиймоси гавдаланади.

Устоз бугун табаррук етмиш ёшни қарши олиш арафасида шогирдлар ва яқинлари даврасида доимгидек тетик ва бардам, хушчақчақ бўлиб, мамлакатимиз ёшларини баркамол авлод сифатида камол топтириш, юртимиз таълим-тарбия соҳаси учун юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш ишида жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳар бир инсон ҳаётида устоз-мураббийнинг ўрни беқиёс аҳамият касб этади. Ҳаттоки дунёга танилган буюк алломаларнинг

ҳам шахсиятида, камоли-ю жамолида устоз деган мўътабар зотнинг машаққатли меҳнатлари ётади.

Шу маънода, бугун каминанинг илм-фан соҳасига кириб келишида, ушбу тизимда ўз ўрнимга эга бўлишимда Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг беқиёс ҳиссалари бор десам, асло муболағa қилмаган бўламан.

Устоз бугунги кунда республикамизда педагогика фанлари бўйича энг етакчи олимлардан ҳисобланиб, кўплаб тадқиқотчилар ва ёш олимларга илм-фан йўлида мураббийлик қилиб келмоқдалар.

Шахсан мен 2010 йилда Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари бўйича илмий-тадқиқот институтига ўқишга киришим ва тадқиқот ишларини олиб боришимда уларни ўзимга устоз сифатида танлаб, шунга гувоҳ бўлдимки, профессор Шукурулло Мардонов ёш олимларга, шогирдларига нисбатан жуда ҳам хайрихоҳ, ғамхўр, самимий ва ширинсўз олим. Илм йўлини танлаган ёшлар борки, уларни эзгу мақсад йўлида руҳлантириб, беминнат ёрдамларини асло аямайдилар. Ўз навбатида, мен шундай камтарин, заҳматкаш ва олийжаноб устозни танлаганлигимдан бағоят мамнунман ва бу билан фахрланаман, албатта.

Илм-фан йўлида эришиб келаётган ютуқларим ва ўзига хос натижаларимда, хусусан, соҳа бўйича 3 та дарслик, 3 та ўқув қўлланмамнинг нашр қилиниши, 300 дан ортиқ мақолаларимнинг чоп этилиши, "Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси" кўкрак нишони, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" эсдалик нишонлари билан тақдирланишимда Устознинг ҳиссаси улкан эканлигини алоҳида эътироф этган бўлардим.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илк ташкил қилинган даврда шахсан устознинг ташаббуслари ва раҳбарликлари остида институтда Педагогика факультетининг очилганлиги, ундан ўз навбатида, Спорт ва чақириққача таълим ҳамда Бошланғич таълим факультетларининг ажралиб чиққанлиги, ҳозирда унда тўрт бўлимнинг фаолият юритаётганлиги, ушбу ислоҳотларда Устознинг кўрсатган жонбозликлари алоҳида эътирофга муносибдир.

Профессор Шукурулло Мардонов тинимсиз равишда ўз устида ишлайдилар. Шогирдлардан ҳам шуни талаб қиладилар. Устоз бугунги кунда институтимизда Олий аттестация комиссияси томонидан 2019 йилда очилган "13.00.01" – Педагогика назарияси

тарихи" ихтисослиги бўйича илмий ишлар ҳимояси кенгаши раислиги вазифасини ҳам сидқидилдан олиб бормоқдалар. Уларнинг раислиги остида нечалаб ёш олимлар ва олималар ўз танлаган соҳалари бўйича илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, олим деган азиз номга сазовор бўлганлар.

Қутлов учун берилган олтин имкондан самарали фойдаланган ҳолда, устозга ўз табрикларимни йўлламоқчиман.

Муҳтарам устоз, Сизни барча шогирдларингиз номидан 70 йиллик юбилей айёмингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман.

Доимо бугунгидек соғ-омон, руҳан тетик ва бардам бўлинг.

Қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум, хонадонингиздан файзу барака, тинчлик-хотиржамлик асло аримасин...

Илоҳим 80, 90, 100 йиллик юбилей ёшларингизда ҳам Сизни чин дилдан қутлаб, барча шогирдлар хизматингизда камарбаста бўлиб турайлик.

Яратган эгам барча орзу-ниятларингизни ижобат айласин!

ЭЪЗОЗИМДАСИЗ, УСТОЗ!

Куттибекова Гулжан Тулепбаевна
Жиззах давлат педагогика институти
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ногаҳон инсон аъзолари баҳслашиб қолибди. Сен қачон дам оласан, деган саволга кўз: "Ором олганимда", оёқ-кўл: "Юмушлардан тинганимда", - деб жавоб берибди. Қолган аъзолар ҳам ўз жавобларини айтишибди.

Юракдан : "Сен умр бўйи тинмайсан, қачон дам оласан?" - деб сўрашса, у: "Қачонки шаънимга эътирофлар айтилса, шунда дам оламан!" - деган экан. Устоз, бугун сизни эътироф этгим келди. Зеро, доим эътирофдасиз.

Сочингиздаги қиров-у юзингиздаги заҳмат чизиқларида менинг ҳам ҳиссам борлигини биламан.

Илм бебаҳо хазина, унинг соҳиби бўлиш осон иш эмас. Уламолар илм эгаллашни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишади. Инсон шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устозининг ўрни беқиёс.

Устозлик – буюк мақом. Илм-у маърифат зиёсини тарқатиш эса савобли амалдир. Илм – руҳ озиғи. Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади.

Илм устознинг саъй-ҳаракати билан камол топади. Устоз – жамият биносининг бинокори, шогирдлар йўлини ёритгувчи маёқдир.

Илм сўқмоқларида йўлчи юлдуз устозимизга осмонча ҳамдлар армуғон бўлсин. Мен ҳам сизнинг, ҳар бир илм йулидаги берган насихатларингиз ва билимлар, ғоялар туфайли 2021 йил "Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялашда бадиий ижоднинг инновацион технологиялари" мавзусида диссертатрсия ёқлаб, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олдим.

Дунёда устознинг оқилона сўзи ва ўзига хос улуғлиги шогирдлар учун ибрат мактабидир. Устознинг доимо қаерда бўлмасин педагогик унинг сержилолиги хаёлини банд этиб туриши диққат марказимизда эди.

Зероки, устозимиз олий мақомга эришиш учун бировга бир нарса ўргатишни астойдил хоҳламоғи ва илм олувчига муҳаббат қўймоғи шартлигини ҳаётий сабоқлар орқали йиллар давомида сингдириб борган бўлсалар ажаб эмас. Ҳар бир касб эгаси қайси бир соҳада меҳнат қилмасин, устозларга эҳтиёж сезади. Беқиёс устозга шогирд бўлишлик ҳам Аллоҳнинг иноятидир. Дунё тилсимини очадиган калитни ато қилганлиги учун Яратганга беадад шукур, устозга ташаккур деймиз. Такдир шундай устоз сабоғини олиш бахти билан сийлаганидан беҳад миннатдорман. Талабчан, эътиқодда собит, илмга чексиз садоқатли, шу билан бирга меҳридарё устозимиз олдидаги шогирдлик юки залворидан юракларимиз масъулият ҳамда муносиб бўлиш ҳисси билан қалқиб туради. Ҳар сафар пойтахтга – устоз ҳузурига хаёлан бир олам фикрлар-у истиқбол режаларини тузиб, дунёча жумлаларни қаторлаштириб борардим, лекин устознинг салобати-ю сўзга инжиқлиги минг фикрни бир фикр шаклига солиб қўярди. Бу устознинг сўзда ҳам, фикрда ҳам теран муштаракликка қўйган қатъий талаби эди.

Одамийлик одобини ўргатган устоз ҳақиқий устоздир. Бу одобни у кишининг оиласида кўрдим, ҳавас қилдим. Устознинг турмуш ўртоқлари Марҳабо опа алоҳида эътирофга лойиқ инсон. Хонадон соҳибаси бўлмиш Марҳабо опа самимий, очиқ чеҳра билан кутиб олардилар. Ҳақиқий ўзбекона лутф яққол намоён эди. Зеро, бу аёл умр йўлдошига қилаётган хизматларини буюк ибодат деб била-

дилар. Аҳли оиласидаги ўзаро ҳавас қиларли муносабатни кўриб устозимизнинг жамиятдаги мавқеи, шогирдлар орасида эъзоз топиши, ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонишида хонадон осойишталигининг ҳам алоҳида ўрни борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Бу оламда ягона ўлмайдиган нарса – устоз яратган ғоялардир. Инсон устоз бўлишдек саодатга эришиши учун кўп мураккаб йўлларни босиб ўтиши, анча тўсиқларни ортда қолдириши лозим. Ҳақиқий устоз бўлишдан олдин ИНСОН бўлиш керак. Устоз, ана шундай эъзоз-у эътирофга муносибсиз. Педагогика соҳасига қўшган ҳиссангиз беқиёс.

Олим бўлиш осон эмаслигини илм оламининг турфа синовларида англадим. Мақсадни аниқ белгилаб, тўғри йўлга солганингизда, оқилона сўз ва эришаётган муваффақиятларимиздан қувонаётганингизни кўрганимда, сиз ҳақингизда абётлар битгим келарди. Мен учун УСТОЗ сиймоси шу қадар илоҳийлашиб кетган эдики, ҳатто диссертациямни ҳимоя қилиш жараёнида устоз ҳамда турмуш ўртоғимдан бошқани ҳис қилмаган эдим. Нима бўлганда ҳам йилдан йилга улғайиб, элнинг "Устоз – отангдай улуғ" деган нақли замиридаги ҳикматни англаяпман. Буюклар таъбири билан айтганда, отамиз ерга тушишимизга сабабчи бўлган бўлса, устозимиз ўз сабоқлари ила кўкка чиқарган.

Қадри илм-фанда ҳам, қалбларда ҳам баланд устозимиз! Дунё тургунча туринг. Касбингизга меҳрингиз, садоқатингиз ҳеч қачон сўнмасин!

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ УСТОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошлангич таълим методикаси кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент вазифасини бажарувчи Жабборова Онахон Маннаповна.

Инсон ҳаётида муҳим ўрин тутадиган шахсларнинг борлиги кишини қувонтиради. Шу маънода менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутувчи ана шундай инсонлардан бири устозим, педагогика фанлари доктори, профессор ва юзлаб ёшларнинг мураббийи Мардонов Шукурулло Қўлдошевичдир.

Устоз ҳақида сўз юритиш осон. Чунки, биринчидан, устозингни яқиндан биласан; иккинчидан, устозим тўғрисида сўзлашда ҳаяжонланасан. Лекин педагогика тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳамма вақтларда Устоз тўғрисида ҳаёлга келган фикрларни изҳор этиш мумкин. Шу жиҳатдан мен кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган Устозимнинг қуйидаги фазилатлари ҳақида фикрларимни ифодалар эканман, қуйидагиларни таъкидлашни лозим топдим:

Устозим илмни яхши кўради, бутун фаолияти давомида ўзидаги иқтидор ва тажрибани миллий Педагогикамиз тадқиқотчилигига бағишлаб келмоқда, у кишининг педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фундаментал илмий, назарий ва амалий тадқиқотлари бу борадаги муҳим ҳиссалардан бири ҳисобланади;

Устозим йиллар давомида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, уларнинг камолотини кўриш ишлари билан шуғулланиб келмоқда,

шу сабабли у кишини мамлакатимизнинг кўплаб фуқаролари танийди ва кўп ҳолларда эҳтиром-эътироф билан тилга олади, бундан ташқари, Устоз таълим ва тарбия тизимини самарали бошқариш тажрибаларига ҳам эга ҳамда бугунги кунда мазкур тажрибаларини ўзининг шогирдларига тақдим этмоқда;

Устозимни хорижий давлатлардаги педагог олимлар ҳам яхши билишидан фахрланаман, мисол учун, Россия Федерациясининг жуда кўпчилик олимлари Устозимга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишади, бу ҳол биз шогирдларни ғоятда қувонтиради;

Устозим ўзига хос оила бошлиғи ва ота, у кишининг фарзандлари бугунги кунда элимиз, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда, имкон қадар ўз падари бузрукворларига муносиб бўлишга интилмоқда, уларнинг бу ютуқларини кўриб мен ҳам қувонаман ва устознинг оиласига фахр билан муносабатда бўламан;

бир шогирд сифатида Устоздан илм завқини, таълим-тарбия ишининг қувончини ва оилапарварликнинг одобларини ўргандим, имкон қадар у кишининг ишончларини оқлашга харакат қиламан, баъзида ҳаёлга келадики, биз шогирдлар Устознинг илмий меросини кенгроқ ва кўпроқ тарғибот қилишимиз керак, чунки бу меросда ҳозирги замон таълим-тарбия жараёни ҳамда педагогик тадқиқотчиликка доир муҳим ёндашувлар ўз мужассамини топган;

кўпчилик ўз-ўзига баъзида "шогирдларнинг бахти нимада?" деган савол беради, менда ҳам бундай саволлар кечади ва ўзимча унинг жавоби сифатида ўйлайманки, ҳамиша Устознинг ишончига сазовор бўлиш ҳамда у киши билан ёнма-ён фаолият кўрсатиш бу – шогирднинг бахтидир;

албатта, ҳар бир шогирд ўз Устози тўғрисида юрагидаги бор фикрларини тўкиб солишни истайди, чунки доно халқимиз айтганидек, "Устоз отангдай улуғ" ва бу ҳикмат ҳар бир шогирднинг қалбида бўлишини истардим.

Мен Устозим ва мен учун энг эътирофли инсон Мардонов Шукурулло Қўлдошевични бугунги 70 йиллик юбилейлари ва илмий фаолиятининг 50 йиллиги билан самимий табриклайман ва дунёдаги барча эзгуликларни у кишига тилайман. Бу борада шогирд сифатида менинг орзуим – ҳамиша Устозимнинг ишончига сазовор бўлиш.

ОТАМДАЙИН УЛУҒИМ

ЖДПИ катта ўқитувчиси
Абдукаримов Нурмахан Амирханович

Илм соҳасида бирон натижага эришмоқни баланд чўққига чиқмоққа, илм эгаллашни эса игна билан қудуқ қазимоққа қиёслайдилар. Ҳам олимлик, ҳам одамийлик фазилатларини ўзида уйгунлаштирган, оталарча ғамхўр ва меҳрибон, ўз шогирдларини фарзандлари қаторида кўргувчи, йирик ва забардаст олим, мен учун қадри баланд устоз Шукурулло Қўлдошевичнинг ҳаёти ва фаолияти ана шу қиёсларнинг тўғри эканлиги далилидир. Устоз ҳақида қанча илиқ фикрлар гапирсак, уммондан томчидек бўлиб қолаверади.

Устознинг илмий фаолияти ҳақида жуда кўп ва хўп гапирганимиз билан адоғига ета олмаймиз.

Маълумки, биз яшаб турган олам, ёруғ дунё инсоний муносабатлар бўстонидир. Бу бўстон гуллаб-яшнаса, тасаввуримиздаги жаннатга айланса, инсоният учун бундан-да улуғ бахт бўлмаса керак. Оламни жаннатга айлантириш эса жамиятни ташкил этувчи жамики инсонларнинг ибратли ишлари, инсоний фазилатлари ва эзгу амаллари орқали амалга ошади. Бундай эзгу ишлар, ибрат намунасини барча инсонларда мавжуд деб ҳам айта олмаймиз. Баъзиларда намуна сифатида қайсидир жиҳати яққолроқ, бошқа томонлари кўринмас тарзда намоён бўлиши мумкин. Бироқ шундай инсонлар ҳам борки, улардан ҳар жиҳатдан ибрат олса арзигулик томонларни яққол кўриш мумкин. Ўзининг ана шундай серқирра ибратли томонларини намоён эта олган ва бошқаларга айниқса, ҳамкасблари ва шогирдларига сингдиришга улгурган олимлардан бири Мардонов Шукурулло Қўлдошевич.

Мен учун энг азиз, отадай меҳрибон, қадри баланд Устозим Шукурулло Қўлдошевич, сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ва саломатлик, илмий-ижодий фаолиятингизда янада улкан зафарлар тилайман. Доимо биз каби шогирдлар ардоғида, эъзозида юринг! Педагогик ва фани тараққиётидаги фаолиятингиз узоқ йиллар бардавом бўлсин, УСТОЗ!

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ.ЁХУД УСТОЗНИНГ ЎГИТЛАРИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари Ахмадалиев Бердали Сайдалиевич.

Мен Шукурулло Қўлдошевич билан муҳтарам Президентимизнинг 27.07.2017 йил ПҚ-3152-сонли қарорига мувофиқ Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг ташкил топиши муносабати билан биринчи бор суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман. Устоз билан суҳбат жараёнида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Педагогика факультетига ўқув, илмий ва маънавий ишларни ташкил этишда бирга фаолият юритишни таклиф этган. Мен бу таклифни ўзгача бир ҳис-ҳаяжон билан қабул қилдим. Янги иш жой, янги жамоа, янги муҳитда ишлашда инсон яхши инсонга эҳтиёж сезади.

Шукурулло Қўлдошевич менга янги иш жойда, янги муҳит бўлган институтда иш бошлашимда жуда катта кўмак, маслаҳатлар берган. Устоз билан ишлаш даврида ўқув, илмий ва маънавий ишлар жараёнида ҳамда талабалар билан ишлаш, улар билан мулоқот қилиш борасида устоздан жуда кўп мотивация олдим. Шукурулло Қўлдошевич қўл остидаги педагог-ходимларга самимий, меҳрибон, хушмуомала ва ўз навбатида қаттиққўл раҳбарлар сирасига киради.

Устоз таълим жараёнида нафақат профессор-ўқитувчи балки талабалар муаммоларини ҳал қилишда оғир босиқлик билан қарор қабул қилишда камдан-кам инсонларда учрайдиган ноёб ҳислатларга эга устоз ва раҳбар менда жуда катта таассурот уйғотган.

Шукурулло Қўлдошевич шахсиятида мен юксак маънавият ва маданиятни кўраман. Устознинг кийиниши, юриш-туриши, айниқса, одамлар билан мулоқотда яққол кўзга ташланади, бу инсоннинг фарзандларига кўпчилик ҳавас билан қарайди.

Устоз жуда кўп инсонларга тўғри йўл танлашларида камтарона, беминнат кўмак бериб келадилар. Маслаҳат сўраб устозга мурожаат қилган ҳар бир инсон албатта, у кишининг суҳбатидан мамнун ҳолда, маслаҳатларига амал қилган ҳолда ўз фаолиятларини юритади.

Педагогика фанидан мактаб яратган таниқли олим бўлса-да,

устозимиз камтаринлиги ўзига ярашиб турадиган улуғворлиги билан бизга ўрнак бўлиб келмоқда. Бу фазилат инсон шахсиятининг яна бир ибратли чизгиларидан ҳисобланади. Шукурулло Қўлдошевични илм аталмиш оламга эндигина кириб келаётган ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишимиз, улардан нафақат илм борасида, балки ҳаётий тажрибаларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин эканлигини айтишимиз мумкин. Республикамизда шундай устоз, педагог олим борлигидан фахрланамиз, ҳар доим умр йўлларингиз ёруғ бўлсин. Оила аъзоларингиз, шогирдларингиз ардоғида бўлиб юринг.

БЕНАЗИР УСТОЗ

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф уқутмиш ранж ила,
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.
Алишер Навоий

Баҳорнинг таровати, табиатнинг инъоми бу – ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни камол топтирган, ўз халқини, миллатини қадрлайдиган ҳақиқий инсон Шукурулло Мардонов.

Бу сўзлар нақадар пурмаъно ва сермазмундир. Бу сўзларни эшитганда қалблар жунбушга келиб, кўнгиллар ёришиб кетади. Зеро, эсимизни таниган илк онларимиздан бошлаб айнан ана шундай зотлар бизнинг қўлимиздан тутиб келмоқда. Ҳеч биримиз биринчи бўлиб ўқиш-ёзишни ўргатган устозимизни ёдимиздан чиқармаганмиз, десам муболаға бўлмайди.

Устозим – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устозим – бор кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, ўзининг қалб қўри-ю меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш мураббийдир. У бизларга оқ-қорани, яхши-ёмонни танитиб, илм-фан чизгиларини илк бор қалам тутқазиб, "Тараққиёт", "Ватан равнақи йўлида илмий изланишлар калити", "Эзгулик", "Иймон", "Ислом", "Илм йўлида адолат" каби сўзларни таҳлил қилишга ўргатган буюк ва азиз зотлардир.

Донишмандлар айтишадики: "Элни маърифат асрайди". Абдулла Авлоний: "Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир," — деган. Демак, устозимнинг зиммасига жуда ҳам буюк масъулиятли вазифа юкланган. Бу ҳам бўлса, келажаги буюк давлат учун комил, ҳар томонлама етук ва баркамол, маънан ва ахлоқан пок, ватанпарвар ва инсонпарвар инсонларни тарбиялаб чиқариш йўлида биз шогиртларга "Ибрат ўчоғи" вазифасини ўтамоқда.

Ҳа, ўқитувчилик жуда ҳам машаққатли, юксак сабр ва матонат талаб қиладиган касб, шу сабабли ҳам унинг ажр-у савоби беқиёсдир. Зеро Аллоҳ таоло Ўз каломида илм аҳлининг мартабасини баён қилиб, шудай марҳамат қилган:

"Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни

(баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур".

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадиси шарифларида устознинг мақомини таърифлаб, шундай марҳамат қилганлар: "Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлар-у ерлар аҳли, ҳатто инидаги чумоли ва ҳатто денгиздаги балиқ ҳам инсонларга яхшиликни таълим берувчи инсонга саловот айтадилар".

Ҳа, уларнинг бундай мақом ва мартабаларга эришишининг сабаблари жуда кўп, аммо энг асосийларидан бири узтозларига қилган хизматлари ва кўрсатган эҳтиромларидир. Чунки устозимдан бу даражаларга қандай етишганлари ҳақида сўралганда, "Устозимга қилган хизматим ва кўрсатган эҳтиромим туфайли," — дея жавоб берганлар.

Биз илм олиш истагида юрган эканмиз, келинг, буюк бобокалонларимиз изидан юрайлик, устозларга нисбатан юксак эҳтиром кўрсатайлик, бир сўз билан айтганда "Аждодларимизга муносиб авлод бўлайлик".

Дедилар дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устозлар, устоз бегумон.
Таъин айтдиларки, азиз шубҳасиз,
Устозни қадрига етолган инсон

А.Арипов

Ҳурмат ва эҳтиром ила Шоира Абдужалилова

МЕҲРИБОН УСТОЗ!

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Бошлангич таълим факультети педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Умарова Зухра Абдурахмановна

Инсоннинг шахс сифатида вояга етишида таълим ва тарбия қанчалик муҳим ўрин тутса, Устоз ҳам шунчалик ўрин тутади. Педагогика фанлари доктори, профессор, кўплаб ёшларнинг Устози Мардонов Шукурулло Қўлдошевич кўпчиликнинг ҳаётида муҳим ўрин тутган ана шундай Устозлардан ҳисобланади. Бугун Устоз муборак ёшини ва илмий фаолиятининг 50 йиллигини нишонламоқда. Мен ҳам у кишини Устозим деб биламан ва бир неча йиллардан буён бевосита у кишининг қўли остида фаолият юритиб келаётганимдан фахрланаман.

Устоз Ш.Мардонов аввало самимимй инсон, барча билан бир хил муомалада бўлади. Каттани ҳурматда ва кичикни иззатда тутади. Баъзида иш жараёнида мураккаб ҳолатларда танбеҳ берсалар ҳам кишига оғир ботмайди. Чунки у киши ҳеч қачон қўпол ёки дағал муомала қилмайди. Шу сабабли кўпчилик у киши билан ҳамкорлик қилишга ва маслаҳатларини олишга интилади.

Устоз Ш.Мардонов миллий педагогикамиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан бири. У киши энг мураккаб мавзулардан бири педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган. Мазкур тадқиқот халқаро талаблар даражасида бажарилганлиги билан кўпчилик томонидан эътироф этилган. Чунки педагог кадрларнинг малакасини ошириш назарияси, методологияси ва технологик масалалари Устоз томонидан таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, педагогларни қайта тайёрлаш курслари учун назарий ва методик тавсияларни тақдим этган. Бунда Устознинг бизнингча, Россия Федерациясида таълим олганлиги ва у ерда халқаро педагогик тадқиқотлар билан танишганлиги қўл келган.

Устоз Ш.Мардонов ташкилотчи ва моҳир раҳбар ҳам ҳисобланади. Бутун фаолияти давомида илмий фаолияти билан биргаликда раҳбарлик билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Олий таълим муассасаларида ва Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот институтида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб, таълим ва тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида бошқариш ишига ҳисса қўшиб келмоқда. Менинг кузатишларимга кўра, Устознинг раҳбарлигидан норози кишилар учрамайди. Чунки у кишининг бошқарув услубида аниқлик, ишончлилик ва йўналтирувчанлик асосий ўрин тутади.

Устоз Ш.Мардонов педагог сифатида талабаларга таълим ва тарбия бериш ишлари билан ҳам шуғулланиб келмоқда. У кишининг маърузалари қизиқарлиги ва мазмундорлиги, далил ва фактларга бойлиги билан эътиборни тортади. Кези келганда таъкидлаш лозимки, кўпчилик прфессор педагоглар амалий машғулотларни ўтказишдан ўзини тортади. Лекин Устоз айнан амалий машғулотларни ўзлари ўтказади. Чунки амалий машғулот бўлажак мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Шахсан мен ўқитишнинг кредит-модул тизими шароитида амалий машғулотларнинг устувор бўлиши тарафдориман. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган талабаларнинг ҳафталик амалиёти бу борада муҳим қадам бўлганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Устоз Ш.Мардонов меҳрибон ота сифатида маданиятли оиланинг бошлиғи. У кишининг фарзандлари бугунги кунда халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилмоқда. Уларнинг баркамол бўлиб вояга етишида меҳрибон отасининг хизмати борлигини эътироф этиш жоиз.

Мен Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, илмий ва педагогик фаолиятида омад тилаб қоламан.

ШУКУРУЛЛО КУЛДАШЕВИЧ МАРДОНОВ – ТАЛАНТЛИВЫЙ УЧЕНЫЙ

Ходжиметова Д.Д.,
доцент кафедры русской литературы и методики ее преподавания
ДжГПИ

Он работал в Джизакском госпединституте с 1974 года т.е. с самого открытия института. Начав с должности преподавателя кафедры русского языка и литературы, он работал заведующим кафедрой, деканом факультета, проректором по духовно-просветительской работе, ректором областного института повышения квалификации учителей.

Профессор Мардонов Ш.К. своей педагогической, научной и общественной деятельностью завоевал всеобщее уважение и почтение. Он принимал самое активное участие в организации и проведении мероприятий не только в институте, но и в областном масштабе, где выступал с докладами и сообщениями.

Шукурулло Кулдашевич на протяжении долгих лет читал лекции по русскому языку. Интерес к его занятиям был объясним насыщенным материалом и мастерством его подачи, что завораживало студентов. Со многими студентами он работал индивидуально, готовя их к республиканским и международным Олимпиадам по русскому языку и литературе.

Мардонов Ш.К. свою педагогическую деятельность ведет в тесной связи с научной работой. Он автор 4–х учебных пособий, 10 монографий, 24-х учебно-методических рекомендаций, более 300 научных статей, и он рецензировал 38 научные монографии. Под его руководством защитили свои диссертации 12 исследователей. Он является членом 6 Научных Советов по присуждению ученой степени. 36 раз выступал в качестве оппонента научных исследований.

Я знаю Шукурулло Кулдашевича на протяжении сорока лет как хорошего педагога, талантливого исследователя, интересного общественного деятеля и, конечно же, как замечательного, добропорядочного человека. Известен он и как хороший семьянин: заботливый отец и любимый дед.

БАҒРИКЕНГ ОЛИМ ВА УСТОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факуътети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Атабеков Фозил Оразали ўғли

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов деганда, у кишини танийдиган одамларнинг чеҳралари ёришади. Юзига табассум югуради. Яхшиликка чоғланади. Чунки у кишининг ўзи шундай. Мен у кишини агар юз марта кўрган бўлсам, юз марта ҳам хушчақчак, ҳолатда, кулиб турган юзи, кулиб турган кўзини кўрдим. Бундай муносабатга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун одам ўзининг одамларга қилган яхшилиги, эзгу ишлари, Ватанига, халқига қилган хизматлари, ўз соҳасига жонкуярлиги туфайли эришади. Мардонов устоз мен учун ана шундай қадрдон инсон.

Ундан ташқари, Мардонов Шукурулло устозни олим сифатида, шахс сифатида, раҳбар сифатида кўз олдимизга келтирсак, у киши

инсон сифатида меҳрибон, хушчақчақ, инсоннинг кўнглини оладиган дилбар инсон.

2017 йил илк бор Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига Мактабгача ва бошланғич таълим факультетига ўқитувчи сифатида ишга суҳбат асосида ишга қабул қилиндим. Шу пайтгача устоз билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ишлаб келаяпман хозирда устозимни маслаҳатлари билан 1 та ўқув қўлланма, 1 та дарслик ва 30 дан ортиқ илмий мақолалар ҳамда доцент вазифаси бажарувчи лавозимида ишлаб келяпман устозни бизларга кўрсатган хизматлари беқиёсдир.

Шукурулло Мардонов устозимизнинг ўнлаб забардаст шогирдлари бугун Ўзбекистон педагогикасини ривожлантиришда хизмат қилиб келишмоқда.

Доимо ҳамкасбларингиз ва биз шогидларингиз, оилангиз ва фарзандларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЭГАСИ ВА ТАШКИЛОТЧИ РАҲБАР

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини Фармонов Ўктам Неъматович.

Инсон ҳаётида маърифатнинг роли, ўрни ва аҳамияти катта. Зеро, маърифат бўлмаса, инсонда маънавий фазилатларни шакллантириш мумкин эмас. Фақат маърифатгина инсонни табиат ва жамият яратган мўъжизаларнинг гултожига айлантиради.

Бугун Ўзбек халқининг маънавий, ҳамда педагогик соҳасига катта ҳисса қўшган инсонлардан бири Устоз, ўзининг 70 йиллик қутлуғ ёшини нишонлаётган педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич!

Устозни илк бор таниганимда 1998 йил мен талабаликка қабул қилинган пайтим эди. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич Жиззах давлат педагогика институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори эдилар. Талабаликнинг илк кунларидан устоздаги ташкилотчилик, талабаларга бўлган дўстона муносабат, юксак маънавияти, моҳир педагог эканликларини иш фаолиятларидан кўрганман. Илмий тадқиқот ишимни педагогика йўналишида олиб бораётганлигим сабабли илмий тадқиқот мавзуим бўйича ушбу йўналишда илмий конференцияларда, илмий кенгашларда жуда кўп илмий маслаҳатларини аямасдан берган меҳрибон устоз

2014 йил январ ойидан бошлаб яна бир жамоада илмий фаолият олиб боришлик насиб этди. 2014 йил 2 январдан бошлаб Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига катта илмий ходим-изланувчанликка қабул қилиндим. Устоз Мардонов Шукурулло Қўлдошевич директор ўринбосари лавозимида фаолият олиб борар эдилар.

2019 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институтида фаолият юритар эканман, мана шундай улуғ масканда Улуғ инсон, устозим билан яна бир жамоада елкадош бўлиб фаолият юритаяпман. Устоз қаерда қайси раҳбарлик лавозимида ишламасин, илм излашдан, илм беришдан тўхтамаган. Устозлик шарафли лекин машаққатли касб, илм заҳматларига чидаган, халқона тил билан айтганда “Игна билан қудуқ қазиш”дек сабр, бардош талаб

этиладиган бу улуғ ном айнан сиз учун айтилган десам, муболаға бўлмайди. Сизни, Юксак инсоний фазилатлар соҳиби, ҳамиша оддий, камтарин устоз деб биламиз.

Устозни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этаман! Ҳамиша соғ бўлинг, илмий ва шахсий ҳаётингиз бахтли сарҳисобларга тўлиқ бўлсин!

БУЮК ЮРТНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

Мирзаев Абдулхамид Маърифович
Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони, доцент.

Дунёда энг шарафли касб бу – устоз ва мураббийликдир! Устоз нақадар улуғ, нақадар мўътабар зот! Устозни қанча-қанча улуғласа, қанча эъзозласа шунча кам, шу қатори менинг устозимни ҳам. Менинг устозим педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич у киши нафақат меҳрибон устоз, жонкуяр раҳбар, самимий инсон сифатида хаммага намуна бўладиган, инсонларга сидқидилдан ёрдам берадиган ажойиб инсон. Устозим бир қиз уч ўғилнинг мехрибон отаси, тўқиз нафар набираларнинг севимли бобоси ҳамдир. Шукурулло Қўлдошевич Педагогика ва филология фанларининг забардаст олимларидан, илм дарғаларидан маслаҳатгўй, фидойи алломалар сарасидан ҳисобланади. Устоз Шукурулло Қўлдошевичдан аввало, инсонийлик самимийлик, софдиллик, хушмуомалалик, инсонларга табассум билан мулоқат

олиб боришни ўргатган инсондир. Устоз билан бундан ўн икки йил аввал Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида аспирант бўлганимда танишганман, шунда менга илм нима, докторлик нима қандай устоз бўлиш керак, илм йулида чекиладиган машаққатлар бор, лекин орқасидан ютуқлари бисёр, деб айтган эди. Яна шуни таъкидлаган эдики, илм бор ерда улуғлик бор, билим бор ерда буюклик бор деб, тушунтиргани кечагидек ёдимда. Мана бугун устозим етмиш ёшни қарши олмоқда. Келажакда устозим етмишни етаклаб, саксонга сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб бир юз ўнга кирган вақтида ватанимиз илм йўлида хизмат қилиб юртимиз ва шогирдлар ардоғида сафимиз ва уйимиз тўрида ўтиришлик насиби рўзи айласин. Шукурулло Қўлдошевичдек инсонлар бор экан юртимиз тараққиёти ватанимиз равнақи мамлакатимиз илм бойликлари юксалиб бораверади. Устозимни агар сувга ўхшатса, булоқнинг боши деган бўлар эдим. Устозни нурга ўхшатса, мен бобо қуёш деган бўлар эдим, устозимни карвонга ўхшатса, сарбон деган бўлар эдим, устозимни тоғга, ўхшатса тоғнинг чўққиси деган бўлар эдим, устозимни агар ерга ўхшатса, она заминимизнинг энг муқаддас жойи деган бўлар эдим, агар устозимни юртга ўхшатса, юртимнинг юраги деган бўлар эдим, агар устозимни илмга ўхшатса, илмнинг дарғаси деган бўлар эдим, агар устозимни олимга ўхшатган бўлса, олимларнинг пешвоси деган бўлар эдим. Ватанимиз бахтига соғ-саломат бўлинг! Шогирдларингиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз бахтига, оилангиз, фарзандларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг! Сиздек устозга шогирд бўлганимдан фахрланаман ва сиздек устозим борлигидан ғурурланаман.

УСТОЗ ИНСОНИЙЛИК, МЕҲРИБОНЛИЛИК ВА ФАОЛЛИК НАМУНАСИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика ва менежмент кафедраси ўқитувчиси Исмоилова Дилафруз Мухиддиновна.

Педагогика фанлари доктори, профессор, меҳрибон устозим Мардонов Шукурулло Қўлдошевич муборак 70 ёшини нишонламоқда. Мазкур юбилей саналари биз шогирдлар учун ҳам байрам ҳисобланади. Ҳар бир шогирд Устозининг фаолияти ва обрўси билан фахрланиши маълум, чунки халқимиз топиб айтганидек, "Устоз – отангдай улуғ".

Устозим билан биргаликда фаолият юритиш ва у кишининг раҳбарлигида илмий иш билан шуғулланиш менда ғурур уйғотади. Айни пайтда, биз шогирдлар ҳам Устозга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Илмий фаолият билан шуғулланишим жараёнида маълум бўлдики, Устозни кўп олимлар ҳурмат қилади ва эътироф этади. Ҳар бир тадқиқотларда Устознинг китобларига берилган ҳаволаларни кўриб ҳурсанд бўламан, чунки устознинг тадқиқотларида муҳим назарий қарашлар, методологик ёндашувлар ва технологик йўналтиришлар ўз аксини топади. Бу кишининг янги-янги тадқиқотлари менингдек шогирдларга қувонч бағишлайди. Мисол учун, 2021 йили нашр этилган "Педагогика фанидан электрон-модулли дидактик таъминотни тайёрлаш технологияси" ўқув қўлланмасида ўқитишнинг кредит-модулли тизими шароитида дидактик таъминотни қандай тайёрлаш масалалари таҳлил қилиниб, мазкур таъминотнинг ўзига хос электрон-модулли ишланмаси ишлаб чиқилган. Натижада янги тизимдаги илмий фаолият ва ўқув жараёни билан шуғулланишда қўл келувчи ишланмага эга бўлдик.

Устознинг ўз шогирдлари билан ўзига хос ишлаш методи бор. Унга кўра, барча шогирдларига бир хил муносабати билан бўлади ва илмий топшириқлари аниқ, тушунарли ҳамда йўналтирувчи характерни беради. Шу сабабли кейинги пайтларда Устознинг педагогика фанлари бўйича фан ва фалсафа докторлари илмий даражаларига эга бўлган шогирдлари кўпайганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, Устоз раҳбарлигида илмий иш билан шуғулла-

ниш биз шогирдлар учун масъулият юклайди. Чунки шогирдлар Устознинг илмий ишончини оқлаши учун фаолият самарадорлигига интилади ва кўп ҳолларда шогирдлари мувоффақиятга эришаётганлигини кўриб турибмиз.

Устоз илмий фаолиятини раҳбарлик билан уйғун олиб бормоқда. Бу борада у кишидан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар кўп. Негаки Устознинг бошқарув услубида буйруқ бериш, манманлик ёки кибрлик учратмаймиз. Аксинча, Устоз катта-ю кичикка бир хил муносабатда бўлади ва кўрсатма, тавсия ҳамда йўналтириш шаклларида топшириқ беради. Шу сабабли у киши раҳбарлигида фаолият юритаётган шогирдлари ўз фаолиятини амалий натижаларга эришиб келаётганлиги бизни қувонтиради.

Биз шогирдлар учун Устоз инсонийлик, меҳрибонлилик ва фаоллик борасида намуна ҳисобланади. Шу пайтга қадар бирон кишининг устоздан норози бўлиб сўзлаганини эшитганимиз йўқ. Бу ҳол биз шогирдларга қувонч бағишлайди ва айнан самимийлик борасида у кишидан ибрат олишимиз лозимлигини кўрсатади.

Шогирд сифатида Устозни хорижлик педагог олимлар ҳам яхши билиши билан фахрланаман. Мазкур қўлингиздаги тўпламда Россиялик, Финландиялик, Туркиялик каби олимларнинг мақолалари мавжудлиги фикримизнинг далилларидан биридир. Шу жиҳатдан бу борада ҳам Устоздан ибрат олсак арзийди.

Биз шогирдлар Устозни муборак ёшлари билан яна бир бор табриклаймиз. У кишига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, илмий ва педагогик фаолиятида мувоффаққиятлар тилаймиз. Ҳамиша биз шогирдларнинг ардоқли Устози бўлиб юришларини истаймиз. Айни пайтда, у кишига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Барча шогирдлари ана шундай фикрдамиз. Устоз, юбилейингиз қутлуғ бўлсин!

СЕРҚИРРА ОЛИМ УСТОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Шанасирова Захро Юлдашевна.

Сизнинг Олий таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнатингиз, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда белгиланган талабларни ҳаётга татбиқ қилиш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда эришган муваффақиятларингиз, шунингдек, уларнинг ҳар томонлама камол топиши, таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишда кўрсатиб келаётган ташаббусларингиз таҳсинга лойиқ.

2017 йилдан буён сиз раҳбарлик қилиб, тамал тошини қўйган “Мактабгача ва бошланғич таълим” (бугунги кунда Мактабгача таълим) факультети институтимизда мавжуд барча йўналишлар бўйича салмоқли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Сизнинг муаллифлигингизда яратилган барча дарслик, ўқув ҳамда услубий қўлланмаларингиз, 300 дан ортиқ илмий мақолаларингиз мазкур йўналишни танлаган ҳар бир педагог ва талаба-ёшлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим, айнан бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишни кафолатловчи вилоят, республика миқёсидаги 50 дан ортиқ конференция, илмий-амалий семинарлардаги ташкилотчилигингиз, мустақиллигимиз ютуқларини тарғиб этиш ишларида фаол қатнашиб, мунтазам тарзда тарғибот гуруҳи таркибида республика ва вилоятимиз туман, шаҳарларида ўзинингизнинг мазмунли маъруза ва суҳбатларингиз билан иштирокингиз республика президентининг таълим-тарбия соҳасидаги оқилона сиёсати ва бу сиёсатнинг асл мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига ёйишдаги фидокорона меҳнатингизни институтимиз раҳбарияти қадрлайди.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари жамоаси сафимизда Сиздек ўз касбига садоқатли, талабчан ва ижодкор устоз борлигидан фахрланади.

Сизни бугунги таваллуд кунингиз билан қутлаб, фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига яна узоқ йиллар соғ- саломат бўлиб, ёш авлод таълим-тарбиясида улкан зафарларга эришишингизни тилаб қоламиз!

ҚАДРИ БАЛАНД - УСТОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факультети Санақулова Азиза

Устоз-муаллимсиз қолганда жаҳон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.
Абдураҳмон Жомий.

Илм – руҳ озиғи. Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади.

Илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгалланади. Устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирлар, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишадилар.

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Қўлдошевич шундай устозлар қаторида бўлиши билан бирга ўзининг илмий мактабига эга.

Шукурулло Қўлдошевичнинг илмий мактабидан фойдаланган ўнлаб забардаст шогирдлари бутун Ўзбекистон педагогикасининг ривожланишига хизмат қилмоқдалар.

Суҳбатдош билан самимийлик, шогирдни тинглаш ва ўринли маслаҳат бериш Устозга хосдир. 70 ёшингиз муборак бўлсин!

АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВЧИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Мактабгача таълим методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси Тешабаева З. С.

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардоновни нафақат олим сифатида, шахс сифатида, раҳбар деб балки инсон сифатида меҳрибон, хушчақчақ, кишининг кўнглини оладиган **самимий устоз деб биламан.**

Устозим Шукурулло Мардоновни 2018 йил Чирчиқ давлат педагогика институтига ишга келганимдан талабчан раҳбар, адолатли бошқарувчи ва ўзбек педагогикасининг ёрқин намоёндаси сифатида биламан, педагогика факультетининг илмий котибаси сифатида устозим Мардоновдан бошқарувга оид тажрибаларни ўргандим, менда илмий методик компетенция шаклланди.

Бугунги кунда Мардонов Шукурулло Қўлдошевичнинг ўнлаб шогирдлари бугун Ўзбекистон педагогикасини ривожлантиришда хизмат қилиб келмоқдалар.

Шукурулло Мардоновнинг муборак етмиш йиллик тўйларини нишонлар эканмиз биз шогирдлар бахтига, оиласи ва фарзандлари бахтига, Устозимизни соғ-саломат бўлишларини Оллоҳдан сўраб қоламиз!

ҚАЛБ БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Болалар спорти” кафедраси ўқитувчиси Абдуллаева М.Д.

Мен инсон ҳаётни қадрлай билиши, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биламан. Шуни ҳам тушуниб етиш керакки, инсон – ҳаётнинг бир парчаси, замин эса унга яшаш учун берилган макон. яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак.

Чингиз Айтматов ҳикматларидан

Ҳа, Шукурулло Мардонов ҳаётдан завқ олиб, уни қадрлаб яшайдиган инсон! Ҳар доим Санобар Раҳмонованинг “Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, Устозлар, Юрсам дейман бу табаррук изингиздан устозлар”, - деган ашуласини эшитганимда кўз ўнгимда барча устозларим гавдаланади. Бугунги кунда улар қаторида педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардоновнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Мен устоз билан ҳамкорликда ишлаётганимга эндигина бир йилдан ошган бўлса ҳам улардан нафақат билим, балки ҳаёт ўгитларини ҳам ўрганиб келмоқдаман. Муқаддас китоб Қуръони каримда ҳар инсон шахсан эгаллаган илмини ўзгаларга ўргатган устозларнинг шаъни-шарафи жуда ҳам улуғ эканлиги мана шундай марҳамат қилинади: яъни: “.Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужодала сураси, 11-оят).

“Ҳар бир инсоннинг келажаги у танлаган устозига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. – Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев. Чунки ҳаммамизга ҳам шу устозлар

сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган”.

Устоз, муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин! Яна жуда узоқ йиллар қуёш тафтидай юзингиздан ёғилиб турган нурдан, сўзларингиздан томиб турган меҳр дуридан биз шогирдларингиз баҳраманд бўлиб юрайлик!

ИЛМ ХАЗИНАСИДАН ШОГИРДЛАРНИ НАСИБАДОР ҚИЛГАН ОЛИМ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факултети "Болалар спорти" кафедраси ўқитувчиси Гимазутдинов Р. Г.

Дунёда инсонлар турли-туман касбларда фаолият олиб боради. Аммо мана шу касблар ичида шундай бир касб борки, у ҳам шарафли, ҳам масъулиятлилиги билан ажралиб туради. Бу устозлик ва мураббийлик касбидир.

Педагогика фанлари доктори, профессор Мардонов Шукурулло Қўлдошевич софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устоз бутун кучларини ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб кўри-ю меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш инсондир.

Бундай эътирофга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун одам ўзининг одамларга қилган яхшилиги, эзгу ишлари, Ватанига, халқига қилган хизматлари, ўз соҳасига жонкуярлиги туфайли эришади. Мардонов Шукурулло устоз мен учун ана шундай қадрдон инсон.

Профессор Шукурулло Мардонов устоз билан мени боғлайдиган ришталар жуда кўп, шулардан бири, мен 2010 йил Тошкент шаҳрида малака ошириш учун ўқишга келгандим. Ўша пайтда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида яқин бир дўстим аспирант сифатида ўқир эди ва мен уни кўриб кетиш учун келгандим. Ушбу даргоҳ ҳовлисида дўстим Мирзаев Абдулхамид билан сухбатлашиб турганимизда, бино ичидан юзидан табассум, самимийлик ва илм нури таралиб турган бир инсон биз томонга қараб келарди. Абдулхамид дўстим хаяжондан менинг Устозим биз томонга келаябди, деб секин овозда айтган сўзлари ҳали ҳам ёдимда. Илк бор устоз билан ўша пайтда кўришиб 1-2 дақиқа давомида ҳол-аҳвол сўрашганмиз.Шундан сўнг мен уйимга – Термиз шаҳрига қайтдим. Тақдир тақозосини қарангки, орадан 11 йил ўтгач 2020 йил 10 октябрь куни мен Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Мактабгача ва бошланғич таълим факультетига ўқитувчи сифатида иш ва илмий фаолиятимни давом эттиришим учун келгандим. Устоз Шукурулло Мардоновнинг суҳбатига кирганимда не кўзлар билан қарамай, мен яна ўша юзида таббасум, самимий, илм нурига тўла чеҳрани кўришга мушарраф бўлдим ва у инсоннинг суҳбатлари асносида ишга қабул қилиндим. Аммо устоз мени умуман танимасди ва бу менинг у инсон билан иккинчи учрашувим эди.

Янги жойда, янги жамоада иш фаолиятимни бошлагач бироз вақт ўтгач устоз Шукурулло Мардонов менинг илмий раҳбарим бўлишлари учун улардан розилик ва дуоларини олиш шарафига муяссар бўлдим. Ҳозирда устозимни маслаҳатлари билан 20 дан ортиқ илмий мақолалар ҳамда яқин кунларда 1 та ўқув қўлланмам чоп этилиш арафасида. Устозни бизларга кўрсатган хизматлари беқиёсдир.

Ўз илм хазинасидан инсонларни насибадор қилган олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир, дейишади.

Буюклардан бири устози хақида гапира туриб "Отам мени ерга тушишимга сабаб бўлган бўлса, устозим илм-таҳсил бериб, мени кўкка чиқишимга боис бўлди", - деган экан.

Шукурулло Мардонов устозимизнинг шогирдлари бугун Ўзбекистон педагогикасини ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келишмоқда.

Азиз Устоз, бугун сиз 70 ёшдасиз! Бу донишмандлик, умумбашарий ҳурмат ва иззат даври. Шундай қилиб, ҳар доим сизнинг атрофингизда, сизнинг чақирувларингизга "лаббай" деб жавоб қиладиган, ғамхўр, содиқ ва севимли яқин инсонларингиз, дўстларингиз, шогирдларингиз бундан-да зиёда бўлишини тилаб қоламан. Сиҳат-саломатлик ва қувонч сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ушбу байрам кунида сизнинг педагогик истеъдодингиз, маънавий сахийлигингиз ва кўп йиллар давомида бўлажак ўқитувчи ва олимларнинг тарбиясига қўшган улкан ҳиссангиз учун табриклар ва миннатдорчилик сўзларини қабул қилинг.

УСТОЗИМ – ФАХРИМ МЕНИНГ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти "Болалар спорти" кафедраси катта ўқитувчиси Жўрабоев А. Б.

Шундай инсонлар борки, уларни эслашингизнинг ўзи кифоя, чеҳрангиз ёришиб, қалбингизга илиқлиқ югуради. Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов ана шундай инсонлар сирасига киради. Устоздаги самимийлик, инсонийлик, айниқса, шогирдларига нисбатан оталарча меҳрибонлиги, жонкуярлиги ҳамма инсонларда ҳам учрайвермайдиган ноёб фазилат, десам адашмайман. Мен Шукурулло Мардоновга шогирд бўлганлигим, уларнинг илм ва ҳаёт ҳақидаги ибратли ўгитларидан баҳраманд бўлганлигим билан фахрланаман. Мардонов устоз мен учун ана шундай қадрдон инсон.

Ундан ташқари, Мардонов Шукурулло устозни олим сифатида, шахс сифатида, раҳбар сифатида кўз олдимизга келтирсак, у киши инсон сифатида меҳрибон, хушчақчақ, инсоннинг кўнглини оладиган дилтортар инсон.

Устозим Шукурулло Мардоновни 2017 йил илк бор Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига Мактабгача ва бошланғич таълим факультетига ўқитувчи сифатида ишга суҳбат асосида ишга қабул қилиндим. Шу пайтгача устоз билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ишлаб келаяпман. Ҳозирда устозимнинг маслаҳатлари билан 1 та ўқув қўлланма, 20 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи бўлдим. Устозимиз Шукурулло Мардоновни, биз шогирдлар бахтига, оиласи ва фарзандлари бахтига, педагогикамиз бахтига соғ-саломат бўлишларини Оллоҳдан сўраб қоламиз!



ЗУККО ОЛИМ, ФИДОЙИ РАҲБАР

Мактабгача таълим факультети ўқитувчиси Л.К.Наримбаева

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов устозимиз софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсонлар. Профессор Шукурулло Мардонов бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб қўри-ю меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкашдир.

Устозимиз ҳаётларида биз учун нақадар гўзал ибратлар мавжуд. Устозим жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонидир. Профессор Шукурулло Мардонов маърифат осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирлар, улар туфайли биз шогирдлар илм йўлида илмий иш ёзишни ўргандик.

Профессор Шукурулло Мардонов мени 2020 йил илк бор Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг Мактабгача ва бошланғич таълим факультетига ўқитувчи лавозимига суҳбат асосида ишга қабул қилдилар. Шу пайтгача устоз билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ишлаб келаяпман ҳозирда устозимни маслаҳатлари билан 1 та ўқув қўлланма 15 дан ортиқ илмий мақолалар ёздим, устозни бизларга кўрсатган хизматлари жуда катта.

Мен Шукурулло Мардонов устозимизнинг таваллуд айёмлари билан муборакбод этаман. Жамият олдида катта масъулият соҳиби Шукурулло Мардоновга мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаб қоламан. Ушбу заҳматли ва улуғ касбингизда барака топиб халқ дуосида бўлиб юринг, Устоз!

УСТОЗИМ – ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Болалар спорти кафедраси ўқитувчиси Холматова С. Қ.

Бугун мен сиздай қадрли, меҳри уммон каби тошқин, қалби қуёшдек қайноқ инсонни табаррук ёшингиз билан қутлаш бахтига мушарраф бўлганлигимдан бахтиёрман!

Сиз менда жонкуяр устоз, шогирдларига меҳрибон ота, самимий инсон, талабчан раҳбар сифатида шундай таассурот қолдиргансизки... Сизни эсласам, чеҳрам ёришиб, қалбимга илиқлиқ югуради. Мен сизга шогирд бўлганлигим, Сизнинг илм ва ҳаёт ҳақидаги ибратли ўгитларингиздан баҳраманд бўлганлигим билан фахрланаман.

Сиз мени 2019 йил илк бор Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига Мактабгача ва бошланғич таълим факультетига ўқитувчи сифатида ишга суҳбат асосида ишга қабул қилгансиз. Шу пайтгача маслаҳатларингиз билан 1 та ўқув қўлланма, 20 тадан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи бўлдим. Бугунги кунда Болалар спорти кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келяпман.

Бугунги муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, УСТОЗ!

МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗ

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси Каримжонова Д.

Педагогика фанлари доктори, профессор Шукурулло Мардонов жудаям олижаноб инсонлар, хушчақчақ, меҳрибон, ўз ишининг устаси, меҳридарё, юзлари нурли, ширинсўз хушмуомалалар. Бу улуғ олий даргоҳга ишга келганимга 2 йил ҳам бўлмаган бўлса ҳам, уларга нисбатан ҳурматим чексиз.

Айни пайтда раҳбар сифатида у кишини ниҳоятда талабчан раҳбар сифатида кўрганман. Биз учун қадрли ва азиз бўлган меҳрибон, севимли устозимиз профессор Шукурулло Мардоновнинг муборак етмиш ёшлари билан табриклаб, Аллоҳдан соғ-саломатлик, оилавий бахт, қут-барака ва чексиз ҳурсандчилик кунларини тилаймиз. Халқимиз равнақи йўлида, Ватан учун хизмат қилишдан чарчаманг. Мартабангиз янада улуғ бўлсин. Омад сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ҳамиша иймон эътиқодда Аллоҳ паноҳида бўлинг!!!

Нурли тонглар, мунаввар кунлар,
Ҳар бир кунингиз шодликда ўтсин.
Севинчларга тўлганда диллар,
Тавваллуд кун муборак бўлсин!

Ҳеч бўлмасин қалбда ғам, тугун,
Атрофингизда дўстлар жам бўлсин.
Кулиб яшанг, ҳамиша ҳар кун,
Таваллуд кун муборак бўлсин!

Аллоҳдан тилайман чексиз саодат,
Бахт-омад доимо сизга ёр бўлсин.
Бу беғубор, чиройли қалбингиз,
Яна минг минг баҳорни кўрсин!
Шукрона кунингиз муборак бўлсин!!!

АРДОҚЛАРГА ЛОЙИҚ УСТОЗ!

Рашидова Гулноза Ғуломовна
Чирчиқ давлат педагогика
институти тадқиқотчиси

“Агар ўрганишни истамасанг,
ҳаёт ҳеч нарсани ўргатмайди”.
Бернард шоу

2019 йил чамамда ёз фасли кунлар иссиқ, мен илмга бўлган қизиқишимни давом эттириш мақсадида устозим Шукурулло Қўлдашевичдан маслаҳат олиш учун минг бир андишада уларнинг қимматли вақтларини топиб Тошкентнинг Чирчиқ шаҳри томон йўл олдим. Чирчиқнинг ҳавоси ўзгача эди! Анча йиллар олдин Жиззахда фаолият олиб борганларида суҳбатларини олган эдим. Биз Бошланғич таълим факультетида (эски бинода) илк бор кўришдик. Устозимнинг-“Келинг! Жиззахлар тинчми, жойидами”, - деган сўзлари этимни жимирлатиб юборди. “Устоз, илмий ишимни давом эттирмоқчиман. Оила билан бўлиб анча қолиб кетди”,- деб бошлаганимда менга бир фикрни айтдилар- “Сиз аёл кишисиз, бунга тайёрмисиз? Чунки аёл учун, биринчи галда, оила. Илм йўли осон эмас, унинг чиғириқли йўллари бор”, - дедилар. “Ҳа, устоз. Оилам менга – шароит қилиб берамиз, агар сиз шу йўлдан борсангиз – дейишди”, - деганимда секин жилмайиб, “Оилангизга раҳмат. сизни тушунганлари учун. Юртимизда мана шундай оилалар кўпаяверсин”, - дедилар.

Устозга ғояларимни айтиб менга илмий раҳбар бўлишларини сўрадим, лекин менда ҳаяжон бор эди – рад этсалар-чи? Сизга узоқлик қилмайдими нимага Жиззахдан олмаяпсиз деган саволни берсалар-чи, деб ўйлаб турган чоғимда шу саволни айтганимдек бердилар. Мен йўқ устоз сизни неча йиллардан бери биламан сиз берган таълим, сиз кўрсатган тўғри йўллардан юриб адашмадим сизни танлашимда ҳам бир ҳислат бор! Сиз берган таълим-тарбия, камтарона фикрлар ўзгача! Устозимдан хўп деган сўзни эшитиб ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Ҳар гал устозни олдиларига келганимда жуда кўп топшириқларга кўмилиб кетаман яна қанча муҳлат берай деб

мийиғида жилмайишларида маъно бор эди?

Илм бебаҳо бойлик, уни эгаллаш осон иш эмас, албатта. Уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Инсон шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устознинг ўрни беқиёс.

Устозлар ҳақида гап кетар чоғида ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг мисралари ҳаёлимни чулғайди;

"Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила".

Устоз нафақат талабаларга, балки жамиятга ҳам гўзал инсоний сифатларда, одоб-ахлоқда, илм-маърифатда, муомалада, ҳаётнинг барча соҳаларида жонли намуна бўлиши лозим. Мен шу ҳислатларни устозимда кўра олганман.

Мен учун энг азиз, отадай меҳрибон, қадри баланд Устозим Шукурулло Қўлдошевич, сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ва саломатлик, илмий-ижодий фаолиятингизда янада улкан зафарлар тилайман. Доимо биз каби шогирдлар ардоғида, бўлиб юринг! Педагогика тараққиётидаги фаолиятингиз узоқ йиллар давом этсин, УСТОЗ!

ДУОГЎЙИМ ОТАЖОНИМ

Мардонов Фарход Шукуруллаевич

Дунёга келганимизда энг кўп хурсанд бўлган, қалби бизга бўлган муҳаббат билан тўлиб тошган азизим, бахтимизни ўз бахтидан устун деб билган – Отажоним.

Суянганда кўтаргувчи, уйимизнинг кўрки, тўридан жой олгувчи, меҳр билан қаттиққўлликларни ювиб юборувчи, ҳар ерда фахр-ифтихор билан ҳамиша ўрнак олишни истаган – Отажоним. Илоҳим умрингиз узун, мартабангиз бундан-да улуғ бўлсин! Ҳар сафар Сизга ўхшатишганда фахр, муҳаббат учқунлари юзимда акс этади. Яхши-ёмонимни беркитиб, камчиликларимни кечирганингиз учун минг ташаккур! Отажоним, дуоингизга ҳамиша муҳтожмиз, бахтимизни тилаган, ўзидан-да кўпроқ оиласини севиб асраган Отажоним, илоҳим икки дунё саодатига эришинг.

Эй уйимнинг жавҳари, давлатим отам,
Диллари қуёшдур меҳрибон – отам.
Сизга издошдурман абадул-абад,
Шул сабаб кўнглим шод, гурурим отам.
Сизнинг-ла бордурман ичра кенг жаҳон,
Шукримни эшитсин ул буюк Раҳмон.
Меҳнат ила айладингиз Сиз бизни инсон,
Сиз бизни қўли гул боғбоним – отам.

3 МОДУЛ. ИЛМИЙ ХИЗМАТ.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР МАРДОНОВ ШУКУРУЛЛО ҚЎЛДОШЕВИЧНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

1. О семантических сдвигах русских лексических заимствований в узбекском литературном языке. – Советская тюркология, 1981 г., № 2, с. 13-16.

2. О фразеологических кальках русского происхождения в узбекском литературном языке. – В ки.: Вопросы фразеологизмы русского языка. –Самарканд, 1981, с. 101-104.

3. О типах русских кален в узбекском литературном языке. Советская туркология,1983, № 1, С.15-23.

4. Русские лексических заимствования в современном узбекским литературном языке. – В кн.: Исследования по лексике и фразеологии. Работа депопирована в ИНИОН АН СССР № 16128 от 27.03.1984. -50 с.

5. Кальки русского происхождения в современном узбекском литературном языке. Методические рекомендации. Джизах, 1984 г. -40 с.

6. Стилистическая характеристика русских лексических заимствований в современном узбекском языке. Методические рекомендации. –Джизах, 1985 г. -44 с.

7. Атоқли шарқшунос, меҳрибон устоз мураббий. Жиззах ҳақиқати. 21.03.1985 й.

8. Юбилей ученого. Джизахская правда. 21.03.1985 й.

9. Падишах лириков. Джизакская правда. 21.12.1985 г.

10. Боец и мислитель. Джизакская правда. 05.02.1986 г.

11. Жизнь, ставшая подвигом. Джизакская правда. 07.02.1986 г.

12. Русские кальки в узбекском литературном языке. – В кн.: тюркские исследования. –Фрунзе, 1986 г. -С. 74-79.

13. Развитие познавательной деятельность студентов в процессе изучения семантики русских лексических заимствований в узбекском литературном языке. В кн.: Лингвичтические аспекты развития познавательной деятелности учашихся молодёжи. – Тошкент, 1986 г., с. 51-59

14. Русские лексические кальки в узбекском литературном языке. В кн.: Язык как процесс и система. -Ташкент, 1987 г., С. 99-101.

15. О семантике русизмов в узбекском языке. – В кн.: Актуальные проблемы общей семантики и семантики русского языка. Тезисы докладов межвузовской конференции. – Ташкент: Ўқитувчи, 1988 г.

16. Семантическая структура русизмов в узбекском языке. -В кн.: Материалы научной конференции профессорско-преподавательского состава. Джизакского госпединститута. – Ташкент: Ўқитувчи, 1989 г.

17. Прогрессивное влияние функционального стиля узбекского языка. – В кн.: Материалы научной конференции профессорско-преподавательского состава ДжГПИ. – Ташкент: Ўқитувчи, 1989 г.

18. "Салом"дан – "хайр"гача рубрикаси остида. "Сирдарё ҳақиқати" газетаси саҳифаларида 11 та мақола эълоқ қилинди. 18 мартдан 23 июнгача 1989 й.

19. К вопросу изучения семантической структуры русских заимствований в узбекском языке. -В кн.: Пути и формы совершенствования подготовки учителей русского языка и литературы в условиях билингвизма. -Ташкент, 1989, С. 71-79.

20. О роли и удельном весе русских заимствование в узбекском литературном языке. – Спецкурс для студентов педвузов. – Ташкент, 1990 г. – 44 с.

21. Развитие лексики узбекского языка под влиянием русского (на материале заимствованной лексики). – В кн.: Формирование познавательного интереса учащихся молодёжи в процесса изучения языка и литературы. -Ташкент, 1991, С. 22-29.

22. Развитие узбекского литературного язқка и функциональных его стилей. – Материалы конференции профессорско-преп. состава ДжГПИ, посвешенной к 550-летию А.Навои. –Джизак,1991 г.

23. Современный русский язык в вопросах и ответах (Лексика, фразеология, лексикография). –М., 1992 г. -17 с.

24. Современный русский язык в вопросах и ответах. Морфология. Учебная пособия. (В соавторстве с У. Пирназаровым). – Джизах, 1992. -33 с.

25. Современной русский язык в вопросах и ответах. Синтаксис пробого предложения. Учебное пособие. -Джизак. 1992. -18 с.

26. Некоторые особенности развития узбекского литературного языка. -В кн.: А Қодирийнинг 100 йиллигига бағишланган институт профессор-ўқитувчилари XX илмий-назарий конференцияси материаллари. -Джизак, 1993 г.

27. Современнқй русский язқк в вопросах и ответах. Синтаксис сложного предложения. Учебное пособие. -Джизах, 1993 г.

28. Программа и методические указания к проведению занятий по обобщающему курсу совр. рус. языка. –Джизах, 1994. -47 с.

29. Стилистические перемещения в состава заимствованной лексики узбекского языка. – В кн.: А. Қодирий таваллудининг 100 йиллиги ва институтнинг 20 йиллигига бағишланган профессор-ўқитувчиларнинг XX илмий-амалий конференциясининг доклад тезислари. –Жиззах, 1994.

30. Условия проникновения заимствованной лексики. -В кн.: Фан ва техника тараққиёти. Ёш олимлар ва мутахассислар илмий-амалий конференциясининг материаллари. Вып. 4. -Ташкент, 1994 г.

31. Перемешение книжной лексики в состав нейтральной. -В кн.: Актуальные проблемы русского языка и методики его преподавания как неродного. Сборник научных трудов. -Ташкент, 1995.- С.3-7.

32. Переход книжной лексики в состав разговорной. -В кн.: Актуальные проблемы русского языка и методики его преподавания как неродного. Сборник н/т. -Ташкент, 1995. -С. 7-11.

33. Развитие узбекского литературного языка и функциональных стилей. Монография. -Ташкент, 1996. -184 с.

34. Классификация русской заимствованной лексики в узбекском лит. языке. -В. кн.: Актуальные проблемы русского языка и литературы. Сборник научных трудов. Вып. 2. -Джизах, 1997. – С. 3-9.

35. Лингвистические концепции И.А. Бозуэна де Куртенэ. -В кн.: Актуальные проблемы языка и литературы. Сб. научных трудов. Вып. 3. -Тошкент, 1999, с. 24-32.

36. Типы значений русских лексических заимствований в современном узб. лит. языке. Специальный курс для студентов. –Тошкент, 2000 г. – 60 с.

37. Келажак йўли. Фидокор, 16 ноябрь 2000 г. № 141-142 (241).

38. Современный русский литературный язык в вопросах и ответах. Словообразование. – Тошкент, 2001 г. – 33 с.

39. Современный русский литер. язык. Односоставные предложения. -Тошкент, 2001 г. – 30 с.

40. Маънавий етуклик йўлида. –Маърифат, №53 (7952) 7.07. 2001 й.

41. Ислохотларнинг муҳим йўналиши. Жиззах ҳақиқати, № 77, 21 сентябрь, 2001 й.

42. Биз тинчлик ва осойишталик тарафдоримиз. Жиззах ҳақиқати, № 82, 10 сентябрь 2001 й.

43. Имкониятлар кенгайди. Маърифат, № 85, 27 октябрь 2001 й.

44. Илмий изланишлар бош омил. Жиззах ҳақиқати, № 16, 20 феврал 2002 й.

45. Ижтимоий ҳамкорлик – тараққиёт омили. – Илмий тўплам: Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари. -Жиззах, 2002 й., 19-21 б.

46. Ўзлигини англаган халқ. – Тошкент, Мерос, 2002 й. – 96 б.

47. Современные русский литературной язык в вопросах и ответах. Неполные предложения. – Джизак, 2002 г. -15 с.

48. Миллий истиқлол мафкурасининг таълим-тарбия жараёнида ёшлар қалби ва онгига сингдириш воситалари тўғрисида. Илмий тўплам: Таълим-тарбия жараёнида миллиф истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш воситалари. -Жиззах, 2003. 4-6 б.

49. Таълим тизимида психология хизматининг аҳамияти. Илмий тўплам: “Мактабда психологик хизматни такомиллаштириш омиллари” мавзусидаги халқ таълими ходимларининг илмий-амалий конференцияси материаллари. -Жиззах, 2003 й. 4-5 б.

50. Малака ошириш – замон талаби. – Жиззах ҳақиқати, № 56, 9 июль 2003 й.

51. Она тили фанидан мутахассислик бўйича давлат талаблари, тақвимий-мавзуий режа, ўқув дастури. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курс тингловчилари учун ижтимоий (мутахассислик) фанларидан давлат талаблари, тақвимий-мавзуий режа ўқув дастурлари. Ахборотноманинг махсус сони. 3-қисм. -Тошкент, 2004, 3-9 бетлар.

52. Адабиёт фанидан давлат талаблари, тақвимий-мавзуий режа, ўқув дастури. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курс тингловчилари учун ижтимоий (мутахассислик) фанларидан давлат талаблари, тақвимий-мавзуий режа ўқув дастурлари. Ахборотноманинг махсус сони. 3-қисм. -Тошкент, 2004, 9-15 бетлар.

53. Касбий педагогик муносабатлар жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантириш. – Мактаб ва ҳаёт, № 1, 2004 й., 12-14 б.

54. Профессионал педагогик муносабатлар ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаси сифатида. -Узлуксиз таълим, № 1, 2004 й., 79-82 б.

55. Шарқ алломалари мероси - педагог мутахассислар тайёрлаш асоси. Халқ таълими, № 2, 2004 й., 25-27 б.

56. Педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш омиллари. – Мактаб ва ҳаёт, № 2, 2004, 7-9 б.

57. Янги таълимий қадриятлар ва педагогик кадрлар малакасини ошириш. -Халқ таълими, № 2, 2004 й., 112-116 б.

58. Таълим тизимида инновациялар. Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари (11-12 май 2004 й.).- Тошкент, 2004, 43-44 б.

59. Асосий эътибор ёшларга ишонч № 57 (1690), 6 апрель, 2004.

60. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрлар малакасини ошириш мазмунини такомиллаштириш. "Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ислохотларининг муаммолари" мавзусидаги республика илмий конференцияси материаллари. Институт ахборотномасининг юбилей сони. -Тошкент, 2004 й., 17-19 б.

61. Педагог кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг тарбиявий аспектини кучайтириш. -Узлуксиз таълим, № 3, 2004 й., 81-85 б.

62. Педагогик олий таълим тизимидаги инновациялар. "Олий ва ўрта махсус таълимда сифат ва самарадорликни ошириш муаммолари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. (СамГУ 25-26 март, 2004 й.).- Самарқанд 2004 й., 1-қисм, 62-63 б.

63. Педагогик кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг тарбиявий аспектини кучайтириш йўллари. А.Навоий номидаги "Самарқанд ДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси" журнали. -Самарқанд, 2004 й., 2-сон, 78-79 б.

64. Малака оширишда шахс омили. -Узлуксиз таълим. № 5, 2004 й., 87-91 б.

65. Педагогик кадрлар тайёрлашда таълимнинг янги қадриятлари. -Гулистон ДУ ахборотномаси. -Гулистон, 2004 й., №1, 103-104 б.

66. Педагогик кадрлар малакасини оширишнинг назарий-амалий йўллари. Илмий тўплам: Филология фанининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Мерос, 2004, 35-39 б.

67. Малака ошириш тизимини такомиллаштириш. -Халқ таълими, №1, 2005 й., 98-100 б.

68. Олий педагогик таълимнинг муҳим қадрияти. Узлуксиз таълим, № 1, 2005 й., 103-106 б.

69. Узлуксиз таълим шароитида ўқитувчилар малакасини ошириш. -Узлуксиз таълим, № 2, 2005 й., 36-42 б.

70. Талаба шахсининг шаклланиш йўллари. Илмий тўплам. Основные направления формирования всесторонне развитой личности. -Тошкент, 2005, 152-155 б.

71. Талабаларнинг идрок этиш мустақиллигининг ижтимоийлашуви. "Касб таълими йўналишида инженер-педагоглар тайёрлаш истиқболлари: тажриба ва муаммолар" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. -Қарши, 2005 й., 80-83 б.

72. Узлуксиз таълимда – таълимий қадриятлар. -Узлуксиз таълим, № 5, 2005 й., 30-40 б.

73. Ривожлантирувчи таълимда талаба шахсини шакллантириш. -Мактаб ва ҳаёт, № 6, 2005 й., 6-8 б.

74. Педагогик таълим тизимида таълимий қадриятлардан фойдаланиш. -Халқ таълими, № 6, 2005 й., 24-28 б.

75. Талаба шахсининг шаклланиши. Наука образование техника. -Ош, № 2, 2005 й., 38-40 б.

76. Педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш – ижтимоий педагогик зарурият. -Мактаб ва ҳаёт, № 2, 2006 й., 2-7 б.

77. Усиление воспитательного аспекта обучения в подготовке педагогических кадров. Труды международной научно-практической конференции «Непрерывное образование: проблемы и перспективы». (Алматы, 2006 й., 21-22 апреля). -Алматы, 2006 г., С 158-161

78. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тарбиялаш ва малакасини ошириш.-Тошкент: Фан, 2006. - 232 б.

79. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. –Тошкент, 2006 й.

80. Амалиётчи педагоглар билимларини такомиллаштириш // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари "Таълим

мазмунини модернизациялаш босқичида илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари". (ЎзПФИТИ, 2006 й., 3-4 май). –Тошкент, 2006 й., 95-97 б.

81. Слушателям курсов педагогической квалификации о личностном факторе. -Узлуксиз таълим, № 3, 2006 й., 59-63 б.

82. Шахс ва унинг ўз-ўзини такомиллаштириш омиллари // тўплам: Личностно-ориентированное обучение и воспитание на современно этапе (содержание, формы, методы) – Ташкент, 2006 й., 2 қисм, 86-89 б.

83. Шарқ алломалари мероси – педагог мутахассислар тайёрлаш асоси. Методик қўлланма. -Жиззах, 2002. - 36 б.

84. Педагог кадрларни тайёрлашда таълимий қадриятларнинг роли. Методик қўлланма. -Жиззах, 2002. - 81 б.

85. Педагогларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини ошириш. Методик қўлланма. -Жиззах, 2003.- 31 б.

86. Таълимий қадриятларни амалга ошириш йўллари. Методик қўлланма. -Жиззах, 2003.- 80 б.

87. Ўқувчи фаол бўлсин. Маърифат, 2006 й., № 45 (7862)

88. Малака ошириш тизимида педагоглар билимларини такомиллаштириш // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари "Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари" (Низомий номидаги ТДПУ, 2006 й.). –Тошкент, 2006 й., 109-111 б.

89. Шарқ мутафаккирларининг баркамол шахс тарбияси ҳақидаги педагогик ғоялари. - Мактаб ва ҳаёт, № 4, 2006 й., 20-23 б.

90. Малака ошириш тизимини такомиллаштириш // Республика илмий амалий конференцияси материаллари "Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг илмий педагогик асослари" (Тошкент, 2006 й., 26-27 май) // Ахборотномаининг махсус сони. – -Тошкент, 2006 й., 175 б.

91. Асосийси болаларга муҳаббат.-Тарбия, 2006 й., № 4 (8), 2-8 б.

92. Новые информационно-педагогические технологии в подготовке будущих учителей. - Узлуксиз таълим, № 6, 2006 й., 43-46 б.

93. Педагогларни тайёрлашда таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш. -Тарбия, № 1 (11), 2007 й., 29-32 б.

94. Педагогическое общение как коммуникативная ценность.- Узлуксиз таълим, № 2, 2007 й., с. 33-37.

95. Бўлажак ўқитувчиларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш. Мактаб ва ҳаёт, № 1, 2007 й., 2-4 б.

96. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш "Фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари" Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2007 й., 184-185 б.

97. Инновации в системы высшего педагогического образования сборник научных трудов серия «Педагогические науки», выпуск 2. (Кременец, 2007 г.,) Материалы международной научно-практической конференции "Инновации в высшем образование: проблемы и перспективы". -Украина, Кременец 17-18 мая, 2007 г. с. 57-63.

98. Новые ценности образования в подготовке педагогических кадров. В кн.: Лисностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. -Ташкент, 2007 г. Сборник в 11 частях. С.117-119

99. Ўқитишнинг тарбиявий жиҳатларини ривожлантириш. -В кн.: Лисностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. -Ташкент, 2007 г. Сборник в 11 частях. С.51-55.

100. Педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга янгича ёндашув. В кн.: Лисностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. -Ташкент, 2007 г. Сборник в 11 частях. Часть 3, С.56-60.

101. Педагог кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш. В кн.: Лисностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. -Ташкент, 2007 г. Сборник в 11 частях. Часть 4, С.9-13.

102. Педагоглар малакасини ошириш муаммолари. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. -Ташкент, 2007 г. Сборник в 11 частях. Часть 5, С.17-21.

103. Ўқиш, изланиш, топиш ҳаёти мазмуни эди. Маърифат газетаси, № 5 (7966), 2007 й., 6 июль.

104. Педагогик мулоқотлар ва уларни ташкил этиш. -Халқ таълими №3, 2007 й., 41-44 б.

105. Амалиётчи ўқитувчиларнинг экологик билимларини такомиллаштириш. "Узлуксиз экологик таълим: муаммолар ва ечимлар" Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (5-6 ноябрь 2007 й. ЎзПФИТИ).- Тошкент, 2007 й., 80-82 б.

106. Мустақил таълим олишни такомиллаштириш. -Мактаб ва ҳаёт, 2007 й., 5-6-сон, 23-24 б.

107. Ёш мутахассис шахсини шакллантириш “Узлуксиз таълим тизимида маънавий-касбий баркамол шахс тарбияси”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Гулистон, 2007 й., 172-173 б.

108. Бола туққанники эмас – тарбиялаганники. -Узлуксиз таълим, № 5, 2007 й., 102-105 б.

109. Янги давр кадрларини тарбиялаш “Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тизими: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2007 й., 185-189 б.

110. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёргарлиги мотивлари. -Мактаб ва ҳаёт. 7-8-сон, 28-29 б.

111. Педагогик таълим Концепцияси. Лойиҳа. Узлуксиз таълим, № 6, 2006 й., 3-29 б.

112. Бўлажак ўқитувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш масалалари. -Узлуксиз таълим, № 6, 2007 й., 23-32 б.

113. Использование новых педагогических технологии в процессе подготовки будущего учителя. Учебно-методическое пособие для учителей и воспитателей «Современные педагогические технологии в личностно-ориентированном обучении и воспитании».- Ташкент, 2008 С. 113-127.

114. Фаол талаба шахсини тарбиялаш. -Тарбия. 1 (17). 2008, 21-23 б.

115. Подготовка и повышение квалификации педагогических кадров. -Т.: Фан ва технология, 2008. -128 с.

116. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию (второй выпуск). Часть 1. -Ташкент, 2008 г.,

117. Бўлажак ҳамда амалиётчи ўқитувчиларнинг шахсини шакллантириш ва ривожлантириш // Илмий тўплам: Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию (второй выпуск). Часть 1. -Ташкент, 2008 г., 28-33 б.

118. Раҳбар коммуникатив функциясини такомиллаштириш. // Илмий тўплам: Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию (второй выпуск). Часть 1. -Ташкент, 2008 г., 117-120 б.

119. Педагогические идеи великих мыслителей Востока основа подготовки педагогических кадров // Материалы международной научно-практической конференции «Проблемы подготовки и повышения квалификации специалистов в контексте закона «Об образовании».- Алматы, 2007 г., 54-56 стр.

120. Совершенствование содержания повышения квалификации педагогических кадров // Материалы международной научно-практической конференции «Проблемы подготовки и повышения квалификации специалистов в контексте закона «Об образовании».- Алматы, 2007 г., 56-59 стр.

121. Ўқитувчилар устози. -Узлуксиз таълим.№ 2, 2008 й., 109-111 б.

122. Талаба шахсини ривожлантириш. -Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. № 1, 2008, 34-36 б.- Мактаб ва ҳаёт, № 4, 2008, 2-4 б.

123. Узлуксиз таълимда талаба тадқиқотчиларни тайёрлаш. “Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари -Самарқанд, 2008, 115-117 б.

124. Совершенствование содержания повышения квалификации педагогических кадров в непреривном образовании. –Вестник Баткенского госуниверситета, №5.-Ош 2008.-с.73-76.

125. Педагогик мулоқотлар орқали тарбиялаш. -Узлуксиз таълим, № 4, 2008 й., 17-20 б.

126. Р.А.Абдурасуловнинг “Шарқ яккакураши ва шахс такомили” монографияси муҳим манба.-Узлуксиз таълим, № № 4, 2008 й., 27-28 б.

127. Повышение квалификации педагогических кадров в условиях непрерывного образования. -Касб-ҳунар ва таълим. № 4, 2008 й., 27-28 б.

128. Талаба ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтирувчи муҳим манба. -Узлуксиз таълим, № 5, 2008 й., 109-111 б.

129. Талабаларни мулоқот маданиятига тайёрлашнинг педагогик асослари // Олий мактаб педагогикасининг долзарб муаммолари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 21-22 ноябрь.

-Қарши, 2008, 19-20 б.

130. Бўлажак мутахассисларни шахслараро мулоқот маданиятига тайёрлашга тизимли ёндашув // Бошланғич синф ўқитувчиларинитайёрлаш замонавий касбий таълим муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари. -Гулистон, 20-21 ноябрь 2008 й., 10-12 б.

131. Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаши. - Тарбия. № 1 (23). -Тошкент, 2009, 2-5 б.

132. Устозлик бахтига етган инсон // Маърифат, № 27 (8156), 2009, 4 апрель, 10 б.

133. Педагог кадрлар малкасини ошириш жараёнини такомиллаштириш хусусида баъзи бир мулоҳазалар. -Узлуксиз таълим, № 2, 2009 й., 83-90 б.

134. Бўлажак ўқитувчи шахсини такомиллаштиришга қўйилган талаблар // Бўлғуси педагогларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари ва йўллари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 24-25 май. -Қўқон, 2009, 10-14 б.

135. Таълимни ислоҳ қилиш муаммолари // Бўлғуси педагогларни ижтимоий педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари ва йўллари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 24-25 май. 2009 й. -Қўқон, 2009 й., 31-33 б.

136. Тарих тилга кирганда. -Узлуксиз таълим. -Тошкент, 2009, № 3, 109-111 б.

137. Профессиональное средство учителя. В кн.: Формирование интеллектуального творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Том 1. -Ташкент, 2009, 93-97 стр.

138. Д.М.Мирзажонованинг “Интеграл педагогик технологиялар: назария ва амалиёт” монографиясига тақриз. -Узлуксиз таълим, № 4. -Тошкент, 2009 й., 105-106 б.

139. Педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.С.Шодмонованинг “Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш” номли монографиясига тақриз. -Узлуксиз таълим, № 4.- Тошкент, 2009, 107-108 б.

140. Мотивлар – англашни харакатга келтирувчи куч. Тўплам:

Формирование интеллектуального творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Том 2. -Ташкент, 2009. 55-58 б.

141. Шахслараро инсонпарвар-аҳлоқий мулоқотлар. -Мактаб ва ҳаёт. -Тошкент, 2009, № 6, 3-6 б.

142. Вояга етмаганлар ўртасида девиантлик. ”Умумий ўрта таълимнинг девиантлик назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2009. 50-52 б.

143. Глава IV. Подготовка педагога новой формации на базе современых технологий. 4.1 Основа подготовки будушего учителя на новых ценностях образования. -В кн: Формирование личности обучающегося в условиях инноватционных технологий. Учебное пособие для предподователей и воспитателей. Под .ред. проф . Р.А. Джураева. - Ташкент, 2009. 134-143 с.

145. Гл. 2. 2.1. Формированние личности будушего учителя общеобразовательной школы в условиях современных технологий. - В кн.: Современные технологии в учебно-воспитательном процессе. Монография под ред. Проф. Р.Х.Джураева. – Ташкент: Фан, 2009, 81-87 стр.

146. Шахслараро инсонпарвар-аҳлоқий мулоқотлар (моҳияти, турлари, вазифаси, мотивлари, нашрлари). -Узлуксиз таълим. -Тошкент, 2009, № 5, 68-71 б.

147. Н.М. Эгамбердиеванинг “Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш” номли монографиясига тақриз. -Узлуксиз таълим. -Тошкент. 2009, № 5, 108-109 б.

148. Совершенствование содержания повышения квалификации педагогических кадров в непреривном образовании // Вестник Баткентского ГУ. -Баткен, № 5, 2009, с. 68-71.

149. Малака ошириш жараёнида болалар девиант ҳулқ атвори профилактикаси ҳақида тушунча бериш // “Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замонавий шаклларини жорий этиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2009, 39-40 б.

150. Олий таълим талабаларига ўзлигини англашга имкон яратиш // “Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тай-

ёрлашнинг замонавий шаклларини жорий этиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2009, 129-130 б.

